

Бахриддин УСМОНОВ

Амир Темур давлати



31

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Бахриддин УСМОНОВ

Амир Темур давлати

*(сиёсий ва ҳарбий тарих
масалалари)*

«АДАБИЁТ УЧҚУНЛАРИ» нашриёти.
Тошкент-2016

UDK 94 (575) (092)
BVK 83.3 (5Ў)
У-28

Масъул муҳаррир: Р. Арслонзода, т.ф.н.

Такризчилар: С. Т. Мирсоатова,
тарих кафедраси мудири, т.ф.н.
Ш. Маҳмудов,
ФарПИ проректори, т.ф.н.

Б. Усмонов. Амир Темури давлати (сиёсий ва ҳарбий тарих масалалари)
//Ўқув-услубий қўлланма. «Адабиёт учқунлари» нашриёти.
Тошкент 2016 й. -124 б.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма Фарғона давлат университети
Илмий кенгашининг 2016 йил феврал ойидаги № 6-сонли йиғилишида
нашрга тавсия этилган.

*Ушбу ўқув-услубий қўлланма тарих йўналишида таҳсил
олаётган талабалар ва халқ таълими тизимининг тарих фани
ўқитувчилари ҳамда тадқиқотчиларга мўлжалланган бўлиб,
улар учун илмий-методик манба бўлиб хизмат қилади.*

UDK 94 (575) (092)
BVK 83.3 (5Ў)
У-28

ISBN 978-9943-4236-1-9

© Б. Усмонов - 2016

КИРИШ

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиши ватанимиз тарихини чуқур ва ҳаққоний ўрганиш учун кенг имкониятлар очди. Мустақилликни мустаҳкамлаш ва ватанимизни тенглар ичра тенг бўлмоғини таъминлашда кўп жиҳатдан маънавий баркамол, миллий тарихини чуқур биладиган, ўзлигини англаган фуқаролар ўрни муҳимдир. Маънавий жиҳатдан етук баркамол шахс тарбиялашда эса тарих фанининг ўрни катта. Тарих фанининг жамиятдаги ўрни ҳақида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов республикадаги тарихчи олимлар билан бўлган учрашувда: «... ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади», «тарих – халқ маънавиятининг асосидир», «... маънавиятини тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак» - деб таъкидлаган эди¹.

Тарихимизнинг бошимизни баланд кўтариб юришимизга, фахрланишимизга асос бўладиган саҳифалари жуда ҳам кўп. Мана шундай саҳифалар ичида зарҳал ҳарфлар билан битилганларидан бири буюк давлат арбоби, энгилмас саркарда Амир Темури давлати тарихидир. Президентимиз И.А. Каримов «Темурийлар тарихи» Давлат музейининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида «Амир Темури ҳаётининг мазмуни, бетақдор фаолиятининг асосий маъноси – Ватан озодлиги, Ватанга муҳаббат деган олий кадриятдан иборатдир» деб алоҳида таъкидлаган эдилар².

Ушбу услубий қўлланмада Амир Темурнинг айнан Ватан озодлиги, мустақил марказлашган давлат тузиш, мустақил давлатни мустаҳкамлаш, уни ёт кучлардан муносиб ҳимоя қилиш ва нуфузини доимий суръатда ошириб бориш йўлидаги сиёсий ва ҳарбий фаолияти тарихий манбалар асосида ёритиб беришга ҳаракат қилинган.

Мазкур услубий қўлланманинг асосий мақсади миллий мафкура ва миллий ғоя асосида тарихимизнинг ёрқин

¹ Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: Шарқ, 1998. Б. 5, 8, 21.

² Каримов И. Халқимиз бор экан, Амир Темури номи барҳаётдир //“Темурийлар тарихи” Давлат музейи очилиши маросимида сўзланган нутқ, 1996 йил 18 октябрь, Тошкент // Амир Темури жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир Х. Кароматов. Муаллифлар жамоаси: С. Саидқосимов (раҳбар), А. Аҳмедов, Б. Аҳмедов ва бошқ. Тўлдирилган ва қайта ншланган иккинчи нашри. – Т.: “Шарқ”, 2001. Б. 16.

саҳифаларидан бири бўлмиш Соҳибқирон Амир Темур давлати тарихини сиёсий ва ҳарбий тарих нуқтаи назаридан тарихий манбалар асосида чуқур ўрганиш ва талабаларга етказишдир.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди:

Амир Темур давлатининг ташкил топиши арафасида халқаро сиёсий вазиятни ёритиб бериш;

Мовароуннаҳрда марказлашган давлатнинг ташкил топиши жараёнида Амир Темурнинг сиёсий ва ҳарбий фаолиятини тадқиқ этиш;

Амир Темур ва Амир Ҳусайннинг ўзаро ҳамкорлиги ва рақобати тарихини ўрганиш;

Амир Темур давлатининг Олтин Ўрда ва Мўғулистон давлатлари билан муносабатларини таҳлил этиш;

Амир Темур ҳарбий юришларининг келиб чиқиш сабаблари, жараёни, натижа ва оқибатларини тадқиқ этиш;

Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати ва қўшин тузилиши борасидаги ислохотларини тадқиқ этиш.

Амир Темур тарихига оид кўпгина илмий ва илмий-оммабоп рисола ҳамда тадқиқотларда Амир Темурнинг сафдоши, маълум бир вақт иттифоқдоши ва кейинчалик рақобатчиси бўлган Амир Ҳусайн билан биргаликда олиб борган фаолиятлари, уларнинг ўзаро кураши четлаб ўтилган. Собиқ иттифоқ даврида бу давр Амир Темур фаолиятининг айнан ватан озодлиги учун кураши билан боғлиқ бўлганлиги сабабли ҳам мажбуран четлаб ўтилган бўлса, мустақиллик йилларида нашр этилган Соҳибқирон тарихига оид асарларда нисбатан қисқа ёритилган. Шунинг учун ҳам ушбу услубий қўлланмада Амир Темурнинг айнан шу даврдаги фаолиятига нисбатан кенгроқ ўрин ажратилди. Шунингдек, Амир Темур ҳарбий юришларининг сабаблари, жараёни, натижа ва оқибатлари унинг бош стратегик мақсади Буюк ипак йўлининг тўла хавфсизлигини таъминлаш, Шарқу Ғарбнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларини ривожлантириш ғоясига бўйсунганлиги хусусида мулоҳазалар юритилган.

Ўқув услубий қўлланманинг манбавий асосини Амир Темур даври тарихига оид тарихий манбалар ташкил этади. Ғиёсиддин Алининг «Рўзномаи ғазовоти Ҳиндистон», Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи

Таймур», Фасиҳ Хавофийнинг «Мужмал-и Фасиҳий», Руи Гонсалес де Клавихонинг «Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги», шунингдек, «Темур тузуклари», «Зафар йўли» каби тарихий манбалардан фойдаланилди.

Ўқув услубий қўлланманинг назарий-услубий асосини шахснинг тарихда туган ўрнини ўрганишда объективлик, тарихийлик, илмийлик, изчиллик, холислик каби тамойиллар ташкил қилади. Шунингдек, ишда услубий жиҳатдан И. Мўминов, Б. Аҳмедов, Б.В. Лунин, А. Ўринбоев, Т. Файзиев, А. Аҳмедов, А. Муҳаммаджонов, Д. Юсупова, О. Бўриев ва бошқаларнинг тадқиқотларига таянилди.

Ватанимизнинг узоқ ва мураккаб тарихий ўтмишини англаб етишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ҳам назарий ҳам услубий аҳамиятга эга. Уларда буюк давлат арбоби, энгилмас саркарда Амир Темурнинг сиёсий ва ҳарбий фаолияти тарихини ўрганиш, унинг нафақат Марказий Осиё, балки жаҳон тарихида туган ўрни ва ролини аниқлашга доир муҳим фикрлар, тавсиялар берилган. И.А.Каримовнинг Амир Темур таваллудининг 660-йиллигига бағишланган халқаро конференцияда «Соҳибқирон ҳақидаги нотўғри ғайриилмий қарашларга танқидий баҳо бериб, Амир Темурга нисбатан тарихий адолатни қарор топтириш бугунги темуршуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир»³, деб таъкидлаган фикрлари биз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ушбу ўқув услубий қўлланма тарих йўналиши талабаларига ўқитиладиган «Темур ва темурийлар давлати тарихи» махсус ўқув курсининг ишчи ўқув дастури асосида тайёрланган бўлиб, ушбу ўқув курсининг Амир Темур давлати тарихига оид мавзуларини қамраб олган.

Мазкур ўқув услубий қўлланма тарих йўналишида таҳсил олаётган талабалар ва халқ таълими тизимининг тарих фани ўқутувчилари ҳамда тадқиқотчиларга илмий методик манба сифатида хизмат қилиши мумкин.

³ Амир Темур фахримиз, гуруримиз: Тўплам -Т.: Ўзбекистон, 1998. Б. 59-60.

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ АРАФАСИДА ХАЛҚАРО СИЁСИЙ ВАЗИЯТ

XIII-XIV асрларда жаҳон сиёсий иқлимига катта таъсир ўтказувчи Чигатой (Мовароуннахр, Шарқий Туркистон ва Еттисув), Жўжи (Олгин Ўрда), Ҳолокулар (Эрон), Миср, Усмонли турклар, Хитой ва Ҳиндистон давлатлари мавжуд эди. Ушбу давлатлардаги сиёсий вазият келажакда Амир Темур давлатининг ташкил топиши ва ривожланиб боришида муҳим аҳамият касб этган.

XIV аср Чигатой улуси икки худудий-иқтисодий асосга таянган давлат эди. Бири ўтроқ ўргаларида деҳқончилик маданияти ҳукмрон бўлган Чигатой улуси Мовароуннахр бўлса, иккинчиси кўчманчи чорвачиликка асосланган хўжалик шакли асосий ўрин тутган Еттисув ва Шарқий Туркистон ўлкаларини ўз ичига олган худуддир. Бу худуд аҳолисининг асосий қисмини ҳали туркийлашиб улгурмаган мўғуллар ташкил этганлиги учун Мўғулистон деб ҳам аталарди. Дастлабки мўғул хонлари Мовароуннахрни Маҳмуд ва Масъуд Ялавочлар каби маҳаллий амалдорлар орқали борот усули асосида бошқарар эдилар. Лекин кўчманчи турк-мўғул қабилаларининг тобора ўтроқлашиб бориши, хўжалик тараққиётининг табиий ривожланиш заруриятлари мўғул хонларини ҳам Мовароуннахрни бошқариш ишларига тобора кўпроқ аралашшига олиб келди.

Мулоҳаза юритинг: Мўғул хонларининг Мовароуннахрни бошқариш ишларига бош қўшишига яна қандай сабаблар ундаган деб ўйлайсиз?

Биринчилардан бўлиб мўғул хони Кебек Мовароуннахрни бошқариш ишларига шахсан аралаша бошлади. У 1309-1318 йилларда акаси Эсон Буқохон номидан, 1318-1326 йилларда бевосита ўзи Чигатой улусини бошқарди. Унинг даврида хонликнинг пойтахти Мўғулистондан қадимий Насаф ёнидаги Кебек-

хон ўзи томонидан қурдирилган Қарши шаҳрига кўчди. Тарихий манбаларда унинг даврида Балх шаҳри ҳам қайта тикланганлиги қайд этилган. Кебекхон томонидан ўтказилган машҳур пул ислоҳоти эса ишлаб чиқарувчилар манфаатини кўзлаб амалга оширилди. Ушбу пул ислоҳотига кўра мамлакатда ягона ва ишончли тўлов тизими жорий этилди. Кебекхоннинг ички ва ташқи савдога мўлжалланган тангалари мамлакат иқтисодий-иқтисодиёти тез тараққий этишига ёрдам берган. Кепакий динор пули эса Олтин Ўрда ва Эронда ҳам кенг тарқалган эди. Бир динор икки мисқол (1 мисқол – 4, 235 гр.)га тенг бўлган. Тарихчи олим Б. Аҳмедовнинг таъкидлашича Кебекхоннинг ҳарбий-маъмурий ислоҳотига кўра Чигатой улуси Мовароуннахрда туманларга, Шарқий Туркистон ва Фарғона водийсида эса ўрчинларга бўлинди. Бу иш орқали хон амирлар ва бекларга тегишли бўлган майда улусларни нисбатан тартибга келтирди ва бошқарувда бир қатор энгилликка эришди. Лекин бу ислоҳот тўлиқ охирига етказилмаган эди. Ҳар бир ярим-кўчманчи ёки кўчманчи қabila жойлашган худуд кўп ҳолларда бир туманни ташкил этди ва ўша қабиланинг бошлиғи шу туманнинг бегига айланган эди. Қисқача айтганда ҳарбий-маъмурий ислоҳот қабилавий бўлинишга мослаштирилганди. Бу ислоҳотнинг яна бир ижобий томони шундаки, унинг натижасида туманлардаги қабилаларнинг ўтроқлашув жараёни анча тезлашди.

Мулоҳаза юритинг: Кебекхон нима учун маъмурий ислоҳот ўтказди ва бу ислоҳотнинг ижобий ҳамда салбий жиҳатлари нимада?

Кебекхоннинг мазкур марказлаштириш сиёсатини унинг укаси Тармаширин ҳам давом эттирган. Унинг даврида олиб борилган ҳарбий юришлар натижасида Чигатой улуси худудлари жанубий шарқий йўналишда Ҳиндистонга қадар кенгайган эди.

Мулоҳаза юритинг: Нима сабабдан Кебек ва унинг укаси Тармаширин олиб борган сиёсат йирик мўғул феодалларига маъқул келмади?

Кебек ва Тармаширин томонидан олиб борилган марказлаштириш, ўтроқ деҳқончиликка эътиборни кучайтириш ва ўтроқлашишни қўллаб қувватлаш, ислом динига ва унинг рухонийларига таяниш сиёсати йирик мўғул амирларининг қаттиқ қаршилигига дуч келди.

1334 йили давлат тўнтариши амалга оширилиб, Тармаширин ҳокимиятдан четлаштирилди. Хонлик тахти ушбу кетма-кетликда Бузан, Чангши, Эсон Темурлар қўлига ўтди. Натижа шунга олиб келдики, амалда мамлакатда турк-мўғул қабила бошлиқларининг ҳукмронлиги ўрнатилди. Мўғул хонлари ўз мавқеларини йўқота бошлади. Бунинг оқибатида кўп ўтмай Чигатой улуси иккига бўлиниб кетди. Бири Мовароуннаҳр, иккинчиси Мўғулистон улуслари эди.

Б. Аҳмедовнинг таъкидлашича, Қозонхон даврида (1343-1346) улус маркази яна Мовароуннаҳрга кўчирилди ва у жуда қаттиққўллик билан Кебек ва Тармаширин сиёсатини давом эттирмоқчи эди. У ҳам Кебекхонга ўхшаб Қарши шаҳри яқинида Занжирсарой деган қаср қурдирди ва мамлакатни шу ердан туриб бошқара бошлади. Айнан шу даврда 4 йирик қабиланинг таъсири кучая бошлади. Улардан барлос қабиласи Қашқадарё вилоятида, орлот қабилалари Балх атрофида ўз таъсирларини кучайтириб бормоқда эди. Айнан шу қабилалар ҳақида араб муаррихи Ибн Арабшоҳ ҳам ўз асарида алоҳида тўхталиб ўтган эди.

Қозонхон даврида амир ул-умаро Амир Қазағаниннг обруйи тобора ошиб бора бошлади. Натижада хон ва амир ўртасида келиб чиққан низо охир-оқибат Амир Қазағаниннг ғалабаси билан якунига етди. Ҳокимиятни тўлиқ ўз қўлига киритган амир кўғирчоқ хонларни тахтга олиб чиқиб, ўзи эса марказий ҳокимиятни кучайтириш йўлидан борди. Амир Қазаған даврида Ўгадай авлодидан Донишмандчакхон (1346-1348), Чигатой авлодидан Баёнқулихон (1348-1358)лар тахтга ўтирган эди. Унинг даврида Мовароуннаҳр улусининг мавқеи кучайиб, Ҳирот атрофларига талончилик ҳужумлари уюштирила бошланди. Мамлакатда марказлаштириш ҳаракатларининг пайдо бўлишиёқ йирик амирларни чўчитиб юборди. Улар бу

сафар кучайиб бораётган амир ул-умарога қарши хонни қайрадилар. Натижада амир ул-умаронинг душманлари ва хоннинг одамлар томонидан ов вақтида Амир Қазаған ўлдирилди. Лекин амир ул-умаролик лавозими Амир Қазағаниннг ўгли Амир Абдулла қўлига ўтказилди. У хон билан муносабатларни йўлга қўйгандан сўнг, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида пойтахтни Солисаройдан (Амир Қазаған шу ердан давлатни бошқарган эди) Самарқандга кўчирди. Албатта, бу йирик амирлар манфаатига зид бўлиб, уларнинг эркин мавқеи хавф соларди. Шарафуддин Али Яздий шундай ҳикоя қилади: «Отасининг замонидаги маълум муддат Самарқандда яшаганлиги ва ул фирдавсвиш диёрнинг боғ-бўстонлари ёқиб қолганлиги сабабли, давлати байроғининг маркази ўша ерда бўлишини истади. У Самарқандга йўл олди.... Амир Қутлу ва бошқа амирлар ҳамда отасининг аркони давлати насихат ила хайрихоҳлик билдириб, ота юртни ташлаб кетиш ақлга тўғри келмаслигини қанчалик уқтирмасинлар, фойда бермади»⁴. Натижада кўп ўтмай Амир Абдуллоҳ Баёнқулихонни тахтдан кетказиб ўрнига Темуршоҳ ўғлонни хон қилиб кўтарганлиги баҳонасида Мовароуннаҳрнинг йирик амирлари норозилигига дуч келди ва амир Баён Сулдуз ҳамда амир Ҳожи Барлос томонидан тор-мор этилиб, ҳокимиятдан четлаштирилди. Шундан сўнг мамлакат ўндан ортиқ бекликка бўлиниб кетди.

Мулоҳаза юритинг: *Йирик амирлар нима учун Амир Абдулланинг Солисаройни ташлаб кетишига қарши чиқдилар?*

Амир Темур	Жўжи улуси, яъни Олтин Ўрда давлати давлатининг
Арафасида	ҳам ушбу даврда оғир сиёсий вазиятни бошдан кечира бошлади. 1359 йили Жўжи улусининг сўнгги йирик ҳукмдорларидан бири Жонибекхон вафотидан сўнг Чингиз-
Олтин Ўрда	

⁴ Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Мовароуннаҳр воқеалари (1360-1370) - Т.: Камалак, 1994. Б. 58.

хон ворисларининг энг йирик ва қудратли давлати икки йирик улусга бўлиниб кетди. Бири Волга бўйи, Шимолий Кавказ ва Қора денгизнинг шимолий қирғоқларини ўз таркибига қамраб олган Олтин Ўрда (Кўк Ўрда), иккинчиси эса Дашти Қипчоқнинг Шарқий қисмини, яъни Ёйиқ (ҳозирги Урал) дарёсидан то Олтойгача, Жанубий Сибирдан Хоразм ва Сирдаё бўйларигача бўлган ҳудудлардан иборат бўлган Оқ ўрда улуслари эди. Кўплаб тарихий адабиётларда Жонибекхон вафотидан Тўхтамишхон Олтин Ўрда тахтига ўтиргунча бўлган 20 йил давомыда 25 дан ортиқ хонлар тахтга келиб кетганлиги қайд этилади. Бу эса кўплаб хонларнинг ҳумронлик муддати бир йилга ҳам етмаганлигини, сиёсий ҳолат ўта беқарор бўлганлигини кўрсатади.

Мулоҳаза юритинг: *Жўжи улусининг иккига бўлиниб кетиши сабаблари нимада деб ўйлайсиз?*

Ҳокимият учун курашни Муродхон ва Абдуллалар бошлаб беришди. 1361 йилда эса Олтин Ўрда тахти келиб чиқиши Оқ Ўрдалиқ бўлган Хизрхон томонидан эгалланди. Унинг бир йилга яқин давом этган давлат раҳбари сифатидаги фаолияти бошқа тахт даъвогарларини кўллаб қувватлаган йирик амирларнинг хиёнати сабабли фожеали тугалланди. Ҳокимият эса унинг ўғли Темурхўжа кўлига ўтди. Лекин бир неча кун ўтгач, тахтнинг янги соҳиби олтин ўрдалиқ йирик амирлардан Мамай бошчилигидаги сиёсий гуруҳ томонидан ҳокимиятдан четлаштирилди ва кўп ўтмай ўлдирилди. Бу эса иккига бўлинган Жўжи улусининг Ғарбий қисми бўлган Олтин Ўрданинг ҳам янада майда қисмларга бўлиниб кеташига олиб келди.

Мамайнинг фаолияти Жўжи улусида хонларнинг мавқеи бир мунча пасайиб, йирик амирларнинг нуфузи ортиб бораётганлигини кўрсатади. Темирхўжанинг тахтдан туширилиши натижасида ҳокимият амалда хонлардан йирик амирлардан бири Мамай кўлига ўтди. Бу эса Чингизхон авлодларига маъқул эмас эди. Олтин Ўрда тахт учун шиддатли курашлар домига тортилди. Натижада Мамайнинг кучайишидан чўчиган бошқа

йирик амирлар Муродхонни кўллаб қувватладилар. Шу сабабли Мамай Олтин Ўрданинг ғарбий қисмига чекинди ва у ерда Чингизхон авлодидан бўлган Абдуллани хонлик тахтига ўтиргизди. Шундай қилиб, Муродхон ва Абдуллахон ўртасида тахт учун ўзаро уруш бошланди.

Машхур тарихчи олим Б. Аҳмедовнинг таъкидлашича, 1362 йилда олтин ўрдалиқ йирик амирлардан Булоқ Темур Булғор ва Волга дарёси бўйидаги талайгина шаҳарларни ўзига қаратиб олган. Тўрғой исмли яна бир йирик амир эса Мокша дарёси атрофидаги ерларда ҳукмрон бўлиб қолди.

Мулоҳаза юритинг: *Тарихчи олим Б. Аҳмедовнинг ушбу маълумотлари нималардан далолат беради ҳамда бундай ҳолат қандай оқибатга олиб келади деб ўйлайсиз?*

Узоқ давом этган ўзаро урушлар натижасида ўнлаб хонлар тахтга келиб кетди. Лекин, охир оқибат Олтин Ўрдада яна Мамайнинг таъсири кучайиб борди. Мамай ҳам кутилмаганда 1380 йили Куликово жангида рус кўшинларидан мағлубиятга учради. Бундай вазият 1379 йили Оқ Ўрда ҳокимиятини ўз кўлига киритиб олган Тўхтамишхонга катта имкониятлар тақдим этди. Унинг руслардан енгилиб қайтган Мамаини тор-мор келтириши натижасида 1380 йили Жўжи улуси яна ягона давлатга бирлашди ҳамда Евроосиё худудидаги энг кучли, қудратли давлатга айланди.

XIV аср ўрталарида 1256-1336 йиллар ичида Эрон ва Олд Эрон ва Олд Осиё Осиёнинг катта қисми Элхонийлар (Ҳалоқухон авлодлари) давлати ҳукмронлиги остида эди. Бу давлатга Чингизхоннинг набираси Ҳалоқухон (1256-1265) асос солган. Меросхўр фарзанди бўлмаган Султон Абу Саъидхон вафотидан (1335 йил) кейин Элхонийлар давлати парчаланиб кетди. Унинг ўрнида бири-бирига ёв бўлган майда-майда давлатлар вужудга келди. Масалан, Хуросонда Сарбадорлар давлати (1337-1381, маркази Сабзавор шаҳри), Ирок, Курдистон ва жанубий Озарбайжонда Жалойирийлар

давлати (1336-1432), Жанубий Эронда Музаффарийлар давлати (1314-1393), Ироқи ажам ва Озарбайжоннинг бир қисмида Чўпонийлар давлати (1336-1356), Диёрбакр, Шарқий Онадўли ва Жанубий Озарбайжоннинг бир қисмида Оқ кўюнли давлати (1378-1508) ва ниҳоят, Ироқи араб билан Фарбий Озарбайжонда Қора кўюнли давлати (1378-1508) давлатлари пайдо бўлди. Кўриниб турибдики, бу ҳудудда ҳам айна шу даврда ягона давлат мавжуд эмас эди. Давлатлар ўртасидаги ўзаро урушлар халқнинг аҳволини тобора оғирлаштириб борарди.

Мулоҳаза юритинг: Эрондаги мавжуд сиёсий вазият унинг яқин кўшиқларига қандай таъсир қилган?

Салиб юришлари даврида Кичик Осиёда Рум султонлиги номи остида яшаган салжук турклари давлати XIII аср бошларига келиб 10 та амирликка бўлиниб кетди. Ўғуз турклари қабиаларининг Ўрта Осиёдан Кичик Осиёга кўчиб келиши ва уларнинг XIII аср ўрталаридаёқ маҳаллий салжук турклари билан аралашиб кетиши натижасида Кичик Осиёда кўп ўтмай янги давлат шакллана бошлади. Янги давлатнинг асосчиларидан бири Эртўғрул ўғуз туркларининг раҳбари бўлиб, Византияга қўшни бўлган кичик бекликнинг эгаси эди. Эртўғрулнинг ўғли ва тахт вориси Усмон (1282-1326) Византияга қарши уруш бошлаб, унинг Кичик Осиёдаги мулкларининг кўпчилигини эгаллаб олди. Унинг энг катта ғалабаси шубҳасиз, Бурса шаҳрини ҳам қўлга киритганлиги эди. Бу шаҳарни Усмон ўзининг пойтахти қилиб олди. Кичик Осиёда унга рақобат қиладиган йирик амирликлар ҳам унга бирин кетин бўйсундилар. Уларни биргаликда Византия ерларини истило қилиш иштиёқи ҳам бирлаштирган эди, аслида. Византия империясининг кучсизлиги, Болқон ярим оролида йирик сиёсий кучнинг мавжуд эмаслиги Усмон туркларининг XIV асрда дастлаб Кичик Осиёда, сўнгра Европанинг жанубий шарқида ғолибона урушлар олиб боришига имкон яратди. Амир Темур тахт учун кураш олиб бораётган вақтда усмонли турклар Болқон ярим оролидаги ўз ҳудудларини тобора кенгайтириш билан машғул эдилар.

Мулоҳаза юритинг: Нима учун Усмонли турклар давлати биз тадқиқ этаётган даврда ўз ҳудудларини шарқ томон эмас, ғарбга қараб кенгайтиришга интилди?

Бу вақтда Мисрда мамлуклар султонлиги ҳукм сурар эди. Бу султонлик ҳудудлари Мисрдан ташқари Фаластин, Финикия, Синай ярим ороли ва Сурияни ўз ичига олганди. Миср давлати Сурия учун курашларда Элхонийлар давлатини мағлуб эта олганлиги ҳам бу давлатнинг қудратидан дарак берар эди. Миср ҳукмдорлари Ҳалукулар давлатининг ашаддий душмани бўлган бошқа бир мўғул давлати Олтин Ўрда билан иттифоқчилик алоқаларини олиб боришга интилганлар. Чунки элхонийлар давлати Сурия масаласида Миср билан, Озарбайжон масаласида эса Олтин Ўрда билан рақобатлашар эди. Элхонийлар Сурияни ўз қўлларида сақлаб қола олмаган бўлсалар-да, Озарбайжонни Олтин Ўрда қўлига ўтишига йўл қўймадилар.

Мулоҳаза юритинг: Мамлуклар сулоласи тарихи ҳақида Жаҳон тарихи фанидан олган кенгроқ маълумотларингиз асосида унинг Жўжи улуси билан дўстлик ва Элхонийлар улуси билан душманлик муносабатларининг сабаблари ҳақида қандай қўшимча фикрлар билдира оласиз?

XIV асрда Дехли султонлиги давлатининг ташкил ҳудуд жиҳатидан Ҳиндистондаги энг топиши арафасида катта давлат ҳисобланса-да, тобора кучсизланиб бораётган эди. Амир Темурнинг замондоши бўлган Ҳинд султони Ферузшоҳ даврида султонлик ўз вассалларининг исёнларини бўйсундириб туришгагина қудрати базўр етаётган давлат эди. Натижада Ҳиндистонда жуда кўп мусулмон ва ҳинд феодал давлатлари бир-бирлари билан узлуксиз кураш олиб борардилар. 50 ва 60-йиллар давомида Дехли Султонининг вассал рожалар билан олиб борган урушлари натижасида Бенгалия, Синд, Орисса ва Гужарат вилоятлари ғоят хонавайрон бўлган эди. Тўхтовсиз ички феодал урушлари Дехли султонлиги

таназзулининг асосий сабаблари бўлди. 70-80- йилларда Дехли султони ўз қўлида қолган озгина ерларни ҳам ҳимоя қилишга қодир эмасди.

XIV асрда Хитойда мўғул императорига қарши саройда бир неча марта фитна уюштирилди. Аҳолининг кенгроқ доиралари ўртасида ўз олдига мамлакатни чет эл босқинчиларидан озод қилишни мақсад қилиб қўйган миллий ташкилотлар тузилди. 1351 йилда Хэнань ва Шаньдунь вилоятларида «Оқ нилуфар» деган иттифок томонидан тайёрланган «қизил пешанабоғлилар» қўзғолони бошланди. 1356 йилда «қизил пешанабоғлилар» мўғул сулоласининг пойтахти бўлган Яньцзин (Пекин) шаҳрини таҳдид остида қолдирдилар. XIV асрнинг 60-йилларида Хитой вилоятларининг кўпчилигида мўғулларга қарши қўзғолонлар бўлди. Миллий ҳаракатни ишга солувчи асосий куч дсхқонлар бўлди. Қўзғолончи деҳқон армиясининг раҳбарларидан Чжу Юань-чжан император деб эълон қилинди (1369 йил). У таъсис қилган янги династия Мин династияси деб аталадиган бўлди. Бу династия 1368 йилдан то 1644 йилгача Хитойни идора қилди. мазкур династия дастлаб Нанкин шаҳрини ўзига пойтахт қилиб олди, лекин кўп ўтмай (мўғуллар давридаги каби) марказ яна Яньцзин шаҳрига кўчирилди, бу шаҳар энди Пекин деган янги расмий ном олди.

Ўз ички аҳволини мустаҳкамлаб олган династия янги ерлар босиб олиш ҳамда Хитойнинг ташқи бозорларини кенгайтириш мақсадида истилочилик юриши уюштирди. Чжу Юань-чжан замонидаёқ Корея билан Тибет Хитой императори ҳукмронлиги остида эди. Унинг ворислари Аннамни истило қилдилар ва Индонезияга, Ҳинди-Хитойга, Малаккага ҳарбий экспедициялар юбордилар. Бу мамлакатлардаги кичикроқ ҳокимларнинг бир қисми Хитой императорининг олий ҳокимиятини тан олди. Хитойлар Индонезия билан Ҳинди-Хитойга кўплаб кўчиб бора бошладилар. Мин ҳукумати Ҳинди-Хитой, Индонезия, Ҳиндистон ва ҳатто Шарқий Африка қирғоқларига систематик тарзда йирик ҳарбий денгиз экспедицияларини юбориб турди. Адмирал Чжэн-Хэ бошчилигидаги 1403-1433 йиллар мобайнида юборилган еттита денгиз юришлари айниқса катта бўлган эди.

Хитой императорларининг ўз ҳудудларини ғарб томонга ҳам кенгайтириб боришга интилишлари кейинчалик Амир Темур давлати билан тўқнашувга олиб келиши мумкин эди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, Чигатой улуси парчаланиб, унинг ўрнида Мовароуннаҳр ва Мўғулистон (Дуглат) амирликлари пайдо бўлди. Мўғулистон ҳукмдори Тўғлуқ Темур Чигатой улусини тиклаш никоби остида Мовароуннаҳрни босиб олишга тайёргарлик кўра бошлади. Эрон ўзаро низолашаётган бир қатор давлатларнинг урушлари натижасида тобора вайрон бўлиб бораётган эди. Худди шу ҳолатни Ҳиндистон ва Олтин Ўрда давлатларида ҳам кузатишимиз мумкин эди. Лекин, Олтин Ўрда Тўхтамиш ҳукмронлиги пайтида қаддини қайта тиклаб яна ўз даврининг буюк давлатларидан бирига айланди. Амир Темур давлати пайдо бўлаётган даврда Кичик Осиёда Усмонли турклар давлати, Мисрда мамлуклар султонлиги, Хитойда эса Мин сулоласи ўз ҳудудларини кенгайтириб янги буюк давлатга асос солаётган эдилар. Кейинчалик, бу давлатлардан Олтин Ўрда, Усмонли турклар, Миср мамлуклари давлатлари Амир Темур давлати билан жиддий тўқнашдилар. Хитой билан бошланган низолар эса Амир Темур вафоти туфайлигина жиддий тўқнашув даражасига етиб бормади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар:

Ушбу атамалар ва географик номларни изоҳланг: Чигатой улуси, Мўғулистон, Дуғлат амирлиги, Еттисув, Шарқий Туркистон, Мовароуннаҳр, динор, дирҳам, маъмурий ислоҳот, туман, қабилавий бошқарув, борот усули, Қариши шаҳри, ўрчин, Занжирсарой, барлос қабиласи, орлот қабиласи, амир ул-умаро, Солисарой, Самарқанд, Жўжи улуси, Олтин Ўрда, Оқ ўрда, Куликово жанги, Евроосиё, Элхонийлар, Сарбадорлар давлати, Жалойирийлар давлати, Чўпонийлар давлати, Оқ қуюнлу давлати, Қора қуюнлу давлати, Салиб юришлари, Кичик Осиё, Рум султонлиги, Ўғуз турклари, Ўрта Осиё, Византия, Бурса шаҳари, Византия, Усмон турклари, Болқон ярим ороли, Миср, мамлуклар султонлиги, Фаластин, Финикия, Синай ярим ороли, Сурия, Ҳалуқлар давлати, Озарбайжон, Деҳли султонлиги, Бенгалия, Синд, Орисса, Гужарат, Хэнань, Шаньдунь, «Оқ нулфар», «қизил пешанабоғлилар», Яньцзин Мин сулоласи, Пекин, Корея, Тибет, Аннам, Индонезия, Ҳинди-Хитой, Малакка.

Ушбу тарихий шахслар ҳақида нималарни биласиз?: Маҳмуд Ялавоч, Масъуд Ялавоч, Кебекхон, Эсон Буқохон, Тармаширин, Бузан, Чангиши, Эсон Темур, Қозонхон, Амир Қазаган, Доши-мандчохон Баёнқулихон, Амир Абдулла, Шарафуддин Али Яздий, Амир Қутлу, Темуршоҳ ўғлон, амир Баён Сулдуз, амир Ҳожжи Барлос, Жонибекхон, Тўхтамишхон, Муродхон, Абдуллахон, Хизрхон, Темурхўжахон, Мамай, Б. Аҳмедов, Булоқ Темур, Тўргой, Ҳалоқхон, Султон Абу Саъидхон, Эртўзрул, Усмон, Фе-рузшоҳ, Чжу Юань-чжан, Чжэн-Хэ.

Ушбу тарихий саналарда бўлиб ўтган воқеаларни аниқланг ва уларни ёдда тутишг: 1309-1318 йиллар, 1318-1326 йиллар, 1334 йили, 1343-1346 йиллар, 1346-1348 йиллар, 1348-1358 йиллар, 1359 йили, 1361 йили, 1362 йили, 1380 йили, 1256-1336 йиллар, 1256-1265 йиллар, 1335 йили, 1337-1381 йиллар, 1336-1432 йиллар, 1314-1393 йиллар, 1336-1356 йиллар, 1378-1508 йиллар, 1378-1508 йиллар, XIII аср бошларида Кичик Осиё, XIII аср ўрталаридаёқ Кичик Осиёда, 1282-1326 йиллар, XIV асрда Деҳли султонлиги, 1351 йили, 1356 йили, XIV асрнинг 60-йилларида, 1369 йили, 1368-1644 йиллар, 1403-1433 йиллар.

МОВАРОУННАҲРДА МАРКАЗЛАШГАН ДАВЛАТНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

Мўғулистон Мовароуннаҳрда ҳокимият Амир Қазаган кўлига ўтган вақтда Еттисув ва Шарқий Туркистонда дуғлат амирларининг таъсири кучайиб бораётган эди. босқинчилик «Дуғлат» мўғулча сўз бўлиб, чўлоқ юришлари. Озодлик учун кураш. деган маънони билдиради. Дуғлат кабиласига Оқсув шаҳри атрофлари Чингизхон томонидан инъом этилган бўлиб, бу улус «Манглай суба» (офтоб ру, офтобга қараган ўлка) деб аталган. Дуғлатлардан чиққан биринчи машҳур давлат арбоби Амир Бойдархондир. У Чигатой хонларидан Қайду, Дува Чечанхонлар даврида катта обрўга эга бўлган. Бу даврда унга тегишли улуснинг худуди кенгайиб, Оқсув, Қошғар, Хўтан, Ёркенд, Косон, Ахсиқат, Андижон, Отбоши, Кавсан шаҳарлари ҳам дуғлат амирлари тасарруфига ўтган эди. Биз тадқиқ этаётган даврда Фарғона водийси шаҳарлари дуғлат амирлари таъсирида бўлмаса-да, уларнинг Еттисув ва Шарқий Туркистонда таъсири жуда кучли эди. Мовароуннаҳрда вазиятдан унумли фойдаланган Бойдархоннинг ўғли Пўлодчи 1348 йили Эсон Буқохоннинг ўғли Туғлуқ Темурхонни хон деб эълон қилди. Натижада, Чигатой улусидан ажралиб чиққан Мўғулистон давлатига асос солинди.

Туғлуқ Темурхон ва Амир Пўлодчи Мўғулистонда ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлаб олганларидан сўнг Мовароуннаҳрни ҳам забт этишга ҳаракат қила бошладилар. Мовароуннаҳрда вазият ҳам бунинг учун жуда қулай эди.

Мулоҳаза юритинг: Туғлуқ Темурхоннинг Мовароуннаҳрга амалга оширган босқинчилик юришларининг асл сабаби нима эди ва бу юришлар қандай баҳона билан ниқобланган?

1360 йили Туғлуқ Темурхон катта қўшин билан Мовароуннаҳрга юриш бошлади. У ўз амирларидан Улуғ Темур, Ҳожибек ва Беккичикларни илғор сифатида юборди. Бу уч амир

Сирдарёдан ўтиши билан Хўжанд ҳокими Боязид Жалойир жангсиз таслим бўлди. Кеш ҳокими Ҳожи Барлос эса дастлаб кўшин йиғиб, жангга кирмоқчи эди, лекин душманнинг улкан лашкарига бас келиш қийинлигини англаган ҳолда Хуросонга чекинишга қарор қилди. Шу ўринда Ҳожи Барлос ва Амир Темур муносабатларига ҳам тўхталиб ўтсак. Ҳозирги кунда мавжуд илмий ва илмий-оммабоп адабиётлар ҳамда дарсликларда Ҳожи Барлос Амир Темурнинг амакиси эканлиги таъкидланади. В.В. Бартольднинг ёзишича, - «Зафарнома» муаллифи Низомиддин Шомий Ҳожини Темурнинг амакиси деб атайди, лекин бу ифодани афтидан фақат бир уруғга тегишлилик мазмунида тушуниш лозимдир, худди шундай мазмунда яна бир неча барлос ҳарбий бошлиқларини Темурнинг акалари, деб атаганлар⁵. Бу сатрлар орқали В.В. Бартольд Ҳожи Барлосни Темурнинг амакиси эмас, балки барлос қабиласининг бошқа ҳарбий бошлиқлари каби бир уруғга мансублик даражасида қариндош бўлган, деган фикр билдирмоқчи бўлади. Муаллифнинг бу фикри ўз вақтида Р. Набиев томонидан танқид қилинган⁶. Лекин тарихий манбаларни ўрганиш чоғида В.В. Бартольднинг фикрларида асос борлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Бу масала ҳақида Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида икки хил маълумот мавжуд. Шарафуддин Али Яздий эса Ҳожи Барлос Темурнинг амакиси бўлганлиги хусусида куйидагича ёзади:

«Ота кетган, амаки қочиб қолган.

Бегонадан ўлка паришон бўлган»⁷.

Асарнинг бошқа жойида – Ҳожи Барлос шажараси ҳам келтирилган: «Амир Ҳожи Барлос ибн Бўрилғий ибн Намвала ибн Йису-Мунко ибн Қорачор-нўён»⁸. Худди шу асарнинг, шарқшунос олим О. Бўриев томонидан нашр эттирилган «Амир Темур

⁵ Бартольд В.В. Сочинения. Т. 2. Ч. 2. -М.: И.М.Л. 1963. С.38.

⁶ Набиев Р.Н. XIV асрда Ўрта Осиёда сарбадорлар кўзголини. -Т.: Ўзғаннашр. 1942. Б.35.

⁷ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Мовароуннахр воқеалари (1360-1370) - Т.: Камалак. 1994. Б. 65.

⁸ Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. /Сўз боши, тадбир, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи ва нашрга тайёрловчилар: А.Аҳмад, Ҳ.Бобобеков-Т.: Шарқ. 1997. Б.59.

аждодлари» номли муқаддима қисмида Амир Темур шажараси куйидагича берилган: «Темур Кўрагон ибн Амир Тарағай ибн Амир Буркул ибн Илангиз-баходир ибн Ийжил-нўён ибн Қорачор-нўён»⁹. Соҳибқироннинг набираси Мирзо Улуғбек эса ўзининг «Тўрт улус тарихи» асарида бобоси шажарасини: «Амир Темур Кўрагон ибн Амир Тарағай Амир Беркли Ибн Амир Алангиз нўён ибн Амир Эжил нўён барлос ибн Қорттачор барлос» деб ёзган бўлса,¹⁰ Амир Ҳожи барлосни «Есо Мунко Ибн Қорачор нўён авлоди» деб маълумот беради.¹¹ Бу ҳақида Хофиз Абу янада аниқ маълумотлар келтирган. Унинг асарида ҳам Амир Темур ва Ҳожи Барлос шажараси фақат Қорачор нўёнда бирлашиши баён қилинган бўлиб, Соҳибқироннинг амакиси Амир Балта эканлиги таъкидланган.¹² Бошқа тарихий манбалар ва «Зафарнома»нинг бошқа нашрларида исмлар ўқилишида бир оз фарқ бўлса-да, шажаралар деярли шундай берилган. Кўриниб турибдики, аслида Амир Ҳожи Барлос Амир Темурнинг амакиси бўлмай, уларнинг шажараси фақат бешинчи аждодлари Амир Қорачор нўёнда бирлашади. Демак, В.В. Бартольд Амир Ҳожи Барлосни Темурнинг амакиси эмас, деб бу масалага аниқлик киритади. Шажараси Амир Темур билан Қорачор нўён бирлашадиган амирлар қаторига Жаку Барлос, Чугам Барлос кабиларни ҳам киритиш мумкин.¹³

Бевосита Амир Темур ва Ҳожи Барлосларнинг ўзаро муносабатларига тўхталиб, шуни айтиш мумкинки, тарихий манбаларда қабиладош бўлган бу амирларнинг алоқалари қачон бошланганлиги ҳақида маълумотлар учрамайди. Лекин Амир Темур Мовароуннахр ҳукмдори Амир Қазағаннинг куёви эканлигини ҳисобга олсак, ҳукмдор вафотига яъни 1358 йилга қадар унинг хизматида бўлганлигини тахмин қилишимиз мумкин.

⁹ Амир темур аждодлари. (Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома”сида терма таржима) форс тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳлар муаллифи О. Бўриев. -Т.: Қомуслар Бош тахририяти, 1992. Б.31.

¹⁰ Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Форс тилидан Б. Аҳмедов, Н. Норкулов, М. Хасановлар таржимаси. -Т.: Чўлпон, 1994. Б. 324.

¹¹ Мирзо Улуғбек. Ўша асар. Б. 322.

¹² Хофиз Абу. Зубдат ут-тавоих. О.Бўриев таржимаси//Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида –Т.:Ўқитувчи, 1996. Б. 299-307.

¹³ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Б. 23-25.

Мудоҳаза юритинг: Амир Темур тарихига оид расмий манбаларда амир Қазоған шахси ҳақида фақат ижобий фикрлар билдирилган. Бунинг қандай сабаблари бор деб ўйлайсиз?

Амир Қазоған ўлдирилгач меросхўр сифатида ҳокимиятни эгаллаган Амир Абдуллоҳ айнан Амир Ҳожи Барлос ва унинг иттифоқчиси Баён сулдуз томонидан тор-мор келтирилади. Афтидан бу жангларда Амир Темур қатнашмаган бўлса керак. Чунки тарихий манбаларда бу хусусида ҳеч нарса дейилмайди. Амир Абдуллоҳ ўлдирилгач, Мовароуннаҳр майда бекликларга бўлиниб кетади ва Ҳожи Барлос Кеш ва Қаршининг мустақил ҳокимига айланади. Фақат шундан сўнг Амир Темур Ҳожи Барлос ҳузурига келган бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда 1360 йили Мўғулистон ҳукмдори Тўғлуқ Темурхон Мовароуннаҳрга бостириб келганда у Ҳожи Барлос билан бирга эди.

Бу вақтда Мовароуннаҳр ҳокимлари Тўғлуқ-Темурхонга қарши бирлаша олмадилар ва ҳар томонга қоча бошладилар. Ҳожи Барлос ҳам душман етиб келмасдан олдиноқ Хуросонга жўнашни маъқул топади. Лекин Амир Темур Ҳожи Барлосдан фарқли ўлароқ, юртни ўз ҳолига ташлаб кетишга кўнмайди. Соҳибқироннинг мақсадлари Амир Ҳожи Барлосга айтган куйидаги сўзларида ҳам намоён бўлади: «Агар мамлакат ҳокимсиз қолур бўлса, унинг авзойига сўзсиз кўп захмат етгай, эл ва улус эрса, ғанимлар қаҳри ва босқинчилиги зиёнидан бутунлай хонавайрон бўлгай... Мен Кеш тарафга қайтсам, улусга таскин бериб, ул ердан хон хизматиға ўтсам, амирлар ва аркони давлат билан кўришсам токи вилоят хароб бўлмасин»¹⁴. Шундай қилиб, даҳшатли ёв қаршисида озгина аскар билан бир ўзи қолган, эндигина 25 ёшга кирган Амир Темур мўғул амирлари билан музокара олиб боради, уларни юртни талаш фикридан қайтаради, бунинг эвазига эса Тўғлуқ Темурхон хизматиға киришга мажбур бўлади. Натижада хон Кеш вилоятини бошқаришни Амир Темурга топширади. Амир Темурнинг бу

¹⁴ Шарафилдин Али Йаздий. Ўша асар. Б. 65-66.

хатти-ҳаракати вилоятни талон-тарождан сақлашни ва уни барлос қабиласининг қўлида сақлаб қолишнинг бирдан-бир йўли бўлиб, Темур дипломатиясининг ютуғи эди. Амир Темурнинг ўзи ҳам кейинчалик бу воқеани пухта ўйланган режа, юз минг кишилиқ кўшиндан кучли деб баҳолаган эди.

Лекин Тўғлуқ Темурхон Мўғулистонда сиёсий вазият кескинлашганлиги сабабли кўп ўтмай ортга қайтишга мажбур бўлади. Бундан фойдаланган Ҳожи Барлос Мовароуннаҳрга қайтиб, Кеш вилоятини қайтариб олиш мақсадида Амир Темурга қарши кураш бошлайди. Низомиддин Шомийнинг маълумот беришича, амирлар ўртасида икки бор жанг бўлиб ўтади ва ҳар иккисида ҳам Ҳожи Барлос мағлубиятга учрайди. Лекин кўп ўтмай, у турли хийлалар билан Амир Темур тарафдорларини ўз томонига оғдириб олади. Шундан сўнг Амир Темур Ҳожи Барлосга Кеш ҳокимлигини топширишга мажбур бўлади.

Ҳожи Барлоснинг ҳокимлиги узоқ давом этмайди. 1361 йили Тўғлуқ Темурхон яна Мовароуннаҳрга кўшин тортади ва Ҳожи Барлос Хуросонга қочишга мажбур бўлади. Хуросонда эса Жувайн бўлуқининг Хуроша номли жойида бир гуруҳ кишилар томонидан Ҳожи Барлос ва ҳамроҳлари ўлдирилади. Гарчи маълум муддат ўртада душманлик муносабати бўлган бўлса-да, кейинчалик Амир Темур Ҳожи Барлос қотилларини жазолайди ва Хуроша ерларини унинг авлодларига суюрғол қилиб беради.

Иккинчи марта Мовароуннаҳрни забт этган Тўғлуқ Темурхон кўпгина Мовароуннаҳр амирларини қатл этди. Булар ичида Мовароуннаҳрнинг шу пайтдаги энг кучли амирларидан Амир Баён Сулдуз ва Боязид Жалойирлар ҳам бор эди. Амир Темур Тўғлуқ Темурхоннинг йирик амирларидан Ҳамидбекнинг (V Соҳибқироннинг отаси марҳум амир Тарағайнинг дўсти эди) ёрдами билан яна хон хизматиға кирди. Хон Кеш вилоятини яна Амир Темурга тақдим этаркан, бу билан Мовароуннаҳрнинг бошқа амирларини ҳам ўз томонига оғдиришни мақсад қилган эди.

Мудоҳаза юритинг: Тўғлуқ Темурхон нима учун Амир Темурни иккинчи марта ҳам ўз хизматиға олди?

Амир Хусайндан бошқа деярли барча амирлар Туғлуқ Темурхон хизматига кирди. Бу вақтда Амир Хусайн Балх, Кундуз ва Бадахшон вилоятларини ўз тасарруфига киритиб олган бўлиб, энг кучли амирлардан бирига айланган эди. Бобоси Амир Қазаган каби ҳукмдор бўлишни орзу қилган Хусайн Туғлуқ Темурхон билан Вахш дарёси бўйида жангга киришди, лекин тўлиқ мағлубиятга учради. Кайхусрав Хутталонийнинг жанг бошланмасдан ўз қўшинлари билан мўғуллар томонига ўтиб кетиши Амир Хусайнни жанг майдонини ташлаб кетишига олиб келди. Ҳиндикуш тоғларигача бўлган ҳудудларни забт этган Туғлуқ Темурхон 1361 йилнинг баҳори ва ёзини шу ерларда ўтказди. Мовароуннаҳрдаги асосий рақибларни йўқотган хон бу ерни ўғли Илёсхўжага топшириб, Беккичикни улусбеги лавозимига тайин этиб ўзи Мўғулистонга қайтади. Амалда ҳокимиятни бошқарган Беккичик барчага зулм ўтказа бошлайди. Натижада Мовароуннаҳрда мўғуллар зулмидан норозилик янада кучая бошлайди. Вазиятни таҳлил этган Амир Темур Кеш вилояти ҳокимлигидан воз кечиб озодлик учун кураш йўлини танлайди. Мағлубиятдан кейин сарсон юрган Амир Хусайнга қўшилиш учун Мовароуннаҳрни яширинча тарк этади. Туркман чўлларида Амир Темур ва Амир Хусайн ўзаро учрашиб, озодлик учун кураш йўлида иттифоқ тузишади. Улар дастлаб Хива ҳокими Тўкалнинг зарбасига дуч келишди. Икки амирни Илёсхўжага топшириб обрў орттиришни мақсад қилган Тўкал минг кишилик қўшини билан 60 кишилик иттифоқчиларга ҳужум қилади. Жангнинг охирида Тўкалнинг аскарларидан 50 киши, иттифоқчилардан эса 7 киши омон қолади. Тўкалнинг ўзи Амир Темурнинг камон ўқидан яраланганлиги учун таъқибни тўхтатишга мажбур бўлади. Лекин кўп ўтмай омон қолган 7 кишидан уч нафари отларни олиб қочиб кетади. Натижада жуда оғир аҳволда қолган амирлар туркман беги Алибек Жониқурбонийнинг қўлида бир муддат асирликда ҳам бўлишади. Асирликдан Алибекнинг акаси Муҳаммаднинг ёрдами билан халос бўлган амирлар бир муддат яна ажрашишади.

Қўшимча ўрганиш: Амирларнинг Алибек Жониқурбоний қўлидаги асирликдан қутулишлари ҳақида яна қандай ривоят бор?

Амир Темур яширинча Мовароуннаҳрга қайтиб бу ерда ўзига тарафдорлар топишга ҳаракат қилади, сўнгра яна Хуросонга қайтиб Амир Хусайнга қўшилади. Бу вақтда бир мунча аскар тўплаган амирларни Сейистон ҳокими ёрдамга чақиради. Амирлар ёрдамида ўз душманларини енгган Сейистон ҳокими ўз аҳдига вафо қилмади. У ердан қайтаётган амирларга сейистонликлар (Али Яздийда мекронликлар, Шомийда сагзийлар, яъни сейистонликлар дейилган) қутилмаганда ҳужум қиладилар. Жангда Амир Темур қўлидан яраланади. Амирлар Сейистондан Хуросонга қайтишга мажбур бўлишади. Амир Темур даволанаётган пайтда 90 кишилик лашкар билан Амир Хусайн Мовароуннаҳр ҳудудларига яқинлашади. Лекин Беккичикнинг укаси раҳбарлигидаги мўғул қўшини Амир Хусайн тор-мор келтиради. 12 та омон қолган аскар билан Амир Хусайн яна Темурга келиб қўшилади. Бу вақтда Мовароуннаҳр аҳолисининг катта қисми босқинчилар зулмидан қочиб, Амударёнинг жанубидаги ерларга тўпланаётган эди. Иттифоқчи амирлар уларни бирлаштириб озодлик учун курашувчи янги лашкар тузишга эришадилар. Балх шаҳри яқинида бўлиб ўтган дастлабки жангда мўғул амирларидан Абу Саъид, Мангли Буга ва Ҳайдарлар бошчилигидаги душман қўшини тор-мор келтирилди. Лекин бу вақтда иттифоқчи амирлар қўлида фақат мингта аскар бор эди, холос. Шунинг учун улар Мовароуннаҳрга ўтмай Бадахшон вилоятига бориб, қўшин тўплай бошладилар. Чунки у ерда Мовароуннаҳрдан қочиб келган анчагина халқ йиғилиб қолган эди. Тез орада озодлик курашчиларининг сони 6 минг кишига етади. Бу вақтда Илёсхўжа 20 минг кишилик қўшин жўнатиб, иттифоқчи амирларни яқсон қилишга аҳд қилади. Амир Темур озодлик лашкаридан 2 мингини олиб, Амударё бўйидаги Тош кўприк мавзейида 20 минг кишилик мўғул қўшини ажойиб ҳарбий ҳийла ишлатиб тор-мор келтиради.

Кўшимча ўрганинг: Амир Темури Тошкўприкда қандай ҳарбий ҳийла ишлатган?

Душманни тинимсиз таъкиб этган Соҳибқирон кўшинлари яна бир ҳийла билан Кеш шаҳрини ҳам босқинчилардан озод қиладилар. Бу воқеалар 1364 йили бўлаётган эди. Шундан сўнг Илёсхўжанинг ўзи катта лашкар билан Кеш яқинидаги Тошариқ мавзёйига етиб келади. Дастлабки ғалабалардан рухланган кўпчилик Амир Темури ва Хусайн лашкарига келиб кўшилади ва Тошариқ жангида мўғул кўшини тўлиқ яқсон этилади. Илёсхўжахон эса Мўғулистонга қайтиб кетишга мажбур бўлади. Бу вақтда Туглуқ Темурхон вафот этган бўлиб, Илёсхўжахон Мўғулистон хонига айланади. Амир Хусайн ва Темури курултой чақиришиб, Чигатой авлодидан Қобулшоҳ ўғлонни хон этиб тайинладилар. Шундай қилиб, Мовароуннаҳр амалда мўғул босқинчиларидан озод бўлиб, Амир Хусайн ва Темури ҳукмронлиги остига ўтади. Лекин йирик амирлар ўртасида бирлик ва ўзаро ишонч йўқ эди. Мисол учун Амир Темури ўз отасининг дўстлари бўлмиш жангларида асир олинган Искандар ўғлон ва Амир Ҳамидларнинг гуноҳидан ўтишни сўради. Гарчи Амир Хусайн уларни авф этган бўлса-да, Фасих Хавофийнинг маълумот беришича, Қобулшоҳ фармонида кўра қатл этилдилар. Аслида хон Амир Хусайннинг измидан ташқарига чиқа олмас эди. Шунингдек, амирлардан Жунайд ҳам Хусайннинг бўйруғига кўра қатл этилди. Бу ҳолат эса кўпгина йирик амирларнинг Амир Хусайнга бўлган ишончларини пасайишига олиб келди.

Мўлоҳаза юритинг: Нима учун Амир Хусайн Соҳибқирон илтимосига қарамай, бир неча йирик амирларни қатл этди?

Мўғулистонда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олишга эришган Илёсхўжахон 1365 йилнинг баҳорида яна Мовароуннаҳрни ўз мулкига кўшиб олиш учун катта кўшин билан юриш бошлади.

Амир Хусайн ва Амир Темури бошчилигидаги катта кўшин душманни Мовароуннаҳрнинг шарқий чегараларидаёқ кутиб

олишга қарор қилишиб, Тошкент томон йўлга чиқадилар. Ҳар икки томон лашкари Тошкент вилояти ҳудудида тўқнашади. «Лой жанги» номи билан машҳур бўлган бу жанг 1365 йилнинг 22 май куни (Шомийда июн) Тошкент ва Чиноснинг ўртасида дарё яқинида бўлиб ўтган. Мухораба бошланиши арафасида каттик ёмғир ёғиб ҳаммаёқ лой бўлиб кетганлиги, жанг лой майдонда олиб борилганлиги учун «Лой жанги» деб ном олган. Ўша давр манбаларида ёзилишича, мўғуллар «яда» тоши (ўша давр муаллифларининг фикрича сеҳрли тош, Бобур мирзо ҳам бу ҳақида тўхталиб ўтган) ёрдамида кутилмаганда ёмғир ёғдирганлар ва унга тайёр бўлмаган Мовароуннаҳр кўшини жангда катта қийинчиликка дуч келган.

Жангнинг биринчи куниёқ Амир Темури аскарлари мўғулларнинг улуг амира Шингум Нўён (юқорида таъкидланган Амир Ҳамиднинг иниси) кўшинини тор-мор келтиради, бу ҳолни кўриб Илёсхўжа ҳам чекинишга мажбур бўлади. Шундан сўнг Амир Темури мўғулларнинг Шамсиддинбек бошчилигидаги кўшинини ҳам қочишга мажбур қилади. Лекин бу вақтда кўшиннинг Амир Хусайн раҳбарлик қиладиган қисмидаги Амир Тилончи ва Зиндачашмлар мўғул саркардалари Широул ва Ҳожибекдан мағлубиятга учраб Амир Хусайн олдига чекинадилар. Натижада мўғул кўшини Амир Хусайн бошчилигидаги аскарларни жанг майдонидан суриб чиқара бошлайди. Айнан шу вақтда Амир Темури кетма-кет ғалабалари ҳақида хабар етиб келади ва Амир Хусайн ўз кўшинини чекинишдан тўхтатади. Вазият шундай эдики, Амир Темури кўшинларининг олдинга силжигани, Амир Хусайн аскарларининг чекиниши натижасида икки кўшин орасида раҳна пайдо бўлганлиги учун Амир Хусайн кўшинлари ҳам тезда ҳужумга ўтиши Амир Темури чекинтираётган душман кучлари ўзини ўнглаб олмасидан уларни тўла тор-мор этиш зарур эди.

Шунинг учун ҳам Амир Темури дастлаб ўз навқари Тобон Баҳодурни Амир Хусайн ҳузурига жўнатиб тезда ҳужумга ўтишини илтимос қилди. Лекин Хусайн келган чопарни қалтаклатиб, қайтариб юборди. Шундан сўнг Амир Темури босиқлик билан Хусайннинг ўз навқарларидан бўлмиш Малик ва

Ҳамдилар орқали ўз илтимосини етказди. Лекин Амир Хусайн бу сафар ҳам «Мен қочибманми, мени илгари чорлайсиз, агар ғолиб бўлсангиз ҳам менинг қасосимдан омон қолмайсиз» дея уларни ҳам ноумид қайтарди. Натижада Амир Темур душманга қарши ҳужумга ўтиб, юқорида таъкидланган раҳна орқали қўшинни икки томонга ажратиб юборишининг олдини олиш учун ўзи ҳам жангни тўхтатишга ва аввалги ўрнига қайтишга мажбур бўлди. Амир Хусайннинг ноўрин ғурури тайёр ғалабани қўлдан чиқишига олиб келди. Шу куни тунда Амир Хусайн Темурни бир неча марта ўз ҳузурига чорлади, лекин Амир Хусайндан кўнгли қолган соҳибқирон унинг чорловларига рад жавобини берди. Бир-биридан хафа бўлган икки саркарданинг қўшини эртанги кунги жангда берилган имкониятдан фойдаланиб, ўзини тиклаб олган душмандан тўла мағлубиятга учради. Мовароуннаҳр қўшини бу жангда ўн минг кишидан айрилди ва тарқоқ ҳолда қочишга мажбур бўлди.

Мулоҳаза юритинг: *Амирлар қўшинини жангнинг иккинчи кунинда тўла мағлубиятга учрашига яна қандай омиллар таъсир қилган деб ўйлайсиз?*

Икки амир ҳам чекиниб Кешга етиб келганларида, Амир Хусайн Амударёнинг ортига қочишни таклиф қилди. Лекин Амир Темур «Ҳар ким борса борсун, Менга химмат қўймаским, вилоятга ётлар кириб, элга жафо қилғай. Яна бир қатла черик йиғиштириб, муҳолифлар билан урушурмен», дея рад жавобини беради¹⁵. Амир Хусайн эса агар мўғуллар таъкиб этса Ҳиндистонга қочиш ниятида Соли сарой томон йўлга тушди.

Шундан сўнг Амир Темур 15 кўшиндан иборат лашкар тўплади. Лашкардан қўшинни илгари юбориб, ортидан ўзи ҳам йўлга тушади. Лекин олдинга юборилган қўшиннинг бир қисми мўғуллар томонига ўтиб кетиши натижасида илғор қилиб юборилганлар мағлубиятга учради. Шундан сўнг Амир Темур ҳам Амударёнинг ортига чекинишга мажбур бўлди.

¹⁵ Шарафиддин Али Йаздий. Ўша асар. Б. 40. 26

Шундай қилиб, Самарқанд шаҳри ҳокимсиз ва ҳимоясиз қолди. Айнан шу вақтда Самарқандда сарбадорлар ҳаракати номи билан шуҳрат қозонган халқ ҳаракати бўлиб ўтди.

Сарбадорлар ҳаракати

Мўғулларнинг талонлари ва уларнинг келажакдаги оғир зулмлари арафасида турган шаҳар аҳолиси Самарқандни мудофаа этиш шароитларининг қийин бўлишига қарамай, кураш бошлади. Халқ жоме масжидига жам бўлганда Мавлонозода масжид минбари устига чиқиб, нутқ сўзлайди: «Ё машаралмуслимин. Букун ғолиб кофирлар мусулмонларнинг хонумон ва жонлари қасдига келганлар ва божу-хирож номи билан мусулмонлардан жузья олиб, уни ўзича ҳарж қиладиган ҳоким душманнинг пайдо бўлиши билан, кофирлар олдида мусулмонларни ташлаб қочди. Бу шаҳарнинг аҳолиси ҳар қанча гаров ва ҳадялар берсалар ҳам қутила олмайдилар ва қиёмат куни бузругонлар сизлардан жавоб талаб қиладилар. Ким исломнинг ишига мутасадди ва хосу авомнинг жавобгарлигини устига оладики, биз унинг оёқ остига бош қўйиб, хизматига ҳозир бўлсак?». Бу сўроққа ҳеч ким жавоб бермайди. Мавлонозода давом эттиради. «Модомики ҳеч ким жавобгарликни устига олмас экан, агар мен қабул қилсам бирга бўлиб, ёрдам берасизларми?»¹⁶. Бу сўнгги сўроққа ҳамма ўз розилиklarини билдириб, уни бошлиқ қилиб кўтардилар.

Мавлонозода шаҳар аҳолисининг турли табақаларидан қўлига қурол кўтаришга қодир бўлганларнинг рўйхатини олиб, раҳналарга қоровуллар қўяди. Боғлар кўчасини душман отличлари ўтолмайдиган даражада банд қилади. Банд (баррикада) бошларини маҳкам қилиб, кўчаларга мерган камончиларни жойлаштиради. Кишиларнинг уйларига боришлари, ёки уруш бўлган ерға ўз жойларини ташлаб кетишлари, қандай йўллар орқали бўлмасин, мўғуллар билан сўзлашиш каби интизомсизликлар қатъий ман этилди. Шаҳар кўчаларидан бири бутунлай бўш ва очиқ қолдирилиб мингтача

¹⁶ Авторы XV в. о самаркандских событиях 1365 г. // Гуревич А.М. О классовой борьбе в Самарканде в 1365-66 гг. – Т., 1936. С. 28.

одамни пистирмага кўяди. Мавлонозоданинг ўзи минг пиёда тийрандоз билан Боғ кўчасининг охирига бориб туради. Ўзларининг келгуси «ғалабаларига» ишонган мўғуллар ҳеч кўркувсиз бўшатиб кўйилган кўчага кириб, унинг охирига-Мавлонозодага яқинлашгандан кейин, раҳбарларнинг берган махсус сигнали билан, мўғулларга ҳамма томонлардан бирданига ҳужум бошланади. Куроллилар ўз куроллари билан, ҳужум этган бўлсалар, куролсизлар мўғулларни қора калтак ва тошбўрон остига оладилар. Бунда мўғуллардан минг киши ярадор бўлиб, юз киши асирликка тушади. Мўғуллар бу мағлубиятдан сўнг, иккинчи кун яна ҳужум қиладилар, бу сафар улар бутун ҳарбий қоидаларни ишлатадилар. Лекин ғалаба мудофаачилар томонида қолади. Мўғуллар шаҳарни куч билан олаолмагандан сўнг ҳадя, эҳсонлар олиб қайтишга рози бўладилар, лекин уларга бу ҳам муяссар бўлмади. Ниҳоят ўзларининг одатлари бўйича шаҳар атрофларини талаб қайтадилар. Муиниддин Натанзий бу мағлубият душманга жуда қаттиқ таъсир қилганлиги ҳақида куйидагича баён қилади: «... мўғул отликларига шунақаям зарба беришдики, ҳанузгача Мўғулистонда бу воқеани дostonларда ёд этиб, йиғинларда эслаб юришади. Бу воқеа уларнинг димоғларига етканда, таажубдан фиғонлари етгинчи осмонга чиқади.»¹⁷

Мўғулларнинг энгилишининг сабабларидан бири кўпчилик тарихчиларининг кўрсатишларича, уларнинг отларига вабо келганлигидадир. Мўғулларнинг энгилишига сабаб шаҳар аҳолисининг астойдил душманга қарши қурол кўтаришлари ва мудофаа чораларининг яхши ташкил этилишидир. Шарафиддин Али Яздий ҳам гарчи мўғулларнинг энгилишига, уларнинг отларига вабо келишини сабаб қилиб кўрсатса-да, мудофаачиларнинг жиддий ҳаракатларини инкор қилмайди. «Маълум муддат раият ҳеч бир подшоҳнинг шон-шукуҳисиз бош-оёқ қуролланган ғаддор ёв билан адолат ва ҳақиқат учун мардларча курашдилар. Душманга ҳужум қилишда ва мудофаада шундай матонат кўрсатдиларки, ғанимларнинг

¹⁷ Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний/ Форс тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Фулом Каримий – Т.: Ўзбекистон, 2011. Б. 70

ҳукмронлиги ва истило кўли ул шаҳар аҳолисининг номус ва моли этагига етмади»¹⁸. Иккинчи бир жойда у яна шундай дейди: «Подшоҳларнинг ҳиммати ва уларнинг ноиблари матонатига мансуб бўлмиш юртни муҳофаза қилиш ва ана шундай лашкарга қарши туришдек ишлар раиятлар кўли билан амалга ошди»¹⁹.

Самарқанд сарбадорлари шаҳардаги катта мол-мулкка эга бўлган бойларни талайдилар, уларни ўлдирадилар. Бу ҳақда Шарафиддин Али Яздий мана бундай дейди: «(Лекин) бир мунча куч ва ихтиёрга эга бўлган бир гуруҳ (кишилар)нинг тасавури бошига мағрурлик шамоли кириб, уларнинг жасорат оёқларини ўз мавқеларидан юқорироққа кўйдилар ҳамда ҳукмронлик ва зўравонлик кўлланини қон тўкиш ва фитна фасод уюштиришга чўздилар»²⁰.

Мулоҳаза юритинг: Сарбадорлар томонидан Самарқанд шаҳар ҳокимиятини эгаллишининг Ғарбий Европа шаҳарларининг ўрта асрларда ўз эркинликлари учун курашии жараёни билан ўхшаш ва фарқ қилувчи томонлари нималарда намоён бўлади деб ўйлайсиз?

Мўғуллар ҳужумига қаттиқ зарба берилгандан кейин, сарбадорлар 1366 йил кўкламига қадар, бир қиш давомида давлатни бошқардилар. Шарафиддин Али Яздийнинг айтишича, Темур билан Ҳусайн шаҳар атрофига келиб тушганларидан кейин «сарбадорларни йўқотишни давлат ва диннинг зарурий ишларидан санадиларки, булар бу муддат ичида бу бўш майдонни (шаҳарни) исён ва тугён қадами билан ўлчаган эдилар. Улар турли ярамасликлар.- қатл, толонлар ва шунга ўхшаган нарсаларни қилганлари учун, уларнинг ҳаммасини

¹⁸ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Мовароуннаҳр воқеалари (1360-1370) - Т.: Қамалак. 1994. Б. 113

¹⁹ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Мовароуннаҳр воқеалари (1360-1370) - Т.: Қамалак. 1994. Б. 114

²⁰ Уш жойда

қўлга олишга фармон чиқардилар»²¹. Бу далилдан сарбадорларнинг мамлакатни мўғуллар ҳужумидан ҳимоя қила олмаган амалдорларга ва дин намояндаларига қарши эканлари равшан кўринади. Шунинг учун ҳам тахтдан сарбадорларни йўқотиш Шарафуддин Али Яздийнинг назарида, давлат ва диннинг зарурий ҳамда энг аҳамиятли ишларидан бири бўлиб қолади.

Кўзғолон бошлиқлари ҳақида манбаларда жуда оз маълумот бўлса-да, уларнинг қайси табақадан эканликлари ҳақида қисқача тўхтаб ўтиш мумкин. Кўзғолоннинг икки бошлиғи «Мавлонозода унвони билан юритилиб, уларнинг бири Бухоро бузрукзодаларидан эканлиги ҳақида баъзи манбалар аниқ маълумот беради. Масалан, Муиниддин Натанзий уни Бухоро зодагонларидан эканлигини, Самарқандга эса таҳсил олиш учун келиб, халқ орасида катта эътиборга эга бўлишга эришганлигини таъкидлайди.²² Манбалар Мавлонозодаи Самарқандийнинг ҳам, Мавлоно Хўрдакий Бухорийнинг ҳам жасурликда, қахрамонликда, бошқалардан айрилиб турганларини ёзадилар. Бундан ташқари Мавлоно Хўрдакка ҳарбийлик ва тирандозлик хусусиятлари берилади. Булар ҳам келиб чиқишлари ҳам хусусиятлари билан Хуросон сарбадорларининг раҳбарлари Амир Абдураззоқ билан Амир Масъудга жуда яқиндилар. Самарқанд кўзғолонининг манбаларда кўрсатилган учинчи раҳбари Абубакр Калавий Наддофдир. У ҳунармандлардан чиққан наддоф, яъни пахта титувчи бўлган. Ҳаммадан аввал Темур тарихини ёзган Низомуддин Шомий ўз «Зафарнома»сида Самарқанд кўзғолони ҳақида жуда кам гапирган бўлса-да, кўзғолончиларнинг кимлардан иборат эканликларини аниқ ибора билан ёзади. «Мавлонозодаи Самарқандий, Мавлоно Хўрдаки Бухорий ва Абубакр Наддоф, - ҳар учаласи бошлиқ бўлиб, ёвуз, кишилар буларнинг ёнида тўпланган эдилар»²³.

²¹ Шарафиддин Али-Яздий. Зафарнома. Мовароуннаҳр воқеалари (1360-1370) - Т.: Камалак, 1994. Б. 116

²² Муиниддин Натанзий. Ўша асар. Б. 68

²³ Низомиддин Шомий. Зафарнома /Фурс тилидан ўгирувчи – Ю. Ҳакимжонов. таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва маъсул муҳаррир – А. Ўринбоев, изоҳлар ва дугатларни тузувчи – Ҳ. Кароматов (жугрофий номлар изоҳи – О. Бўриевники),

Мўғул аскарлари Самарқандда муҳофаачилардан енгилиб қайтишлари билан, Темур мўғуллар ҳаракатидан хабар олиш учун юборган ўз кишиси Аббос Баҳодир орқали Самарқанд воқеасидан хабардор бўлади. Баъзи манбаларда бу хабар кўзғолон бошлиқларидан бири Мавлонозода томонидан берилганини гапирдики, бу ҳақиқатдан узоқ эмас. Чунки воқеаларнинг кейинги ривожига назар солсак, кўзғолон бошлиқлари ва кўзғолончилар Амир Темур ва Хусайнлар томонидан жазоланганида, Темур Мавлонозодани ўлимдан қутказиб олганлигини кўраимиз. Бу эса улар ўртасида аввалдан алоқа бўлганлигини тахмин қилиш учун асос бўла олади.

Кўзғолончилар ғалабасидан сўнг бу воқеадан хабардор бўлган Амир Темур тезда буни Хусайнга билдиради. Хусайн Шабартудан Соли Саройга келади. Амир Темур ўз хонадонини Жайхундан (Амударёдан) ўтказиб, Кешга юборади. Ўзи эса Хусайн томониغا юради. Булар Боғлон чегарасида учрашиб, ўзаро узоқ суҳбатлар қилгандан сўнг Самарқандни сарбадорлар кўлидан олиш чораларини кўрадилар. Амирлар 1366 йили эрта баҳорда Самарқандга киришга қарор беришиб, унга тайёрлик ишларини олиб бориш учун Амир Темур Қаршига келади ва 1365-1366 йилларнинг қишини шу шаҳарда ўтказади. Амир Хусайн эса Соли Саройда қолади. Амир Темур Самарқанд билан бўлган алоқаларни тўхтовсиз равишда давом эттиради. Шу орада Қарши шаҳри атрофини девор билан ўратади.

1366 йил кўкламида, аввалги битимларига мувофиқ Амир Хусайн ва Амир Темур Афғонистоннинг шимолий вилоятларидан аскар олиб, Самарқандга келдилар. Амирлар Самарқандга келмасдан аввал, йўлда учрайдиган ҳар қандай қаршилиқларнинг олдини олиш ва сарбадорлар бошлиқларининг «хурмат ва эҳтиром»лари учун, ўзлари шаҳарнинг шимоли-шарқий томони, яъни Чўпонота этагига-Кониғилга келганларига қадар, уларни қарши олишга чиқмасликлари ҳақида хабар юбордилар. Манбаларнинг ҳаммаси деярлик бу ҳақда бир мазмунда маълумот беради.

Ҳофизу Абруни «Зафарнома»га ёзган «Зайл» («Илова»)ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳларини тузувчи – О. Бўриев -Т.: Ўзбекистон, 1996. Б. 50

Мисол учун Муиниддин Натанзий Амир Хусайннинг ушбу топшириғи ҳақида шундай ҳикоя қилади: «Мен сизга тўла ишонаман ва сизни жамики амирларимдан кўра ўзимга азиз ва қадрдон деб биламан. Токи мен хумоюн ўрду билан Кониғил даштига келиб кўнмагунимча, ҳаргиз менинг истиқболимга чиқмангиз»²⁴.

Амир Хусайн Кониғилга келгандан кейин сарбадорларга тўла ишонч ҳосил этиш учун, биринчи кун қарши олишга чиққанларни яхши қабул этадилар. Иккинчи кун ундан ҳам ортиқроқ ҳадялар билан чиққан сарбадорлар кўлга олиниб, дорга осиладилар ва қиличдан ўтказиладилар. Бунда, юқорида айтганимиздек, фақатгина Мавлонозода Самарқандийгина ўлимдан қутқазилади. Шундай қилиб, Самарқандда бир қиш давомида ҳукуматни кўлга олиб турган сарбадорлар ҳаракати бостирилади ва Хусайн билан Темур Самарқандда ўз хукмронликларини тиклайдилар.

Шу ўринда савол туғилади. Сарбадорлар ва амирларни қайси масалалар яқинлаштирган ҳамда қайси масалаларда улар бир-бирларига душман эди.? Шубҳасиз, уларни Ватан озодлиги учун кураш гоёси яқинлаштирган, уларнинг манфаатлари шу нуқтада умумий эди. Лекин, озод мамлакатни бошқариш масаласи уларни бир-биридан ажратувчи босқич бўлган. Амирлар ўзлари, сарбадорларсиз ҳокимиятни бошқаришни хоҳладилар. Бу ҳаракат маълум маънода Ғарбий Европа тарихидаги шаҳарларнинг сенъорлардан мустақил бўлиш ҳаракатларини ҳам ёдга солади. Улардаги ўхшашлик жиҳатларини ўрганиш тарихшуоқслигимизнинг яқин келажакдаги вазифаларидан бирига айланиши мумкин.

Мулоҳаза юришинг: Амир Хусайн нима учун сарбадорларни то ўзи Самарқанд ёнидаги Кониғил майдонига етиб келмагунга қадар уни қутиб олиш учун шаҳардан чиқмасликларини талаб қилди?

²⁴ Муиниддин Натанзий. Ўша асар. Б. 72.

Амир Темур ва Амир Хусайн

Ҳокимият яна Амир Хусайн қўлига ўтгач, у бир қатор хатоларга йўл қўя ўртасида ҳокимият бошлади. Сарбадорлар ҳокимияти тугатилиши билан у халқдан солиқ йиғиш ҳақида топшириқ берди.

Амирлардан Жақуббек, Сайфиддин, Оқ Буға, Элчи Баҳодур ва Давлатшоҳ Бахшилар Амир Темурга мурожат қилиб, Лой жангидаги катта талофот ва мўғуллар босқини сабабли уларнинг эли Хусайн талаб қилаётган солиқни тўлай олмасликларини билдириб, ёрдам сўрайдилар. Амир Темур бор мол-мулкни ёрдам сўраганларнинг солиғи учун топширди ва бу эса эл-юртда унинг обрўсини янада ошишига сабаб бўлди. Муаррихларнинг таъкидлашича, Амир Хусайн солиқ сифатида Амир Темурнинг хотини Ўлжой Туркон оғага тегишли исирғаларни ҳам гарчи ўз синглизиники эканлигини билса-да қабул қилган.

Кўп ўтмай, Амир Мусабек, Шер Баҳром, Али Дарвеш каби йирик амирлар Амир Темур ва Хусайнбек ўртасида низо чиқаришга эришдилар. Лекин турли фисқу фасодлар билан низо чиқариб, Амир Темур томонида бўлишга аҳд қилган юқорида номи тилга олинган амирлар биринчилардан бўлиб, Амир Хусайн томонига ўтиб кетдилар. Кўп ўтмай, Амир Темур томонидан Самарқанд ҳокими этиб тайинланган Қора Ҳиндука Барлос ҳам Хусайнбек хизматига ўтади. Бу орада касаллик сабабли Амир Хусайннинг синглизини, Амир Темурнинг рафиқаси Ўлжой Туркон оға вафот этади. Натижада икки амир ўртасидаги қариндошлик алоқалари ҳам узилиб, ашаддий душманга айландилар. 1366 йили икки амир ҳам бир-бирига қарши лашкар йиғиб юриш бошладилар. Амир Хусайн ҳийла йўли билан Амир Темурни кўлга киритиш мақсадида сулҳ тузиш учун ўзаро учрашувни таклиф этди. Ўзаро учрашув учун ҳар икки томон ҳам фақат 100 тадан аскар билан келиши керак эди. Лекин Амир Хусайн ўзи келмай 3 минг кишилик кўшин жўнатиб, Амир Темурни кўлга олишни буюрди. Амир Темур ўз кўшинини Гузорда қолдириб, фақат 100 киши билан учрашув жойи Чакчакка келган эди. Ўзи бир амаллаб озгина аскар билан омон

Мисол учун Муиниддин Натанзий Амир Хусайннинг ушбу топшириги ҳақида шундай ҳикоя қилади: «Мен сизга тўла ишонаман ва сизни жамики амирларимдан кўра ўзимга азиз ва кадрдон деб биламан. Токи мен ҳумоюн ўрду билан Кониғил даштига келиб қўнмагунимча, ҳаргиз менинг истиқболимга чиқмангиз»²⁴.

Амир Хусайн Кониғилга келгандан кейин сарбадорларга тўла ишонч ҳосил этиш учун, биринчи куни қарши олишга чиққанларни яхши қабул этадилар. Иккинчи куни ундан ҳам ортиқроқ ҳадялар билан чиққан сарбадорлар қўлга олиниб, дорга осиладилар ва қиличдан ўтказиладилар. Бунда, юқорида айтганимиздек, фақатгина Мавлонозода Самарқандийгина ўлимдан қутқазилади. Шундай қилиб, Самарқандда бир қиш давомида ҳукуматни қўлга олиб турган сарбадорлар ҳаракати бостирилади ва Хусайн билан Темур Самарқандда ўз ҳукмронликларини тиклайдилар.

Шу ўринда савол туғилади. Сарбадорлар ва амирларни қайси масалалар яқинлаштирган ҳамда қайси масалаларда улар бир-бирларига душман эди.? Шубҳасиз, уларни Ватан озодлиги учун кураш гоёси яқинлаштирган, уларнинг манфаатлари шу нуқтада умумий эди. Лекин, озод мамлакатни бошқариш масаласи уларни бир-биридан ажратувчи босқич бўлган. Амирлар ўзлари, сарбадорларсиз ҳокимиятни бошқаришни хоҳладилар. Бу ҳаракат маълум маънода Фарбий Европа тарихидаги шаҳарларнинг сеньорлардан мустақил бўлиш ҳаракатларини ҳам ёдга солади. Улардаги ўхшашлик жиҳатларини ўрганиш тарихшунослигимизнинг яқин келажақдаги вазифаларидан бирига айланиши мумкин.

Мулоҳаза юритинг: Амир Хусайн нима учун сарбадорларни то ўзи Самарқанд ёнидаги Кониғил майдонида етиб келмагунга қадар уни кутиб олиш учун шаҳардан чиқмасликларини талаб қилди?

²⁴ Муиниддин Натанзий, Ўша асар. Б. 72.

Амир Темур ва Амир Хусайн ўртасида ҳокимият учун кураш

Ҳокимият яна Амир Хусайн кўлига ўтгач, у бир қатор хатоларга йўл қўя бошлади. Сарбадорлар ҳокимияти тугатилиши билан у халқдан солиқ йиғиш ҳақида топшириқ берди. Амирлардан Жақубек, Сайфиддин, Оқ Буға, Элчи Баҳодур ва Давлатшоҳ Бахшилар Амир Темурга мурожат қилиб, Лой жангидаги катта талофот ва мўғуллар босқини сабабли уларнинг эли Хусайн талаб қилаётган солиқни тўлай олмасликларини билдириб, ёрдам сўрайдилар. Амир Темур бор мол-мулкни ёрдам сўраганларнинг солиғи учун топширди ва бу эса эл-юртда унинг обрўсини янада ошишига сабаб бўлди. Муаррихларнинг таъкидлашича, Амир Хусайн солиқ сифатида Амир Темурнинг хотини Ўлжой Туркон оғага тегишли исирғаларни ҳам гарчи ўз синглисиники эканлигини билса-да қабул қилган.

Кўп ўтмай, Амир Мусабек, Шер Баҳром, Али Дарвеш каби йирик амирлар Амир Темур ва Хусайнбек ўртасида низо чиқаришга эришдилар. Лекин турли фисқу фасодлар билан низо чиқариб, Амир Темур томонида бўлишга аҳд қилган юқорида номи тилга олинган амирлар биринчилардан бўлиб, Амир Хусайн томонига ўтиб кетдилар. Кўп ўтмай, Амир Темур томонидан Самарқанд ҳокими этиб тайинланган Қора Ҳиндука Барлос ҳам Хусайнбек хизматида ўтади. Бу орада касаллик сабабли Амир Хусайннинг синглиси, Амир Темурнинг рафиқаси Ўлжой Туркон оға вафот этади. Натижада икки амир ўртасидаги қариндошлик алоқалари ҳам узилиб, ашаддий душманга айландилар. 1366 йили икки амир ҳам бир-бирига қарши лашкар йиғиб юриш бошладилар. Амир Хусайн ҳийла йўли билан Амир Темурни қўлга киритиш мақсадида сулҳ тузиш учун ўзаро учрашувни таклиф этди. Ўзаро учрашув учун ҳар икки томон ҳам фақат 100 тадан аскар билан келиши керак эди. Лекин Амир Хусайн ўзи келмай 3 минг кишилик кўшин жўнатиб, Амир Темурни қўлга олишни буюрди. Амир Темур ўз кўшинини Ғузурда қолдириб, фақат 100 киши билан учрашув жойи Чакчакка келган эди. Ўзи бир амаллаб озгина аскар билан омон

қолган бўлса-да, бу хабарни эшитган Ғузордаги қўшин Темурни кутмай тарқалиб кетиши натижасида Соҳибқирон иккинчи марта мажбуран Мовароуннаҳрни тарк этишга мажбур бўлди. Бутун Мовароуннаҳр Амир Хусайн қўлига ўтди.

Туркман чўлларидан ўзига паноҳ топган Амир Темур Қаршига бораётган савдогарлар қарвони кўзи олдида Хуросон сари йўлга чиқди. Қарвон узоқлашгач эса ортга қайтиб Қарши шаҳрини қайтариб олиш учун юриш қилишга қарор қилди. Қаршида Амир Хусайннинг Мусабек ва Малик Баҳодур бошчилигида 12 минг кишилик қўшини бўлиб, улар ҳам Амир Темурнинг Хуросонга кетганлиги тўғрисидаги хабарни эшיתיб бежавотир эдилар. Шундан фойдаланган Амир Темур атиги 243 нафар аскар билан қутилмаганда яширинча Қарши қалъасига ҳужум қилиб, шаҳарни эгаллаб олди ва Амир Хусайннинг 12 минг кишилик қўшинини ҳам тор-мор келтирди. Шундан сўнг Амир Темурнинг саркардаси Маҳмудшоҳ Соҳибқирон фармони билан Бухорога ҳужум қилди ва уни ҳам қўлга киритди. 1366 – 67 йилнинг қишини Амир Темур Қаршида ўтказди.

Қўшимча ўрганиш: *Амир Темур қандай ҳийла ишлатиб 243 нафар аскар билан 12 минг кишилик лашкар ҳимоя қилаётган Қарши шаҳрини қўлга кирита олди?*

Баҳор келиши билан Амир Хусайн яна Темурга қарши юриш бошлади. Амир Хусайнга қарши тура оладиган кучга эга бўлмаган Амир Темур Бухоро томон чекинишга мажбур бўлди. Бу ерда ҳам кўп қолмасдан яна туркман чўлларидан паноҳ топди. Амир Хусайн қўшинлари эса Бухоро шаҳрини қамал қилиб, кўп ўтмай эгаллади.

Туркманистондаги Махонда ўз кучларини қайта ташкил этган Амир Темур яна Қашқадарё воҳасига кириб борди ва Қарши шаҳрини қайтариб олди. Шундан сўнг Самарқандни эгаллаш учун юриш бошлади. Лекин Самарқанд яқинида бўлиб ўтган жангда Амир Хусайн аскарлари тор-мор келтирилган бўлса-да, Самарқандни эгаллаш нияти амалга ошмади. Бу вақтда Соли саройдан катта қўшин билан йўлга чиққан Амир Хусайн яна Қарши

ва Кеш шаҳарларини қайтариб олди. Натижада Амир Темур Мовароуннаҳрнинг шарқий ҳудудлари томон чекинишга мажбур бўлди. Бу вақтда Хўжанд ҳокими Баҳром жалоийр Мўғулистон хонлари ҳукмронлигини тан олган бўлиб, Тошкент ва Фарғона водийсида ҳам унинг таъсири кучли эди. Лекин Баҳром жалоийр Амир Темурга ҳеч қандай ёрдам бермади. Амир Темурнинг ночор аҳволда қолганлигидан фойдаланган Амир Хусайн фўрсатни ганимат билиб, ўз амирларини 20 минг кишилик қўшин билан Соҳибқиронга қарши жўнатди. Айнан шу пайтда Мовароуннаҳрнинг йирик амирларидан бири бўлган ва ўзаро урушлар кучайганлиги учун Мўғулистонга чиқиб кетган Амир Кайхусрав 2 минг кишилик мўғул аскарлари билан Амир Темурга ёрдам бериш учун келаётганлиги ҳақида хабар келади. Амир Хусайн Кайхусравнинг биродарини қатл этганлиги учун улар ўзаро хундор душман эдилар. Ёрдам келаётганлиги ҳақидаги хабардан ваҳимга тушган Амир Хусайн саркардалари билан Амир Темурнинг 500, мўғулларнинг 2 минг кишилик аскар томонидан қилинган тўсатдан ҳужум натижасида қоча бошладилар. Лекин Амир Темур Хусайн қўшинларини таъқиб эта олмади. Чунки ёрдамга келган мўғуллар халқни талаётганлиги сабабли Амир Темур ва Амир Кайхусрав уларга қарши жанг бошлашга мажбур бўлдилар. Натижада мўғуллар тор-мор этилиб, халқнинг мол-мулки ўзларига қайтариб берилди²⁵.

Амир Хусайн мағлуб бўлган саркардаларини қаттиқ жазолади ва яна янги лашкар тузиб Амир Темурга қарши жўнатди. Лекин бу сафар улар оз сонли душмандан тўла мағлубиятга учрадилар. Ғолиб чиққанига қарамай Амир Темурда Хусайн лашкарини таъқиб этиш учун куч йўқ эди. 1367-1368 йил қишини Амир Темур Тошкентда ўтказишга мажбур бўлди. Амир Хусайн омон қолган қўшинларини Самарқандга жойлаштириб, ўзи Соли Саройдаги қароргоҳи томон қайтди.

1368 йилнинг баҳори келгач, Амир Хусайн Амир Темур билан ярашишга қарор қилди. Чунки ҳар икки томоннинг ҳам ғалаба қозонишга кўзи етмас эди. Музокаралардан сўнг Амир

²⁵ Муниддин Натанзий. Ўша асар. Б. 83-84.

Темур Ҳусайнбек билан битим тузиб, Кеш шаҳрига қайтиб келди. Бир неча йилдан бери туркман чўлларида, Маҳонда яшаётган оиласини ҳам Кеш шаҳрига кўчириб келтирди. Амир Ҳусайннинг сулҳ тузишга мажбур бўлишининг яна бир сабаби Бадахшон ҳокимлари билан низонинг кучайиб бораётганлиги ҳам эди. Шунингдек ҳар икки амир ҳам мўғулларнинг янги ҳужумларидан хавфсирар эдилар.

Мулоҳаза юритинг: *Амир Ҳусайннинг 1368 йили Амир Темур билан ярашишига яна қандай омиллар таъсир қилган бўлиши мумкин?*

Сулҳ тузилгач, Амир Ҳусайн Бадахшон томон юриш қилиш имконига эга бўлди. Лекин Ҳирот ҳокими Малик Ҳусайн Балх вилоятини ҳимоясиз қолганидан фойдаланиб, Амир Ҳусайннинг ерларига бостириб кириб, талон-тарож қила бошлади. Амир Ҳусайннинг илтимосига кўра Амир Темур тезда Балхга етиб келди ва Хуросон кўшинини бу ердан қувиб чиқарди. Шундан сўнг Кундуз шаҳрида икки амир учрашдилар ва Кобул томон юриш бошлаб, у ерни ҳам Амир Ҳусайнга бўйсундирдилар. Кобул шаҳри эгаллангач, Амир Ҳусайн Балх яқинидаги Ҳиндувон қалъасини қайта тиклаб, у ерни мамлакат марказига айлантирмоқчи эканлигини билдиради. Бу суҳбатни Шарафуддин Али Яздий қуйидагича баён қилади: «Ҳисор олгандан сўнг Ҳусайнбек Соҳибқиронга дедиким: «Хаёлим борким, ўлтурур ерим Балх бўлғай ва Ҳиндувон қалъасиким, бузулиб турур, иморат қилайм». Ҳазрат соҳибқирон дедиким: «Абдуллоҳким, сизнинг амак бўлур эрди ва Қазағанбекнинг воқибасидин сўнг ният қилдиким, «Самарқандда боруб ўлтурурмен». Беклариким давлатхоҳлари эрдилар, дедиларким: «Ўз ерингизни қўйиб, ёт ерга бормоқ маслаҳат йўқтурур. Анинг учунким, агар воқеъ бўлғай, бегона киши ҳаргиз кишига йарамағуси турур». Абдуллоҳ аларнинг сўзларини эшитмай, оқибат етти ангаким, кўрди. Ва бу фикрким сиз қилибсиз, анга ўхшар»²⁶.

²⁶ Шарафуддин Али Яздий. Ўша асар. Б. 59.

В.В. Бартольд ҳам бу масалага тўхталиб, бундай ёзади: «Ҳусайн Балхни қайта тикламоқчи бўлганда, Темур бу ҳол қабила амирларининг кўзғолонини келтириб чиқариши мумкин, деб уни йўлдан қайтармоқчи бўлган. Бироқ, Ҳусайн барибир шаҳарни куради ва кўзғолон кўтарилади. Кўзғолонда қатнашган Темур ғолиб чиқади»²⁷.

Чиндан ҳам Ҳусайннинг кучайиб кетишини хоҳламаган амирлар Амир Темур томонига ўтиб кетадилар. Демак, Темур Амир Ҳусайннинг бу режасидан ўзининг сиёсий мақсадларини амалга ошириш учун фойдаланади. Чунки ўз навбатида ғолиб Темур ҳам кейинчалик Самарқандни ўзига пойтахт қилиб, қалъа девори билан ўраганда, унга қарши кўзғолонлар кўтарилади. Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида Зинда Чашм бошчилигидаги кўзғолон ҳақида ҳикоя қилинган.²⁸ Лекин амир Абдуллоҳ ва Ҳусайндан фарқли ўлароқ Амир Темур бу кўзғолонларни бостира олади.

Мулоҳаза юритинг: *Амир Темурнинг ўзига нисбатан кўтарилган йирик амирларнинг исёнларини бостира олишида қандай омиллар ўз таъсирини ўтказган деб ўйлайсиз?*

Амир Ҳусайн ўз фикрдан қайтмагач, 1368 йили Кобул юришидан қайтган амирлар Ҳиндувон қалъасини қайта тикладилар ва Балх аҳолисини янги шаҳарга кўчирадилар. Амир Темур ҳам ўз кўшини билан қурилиш ишларида қатнашади. Шу вақтда мўғул кўшинларининг Мовароуннарга юриш бошлаётганликлари тўғрисида хабар етиб келгач, Амир Темур ўз кўшинлари билан Самарқанд сари йўлга чиқади. 1368-1369 йил кишини мўғул кўшини Тошкентда, Амир Темур Самарқандда, Амир Ҳусайн эса Кеш шаҳрида ўтказди. Мўғуллар баҳор бошланиши билан юришни давом эттирмоқчи эдилар, лекин қутилмаганда ўзлари орасида низо чиқиб, ортга қайтиб кетдилар. Амир Ҳусайннинг Кешдалиги ва мўғул кўшинининг ҳужум хавфи борлигидан фойдаланган Бадахшон

²⁷ Бартольд В.В. Сочинения. Т.2. -М.-И.В.Л. 1963. С.232.

²⁸ Шарафуддин Али Яздий. Ўша асар. Б. 69-70.

шоҳлари яна Амир Хусайн мулкларига бостириб кириб, Қундуз шаҳрини талон тарож қилдилар. Натижада Амир Темур ва Амир Хусайн Бадахшонга яна юриш бошладилар. Лекин Бадахшон тўлиқ бўйсундирилмади. Йирик амирлардан Шайх Муҳаммад Баён Сулдуз ва Кайхусравларнинг исёни сабаб юриш тўхтатилди. Амир Темурга исёни бостириш топширилгач, Соҳибқирон исёнчиларга зарба беришга эришди. Шайх Муҳаммад Баён Сулдуз Хўжанд, Кайхусрав эса Қоратегин вилоятига чекинишга мажбур бўлди. Ҳиндувон қалъасини мустаҳкамлаган Амир Хусайннинг мавқеини ошиб бораётганлиги кўплаб йирик амирларни чўчита бошлади. Натижада уларнинг турли иғволари билан яна Амир Темур ва Амир Хусайн ўртасига совуқчилик туша бошлади ҳамда кўп ўтмай яна ҳарбий ҳаракатлар бошланди. Бу сафар кўплаб йирик амирлар, кечаги исёнчи Шайх Муҳаммад Баён Сулдуз, Амир Кайхусрав каби амирлар ҳам Амир Темур хизматига кириб Амир Хусайнга қарши юриш қилишни таклиф қила бошладилар. 1369-1370 йилларнинг қишини ўзаро урушга тайёргарлик даври бўлди дейиш мумкин. Борган сари Амир Темур тарафдорларининг сафи кенгайиб борди. Натижада 1370 йилнинг баҳорида Амир Темур Балхга юриш бошлади. Амир Хусайн кўшини бирин кетин Амир Темур томонига ўта бошлади. Амир Хусайн Ҳиндувон қалъасига яширингач, бир неча кунлик жанглардан сўнг қалъа забт этилди. Асир олинган Амир Хусайн гарчи авф этилган бўлса-да, унинг хундор душмани Амир Кайхусрав томонидан қатл этилди. 1370 йилнинг 9 апрел куни бўлиб ўтган Мовароуннаҳр амирларининг қурилтойида Амир Темур Мовароуннаҳр ҳукмдори деб эълон қилинди. Тахтга эса Чиғатой авлодидан Суюрғатмишхон ўтказилди.

Ўзаро урушлардан жуда безиган деҳқонлар оммаси, хунармандлар, савдогарлар, руҳонийлар ва ўтроқ феодаллар, яъни катта ер эгалари ниҳоят ягона давлат ташкил топишини орзиқиб кутаётган эдилар. Ўз мустақиллиги ва эркинликлари чекланишини ҳоҳламаган йирик амирлар, ўзаро низолар орқали талон тарожлар туфайли катта бойликка эга бўлаётган, асосий

юмушларидан бири уруш бўлган кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилаларнинг етакчилари Амир Хусайннинг марказлашган давлат тузиш борасидаги ҳаракатларидан чўчиб ҳам Амир Темур атрофида бирлашаётган эдилар. Юқорида таъкидлаганимиздек, гарчи Амир Темур ҳам Амир Хусайн ишини такрорлаб, Самарқандни девор билан ўраб уни марказий давлатнинг кучли таянчига айлантирган бўлса-да, марказлаштириш душманлари бўлган кўплаб амирлар, кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилаларнинг етакчилари Амир Темурни кўллаб қувватлашда давом этдилар. Чунки, улар Амир Темур сиймосида ўзларини олис юртларга ғолибона юришларга бошлаб бора оладиган енгилмас саркардани кўрар эдилар. Бу урушлар уларнинг марказлашган давлат ташкил топиши натижасида кўрадиган зарарлари беқиёс даражада ортиги билан қоплаши мумкин эди. Албатта, Амир Темурга қарши ҳам кўплаб исёнлар, суиқасдлар бўлиб ўтди. Лекин Амир Хусайндан фарқли равишда Амир Темур уларнинг барчасини бартараф эта олди.

Амир Темур томонидан Амир Темур Фарғона водийсининг **Мовароуннаҳрнинг** геостратегик аҳамиятини яхши англаган **бирлаштирилиши.** ҳолда, уни мамлакатнинг шарқий **Фарғона водийси ва** дарвозаси сифатида мустаҳкамлаш ва **Хоразм учун кураш.** ривожлантиришга доимо катта эътибор қаратиб келган.

Амир Темур ҳокимиятни қўлга киритган дастлабки йилларда кўплаб йирик амирлар уни ҳукмдор сифатида тан олмасликка ҳамда унинг марказлашган давлат тузишга қаратилган саъй-ҳаракатларини йўққа чиқаришга уриниб кўрдилар. Бундай йирик амирлар қаторига Амир Мусо, Амир Зинда Чашм, Амир Кайхусрав ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу амирлар Соҳибқирон ҳокимиятини номигагина тан олиб, имкон топишганда мустақиллик туғини кўтарганлар. Шундай кучлар Мовароуннаҳрнинг шарқий қисми, яъни Фарғона водийсида ҳам мавжуд бўлиб, улар Амир Темурнинг ташқи душманлари Оқ Ўрда хони Урусхон ва Мўғулистон ҳукмдори Қамариддинлар билан алоқа боғлашга ҳамда уларга таянишга интилдилар.

Мулоҳаза юритинг: Нима учун Фарғона водийси ва Хоразмнинг Амир Темур давлати таркибига қўшиб олинishi таъқиқ сийёсий ғалабаларга боғлиқ бўлиб қолган эди?

Соҳибқирон ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Мовароуннаҳрнинг шимолий-шарқий қисмида унинг таъсири кучли эмас эди. Қамариддиннинг Тошкентга ҳужуми ҳамда Тошкент ва Хўжанд атрофидаги амирларнинг исёнлари, уларнинг бир қисмини 1371-72 йилларда Мовароуннаҳрдан қочиб кетиши каби воқеалар Амир Темурни Мўғулистонга икки марта юриш қилишга мажбур қилган. Лекин бу юришлар Амир Темурнинг ўша пайтдаги имкониятлардан келиб чиқиб, Мўғулистон чегарасигача етиб борган холос. Амир Темурнинг Фарғона водийсига келиши ҳам айнан соҳибқироннинг Мўғулистонга уюштирган ҳарбий юришлари билан боғлиқ эди.

Оқ Ўрда ва Мўғулистонни тор-мор этмасдан туриб Туркистон, Тошкент воҳаси ҳамда Фарғона водийсида Амир Темур ўз ҳокимиятини тўла ўрната олмас эди. Шунинг учун ҳам Соҳибқирон Мўғулистонни кучсизлантиришга қатъий интилиди ва унинг ҳукмдори Қамариддинга қарши 1375 йилда катта юриш бошлади. Қамариддин устидан қатор ғалабаларга эришган Амир Темур Мўғулистондан қайтишда Фарғона водийсининг шарқий чеккасидаги «Йасси Дабон»дан ўтиб Ўзганд, Марғилон ва Хўжанд шаҳарлари орқали Самарқандга қайтади. Бу юришдан манфаатдор бўлмаган Хўжанд ҳокими Одилош бошлиқ бир гуруҳ амирлар Хўжанд шаҳрида Амир Темур шарафига уюштирилган зиёфатда унга қарши суиқасд қилишга қарор қилдилар. Суиқасд амалга ошмагач, кейинги йили Хўжанд ҳокими Одилош Андижон доруғаси Ҳамди ва амир Сари Буғалар Амир Темурнинг Хоразмда бўлганлигидан фойдаланиб, исён кўтардилар ҳамда Самарқандга ҳужум қилдилар. Соҳибқирон исённи бостириб, уларнинг мулкани тортиб олди, Фарғона вилоятини эса Умаршайх мирзога суюрғол қилиб берди. Лекин Фарғона водийсида Умаршайх мирзонинг ҳукумати ҳали кучсиз эди. Амир Темурдан мағлуб бўлиб, аввал Оқ Ўрдага, сўнгра Мўғулистонга қочиб борган исёнчилар

Қамариддинни Фарғонага ҳужум қилишга ундайдилар. Қамариддиннинг ҳужуми пайтида Умаршайх мирзо қўшинининг бир қисми душман томонга ўтиб кетади, унинг ўзи эса Андижон шаҳрини ҳимоя қилиш учун аскар қолдириб, асосий кучлар билан Ўш тоғларига яширинади.

Мулоҳаза юритинг: Нима учун Умаршайх мирзо Андижон шаҳрини ҳимоя қилиш учун лашкарнинг бир қисмини шаҳарда қолдириб, ўзи қолган кучлар билан Ўш тоғларига чиқиб кетди?

Фақат Амир Темур етиб келгандан сўнг аҳвол ўнланди. Фарғона водийси Умаршайх мирзога суюрғол қилиб берилишидан келиб чиқиб, фақатгина 1376 йилда Фарғона водийси Амир Темур давлатига тўлиқ ва узил-кесил қўшиб олинди, десак бўлади. Шу ўринда қизиқ ҳолат кўзга ташланади. Амир Темур Мовароуннаҳрни давлатнинг холиса мулки сифатида девон бошқарувида сақлагани ҳолда, унинг бир қисми бўлмиш Фарғона водийсини ушбу холиса мулк таркибига киритмаган. Бунинг ўзига хос сабаблари бор эди, албатта.

1376 йилдан кейинги воқеалар ривожига назар ташласак, Фарғонага ҳоким этиб тайинланган Умаршайх мирзонинг зиммасига нафақат бу ўлкани бошқариш, балки Тошкент воҳаси ва Туркистонни мўғуллар ҳужумидан ҳимоя қилиш, у ерлардаги вазиятни назорат қилиб туриш, Мўғулистондаги сийёсий ҳолатни диққат билан кузатиб бориш вазифалари ҳам юкланганлигига амин бўламиз. Айнақ шу вазифаларни бажаришга интилган Умаршайх мирзо 1387 йили Ўтрорда Тўхтамишга қарши, Фарғонада Мўғулистоннинг яна бир ҳукмдори Анқотўрага қарши жанг қилишга мажбур бўлди. Мана шу хизматлари туфайли у Соҳибқирон олқишига сазовор бўлганлиги Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»сида таъкидланади: «Ва шахзода ул баҳодурлик қилган учун ани кўп иноятлар билан сарафроз қилди»²⁹.

²⁹ Шарафуддин Али Яздий. Ўша асар. Б.119.

Мулоҳаза юритинг: Нима учун Амир Темур Фарғона водийсини алоҳида улус сифатида ташкил этди, уни ўзининг холиса мулки Мовароуннахр таркибига қўшиб юбормади?

Фарғона водийсининг Амир Темур давлати тасарруфига ўтиши мўғулларнинг талончилик ҳужумларига барҳам бериб, ободончиликка, иқтисодий ривожланишга катта йўл очди. Темурий шаҳзодалар ҳам ободончиликка катта эътибор бердилар-ки, бунга Умаршайх мирзонинг Фарғона водийсига ҳоким этиб тайинланган йилиёқ Андижон яқинида Гулистон номли ажойиб боғ барпо этганлиги мисол бўла олади.

Амир Темур ва темурий шаҳзодалар мамлакатнинг шарқий дарвозаси бўлмиш водийни ҳарбий-стратегик жиҳатдан аҳамиятини ҳисобга олиб унинг муҳофаа имкониятларини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратганлар. Ўша даврда водийнинг энг йирик шаҳарлари ва марказлари бўлган Андижон ва Аҳси шаҳарлари тарихий манбаларда Мовароуннахрнинг энг мустаҳкам қалъалари сифатида таърифланади. Аҳси қалъасининг мустаҳкамлигини таъминлашда унинг табиий-географик жойлашуви катта аҳамиятга эга бўлса, Андижон шаҳри чиндан-да мустаҳкам қалъа деворлари ва чуқур ҳандақлар билан ўраб олинган эди. Кейинчалик Бобир Мирзо Мовароуннахрда Самарқанд ва Кеш қўрғонларидан сўнг, Андижон қўрғонидек улуғ қўрғон йўқлигини таъкидлаганлиги ҳам бежиз эмас.

Юқоридаги фикрларга яқун ясаб, шуни айтишимиз мумкинки, Фарғона водийсининг Мовароуннахр марказидан бироз узоқ бўлганлиги, Амир Темур давлатининг ашаддий рақиби Мўғулистон билан чегарадошлиги бу ерда марказлаштириш сиёсатига қарши бўлган сиёсий кучларнинг тўпланишига олиб келди. Шу боисдан водийни Темур давлати таркибига тўла киритиш бироз қийин кечиб, кечроқ амалга ошди ва ташқи сиёсатдаги ғалабаларга боғлиқ бўлиб қолди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Амир Темур Фарғонани ўз холиса мулки – Мовароуннахр таркибига киритмади. Чунки

кўчманчиларининг кучли давлатлари билан чегарадош бўлган ҳудудда мамлакатнинг ички туманлари хавфсизлигини таъминлайдиган, зарур пайтда қўшни давлатлар сиёсатига таъсир кўрсата оладиган кучли улус барпо этиш зарур эди. Фарғона водийси худди шундай улусга айлантирилди.

Хоразмнинг Амир Темур давлати таркибига қўшиб олиниши ҳам ташқи сиёсий ғалабалар билан боғлиқ эди. Маълумки, Чингизхон 1224 йили ўзи босиб олган ўлкаларни фарзандларига бўлиб берганда, Хоразм воҳасининг марказий ва шимолӣ қисмларини Жўжи улуси таркибига, жанубий қисмини эса Чигатоӣ улуси таркибига киритган эди. Кейинчалик, аниқроғи XIV асрнинг ўрталарига келиб, Жўжи ва Чигатоӣ улусларида марказий ҳокимиятнинг заифлашуvidан фойдаланган кўнгрот кабиласининг сардорларидан бўлган Хусайн Сўфи Хоразмда ҳокимиятни қўлга олади. Тарихчи олим Б. Аҳмедовнинг муаррих Натанзийга таяниб маълумот беришича, Хусайн Сўфи Жўжи улусининг нуфузли амирларидан Нонгадоӣнинг ўғли бўлган. (Шарафуддин Али Яздий Хусайн Сўфи Тўнгдаӣнинг ўғли эканлигини таъкидлайди. Шомий эса бу исми Нангкудоӣ деб беради. Бу ҳол бир исмнинг турлича айтилиши бўлиши мумкин). У эса Ўзбекхон номидан Хоразмни бошқарган Қутлуғ Темур авлодидан эди. 1355-1356 йилларда Қутлуғ Темур ўлдирилган Хоразмда ҳокимият Нонгадоӣ қўлига ўтган. Нонгадоӣ эса 1361 йили Олтин Ўрда хони Келдибек томонидан ўлдирилган. Лекин Жўжи улусидаги парокандалик Нонгадоӣнинг ўғли Хусайн сўфи томонидан Хоразмда ҳокимиятни эгаллаб олинишига ва мустақил давлат ташкил топишига қаршилиқ қила олмаган. Чигатоӣ улусидаги ўзаро урушлар, Мўғулистон ҳукмдорларининг Мовароуннахрга босқинчилик юришларидан оқилона фойдаланган Хусайн Сўфи 1365-1366 йилларда Жанубий Хоразмни ҳам ўз қўлига киритган. Бу воқеани Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздий ҳам Амир Темурнинг Хоразмга биринчи марта элчи юборишидан (1371 йил) 5-6 йил аввал бўлганлигини таъкидлашган.

Амир Темур 1371 йили Жанубий Хоразм яъни Хива ва Кат шаҳарларини Чигатоӣ улусига қайтарилишини сўраб Алфа

Тавочини Хоразмга элчи қилиб юборади. Бу ҳақида Шарафуддин Али Яздий куйидагича ҳикоя қилади: «Алфа Тавочини бир жамоат киши билан элчиликка Хусайн Сўфийга йибарди ва дедиким: «Хевақ (ва Кот) закоти Чигатой улусига тааллуқ, турур ва эйаси йўқ, жиҳатидин сен олур эрдинг. Дахл қилмағайсен ва бизга тааллуқ кишига тобшурғайсенким, дўстлуқ аромизда бўлғай»³⁰.

Алфа Тавочи Хоразмга бориб, ҳазрат соҳибқирон айтқон сўзларни анга айтти ва анга кўб муболага қилдиким: «Албатта бу ишда дахл қилмағайсен». Аммо Хусайн Сўфий неча маҳал эрмишким, ўз муроди била ҳукумат суруб, ҳар на хотири тилагандур, андоқ қилиб турур ва ҳеч киши анга моний бўлмай турур. Бу жиҳаттин йахши жавоб бермади ва дедиким: «Мен бу вилоятни қилич била олибмен, яна қилич била мендин олғайлар».³¹

Амир Темур Мавлоно Жалолиддин Кашининг урушнинг олдини олиш мақсадида ўзини Хоразмга элчи қилиб юбориш ҳақидаги илтимосини бажо келтиради. Лекин Хусайн Сўфи бу сафар Жалолиддин Каши бошчилигидаги элчиларни ҳибсга олдиради. Бу эса урушнинг бошланганлигини билдирарди.

1372 йилнинг баҳорида Хоразм сари биринчи юриш бошланди. Дастлабки майда жанглардаёқ Хоразм кўшинлари бирин кетин мағлубиятга учради. Амир Темур кўшиннинг унча кўп бўлмаган қисмини Урганчни қамал қилиш учун қолдириб, асосий кучларни Хоразм бўйлаб тарқатиб юборди. Бу вақтда галабадан умидини узиб, сулҳ тузиш таклифини билдираётган Хусайн Сўфи Амир Темурнинг йирик амирларидан бири Кайхусравнинг ҳийласига учиб ўз кўшинларини жанг қилиш учун шаҳар ташқарисига олиб чиқади. Бу ҳақида Низомиддин Шомий куйидагича маълумот беради: «Хусайн Сўфи қалъа ва хисорга кириб олиб, сулҳ тузиб, фитна ўтини сўндиришга ҳаракат қилмоқчи бўлди. Лекин шу аснода Кайхусрав бир элчини жўнатиб, уни қаршилик кўрсатишга тезлади. Юборган хабарида: «Зинҳор унга ишонма, дўстлик эшигини оча

³⁰ Шарафуддин Али Яздий. Уша асар. Б.72.

³¹ Уша жойда

кўрмагин. Лашкарларни тўплаб, дарвозани оч-да, ташқари чик, мен эса бу тарафдан етиб бораман ва биргалашиб душманни даф қиламиз», деди.

Амир Хусайн Сўфи унинг сўзларига ишониб, лашкар ва раиятни шаҳардан ташқари олиб чиқди, ноғора чалиб, Жўйи Қовун суви лабида саф тортиб турди. Зафар ёр лашкар илғор қилиб, ҳар томонга тарқалиб кетган эди. Бу хабар Амир Соҳибқироннинг шарафли қулоғига етгач, тўхтамасдан отланиб, хос лашкаридан ёнида ким бўлса, барисини тартибга солди ва бурғу чалиб (душманга) юзланди.³² Шомий таъкидлаганидек, қутилмаганда юзага келган хиёнат ва огир вазиятда Амир Темур қаътият билан жанг майдонига кириб келди ҳамда душманни мағлубиятга учратди. Бир икки кун ўтгач эса қалъадан элчи чиқиб, Хусайн Сўфининг вафот этганлини, унинг тахтига биродари Юсуф Сўфи ўтирганлигини билдириб сулҳ сўради. Сулҳга биноан Жанубий Хоразм (Кат шаҳри атрофлари) Чигатой улуси таркибига кўшиб олинди. Шунингдек, сулҳ шартига кўра, Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг набираси, Оқ Сўфининг қизи Хонзода бегим Амир Темурнинг катта ўғли Жаҳонгир мирзога турмушга берилиши керак эди.

Амир Темур Самарқандга қайтгач, Амир Кайхусрав хиёнати учун қатл этилди. Кайхусравнинг ўғли амир Муҳаммад, Хизр Яссаврийнинг ўғли Амир Исҳоқ ва Амир Маҳмудшоҳ Бухорийлар эса Амир Темурдан норози бўлиб Хоразмга қочиб кетдилар. Уларнинг маслаҳати билан Хоразм волийси Юсуф сўфи сулҳ шартларига риоя этмади ва Кат шаҳрини қайтадан босиб олди. Унинг фармонига кўра бу шаҳар вайрон қилиниб, аҳолиси тарқатиб юборилди.

Натижада яна уруш хавфи пайдо бўлди. Амир Темур Хоразмга юриш бошлаганда Юсуф сўфи яна сулҳ сўраб, Хонзода бегимни тўй сарполари билан Самарқандга жўнатишга розилик беради. Бу воқеалар Низомиддин Шомий талқинида 1374 йили март ойида, Шарафуддин Али Яздий баёнида эса 1373 йил январда бўлганлиги таъкидланади. Бизнинг фикримизча, 1373 йили

³² Низомиддин Шомий. Уша асар. Б. 93

Амир Темур юриш бошлаш учун кўшин тўплаган ва сулх музокаралари олиб борилиб, 1374 йили тўй бўлиб ўтган. Чунки ҳар иккала манба ҳам Жаҳонгир мирзо ва Хонзода бегимларнинг тўйи 1374 йили бўлиб ўтганлигини тасдиқлайди.

Тарихий манбаларда амир Темурнинг Хоразмга учинчи юриши нима сабабли юз берганлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Лекин бу юриш охирига етмаган. Чунки Амир Темурнинг Мўғулистон ҳукмдори Қамариддинга қарши юборилган Одилшоҳ жалойир бошчилигидаги 30 минг кишилик кўшини исён кўтаради ва Самарқандни қамал қилади. Натижада Амир Темур ортага қайтишга мажбур бўлган.

Амир Темурнинг Хоразмга тўртинчи юриши тўғрисида нашр этилган материаллар ичида Л.А.Зиминнинг мақоласи ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Муаллиф «Темурнинг Хоразмга тўртинчи юриши» мақоласида бу юришнинг сабаб ва оқибатлари ҳақида фикр юритади. Бу мақола «Туркестанские ведомости» газетасининг 1910 йил 266-сонида, тўпламнинг эса 545 жилдида чоп этилган. Л.А.Зимин 1378-79 йил кишида Темурнинг Ўтрордалигидан фойдаланиб, Хоразм ҳукмдори Юсуф Сўфи Бухоро атрофларига босқин уюштирганлиги, талаш мумкин бўлган ҳамма нарсани олиб кетганлиги, Темурнинг жўнатган элчиси Жаловотийни ҳибсга олганлигини баён қилади Шунингдек, Л.А.Зимин элчи ҳибсга олингандан сўнг вазиятни кескинлаштирмаслик мақсадида Амир Темур томонидан юборилган мактубга жавобан Юсуф Сўфий иккинчи маротаба Бухоро атрофидаги кўчманчиларни талон-тарож қилганлигига аҳамият беради. Муаллифнинг юқоридаги фикрлари тарихий манбаларда ҳам ўз аксини топган. Бу воқеалар ҳақида Шарафуддин Али Йаздий бундай ёзади: «Ул йилдаким, ҳазрат Соҳибқирон қишда Ўрусхон муқобаласида ўлтуруб эди, Юсуф Сўфий ҳеч андиша этмай фурсат топиб киши юбордиким, Бухорони чоптилар ва ҳар нимаким тобтилар, элттилар. Ҳазрат Соҳибқирон Жаловотийни элчиликка Юсуф Сўфий қошига юборди ва дедиким, «Қариндош бўлгондин муҳолифат қилмоқ яна не жиҳатдин турур?» Юсуф Сўфий элчини тутиб беркитди»³³.

³³ Шарафуддин Али Йаздий. Ўша асар. Б.85

Л.А.Зимин тарихий манбаларга таяниб, Хоразмга қилган тўртинчи юриш Хоразм ҳукмдори Юсуф Сўфийнинг босқинчилик ҳужумлари сабабли амалга ошганлигини ва унинг тўла тормор этилиши билан яқунланганлигини таъкидлайди.

Чиндан ҳам 1379 йили Амир Темур кўшинлари Урганчни 3 ой қаттиқ қамал қилдилар. Қамал вақтида Юсуф сўфи вафот этиб, шаҳар ҳам забт этилади. Юсуф сўфи вафотидан сўнг Хоразм ҳукмдорига айланган Сулаймон Сўфи Амир Темур ҳукморлигини тан олишга мажбур бўлади.

Мўлоҳаза юритинг: Маълумки, Амир Темур Хоразмни марказлашган давлат таркибига киритиш учун 18 йил кураш олиб борди ва бу ишни амалга ошириш учун жами 5 марта Хоразмга юриш қилди. Хоразм учун бундай узоқ муддатли ва кескин кураш кечишининг сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш зарурки, Хоразмнинг Амир Темур давлати таркибига кириши Оқ Ўрда давлати манфаатларига ҳам зид эди. Амир Темур Оқ Ўрда давлати билан муҳолифатда бўлиб Ўтрорда турган пайтда Юсуф Сўфининг Бухорога ҳужуми тасодифий бўлмай, гарчи манбаларда бу ҳақда маълумот бўлмаса-да, Оқ Ўрда ва Хоразм ҳукмдорларининг ўзаро келишувлари натижаси бўлса керак. Чунки, бундан ҳар иккиси ҳам манфаатдор эди. Амир Темур ёрдами билан дастлаб Оқ Ўрда, кейинчалик бутун Жўжи улуси ҳукмдорига айланган Тўхтамиш ҳам айнан шу сиёсатни давом эттирганлиги ҳам шунга далилдир.

Тўхтамишхон Хоразмни Олтин Ўрдага тегишли деб билиб, В.В.Бартольд ва А.Ю.Якубовскийлар таъкидлаганидек, 1383 йил бу ерда ўз номидан танга зарб қилдирган эди. Хоразм Тўхтамишхон учун Амир Темурнинг ҳам марказлаштирилган давлат тузиш, ҳам Эронни истило қилиш йўлидаги ҳаракатларига ҳалақит бериши мумкин бўлган қулай ҳудуд эди. Бу ҳақда Якубовский шундай фикр билдиради: «Сулаймон Сўфи қатъий равишда Тўхтамишхон тарафига ўтди. Темур бўлиб ўтган воқеаларни ҳисобга олиб, шунини яхши англадики,

Тўхтамиш факатгина унинг Эронга нисбатан босқинчилик ниятларига жиддий хавф тугдирибгина қолмасдан, балки Мовароуннахрни бирлаштириш ишига ҳам таҳдид солмоқда эди. Шунинг учун ҳам у Тўхтамишга қарши ҳал қилувчи ҳаракатларни бошлаш вақти тўла етилди, деб ҳисоблади. Темурнинг бу йўналишдаги биринчи қадами Хоразмга қисқа муддатли бешинчи юриши бўлиб, хоразмликлар ва уларнинг шоҳи Сулаймон Сўфини хиёнатлари учун жазолаш ниятида амалга оширилган эди»³⁴.

Ҳақиқатдан ҳам Хоразмга қарши амалга оширилган сўнгги ҳал қилувчи бешинчи юриш Сулаймон Сўфининг Олтин Ўрда ҳукмдори Тўхтамиш, Мўғулистон ҳукмдори Анқо Тўралар билан ҳамкорликда Мовароуннахрга қилинган босқинчилик ҳаракатларига адолатли жавоб эди. Гарчи Хоразм кўшинларининг Мовароуннахрга бостириб кирганлиги ҳақида манбаларда маълумот бўлмаса-да, Тўхтамиш кўшинларининг бир қисми Хоразм орқали Бухорога бостириб кирганлиги Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»да таъкидланади.

Амир Темур кўшинларининг келаётганлигини эшитган Сулаймон Сўфи ва Чингизхон авлодидан бўлган Илиғмиш ўғлонлар Хоразмни ташлаб қочиб кетади. Хоразм тўлиқ забт этилади ва Урганч шаҳри вайрон қилинади. Урганч шаҳри аҳолиси эса Самарқандга кўчирилади. Лекин орадан 3 йил ўтгач Амир Темур фармонида кўра Урганч шаҳри қайтадан обод қилинади. Шундай қилиб, Хоразм ҳам 1388 йили Амир Темур томонидан уюштирилган бешинчи юриш натижасида Мовароуннахр таркибига қўшиб олинади.

Мавзунни мустаҳкамлаш учун топшириқлар

Ушбу атама ва географик номларни изоҳланг: Дуғлат, Оксус, Манглай суба, Қошғар, Хўтан, Еркенд, Косон, Ахсикат, Андижон, Отбоши, Кавсан, илгор, Сирдарё, Хўжанд, Кеи, Хуросон, Жувайн бўлуки, Балх, Қундуз, Бадахшон, Вахи дарёси, Ҳиндикуш тоғлари, Туркман чўллари, Хива шаҳри, Сейистон, мекронликлар, сағзийлар, Тош кўприк, Тошарик, Тошкент, Лой жанги, Чинос, «яда» тоши, Амударё, сарбадор, Банд (баррикада), раият, тирандозлик, наддоф, Боглон, Афғонистон, Кониғил, Ғузур, Чакчак, Бухоро, Махон, Фарғона водийси, Ҳиндувон қатъаси, Қоратегин вилояти, геостратегик, «Йасси Дабон», доруга, Ўш тоғлари, суюрғол, холиса мулк, Туркистон, Ўтрор, Гулистон боғи, табиий-географик жойлашув, Хевак, Кот, закот, Тавочи, ногора, Урганч шаҳри

Ушбу тарихий шахслар ҳақида нималарни биласиз: Амир Бойдархон, Пўлодчи, Улуғ Темур, Ҳожибек, Беккичик, Болзид Жалойир, Ҳожи Барлос, Амир Балта, Жаку Барлос, Чугам Барлос, амир Ҳамидбек, Амир Хусайн, Кайхусрав Хутталоний, Тўқал, Алибек Жоникурбоний, амир Муҳаммад, амир Абу Саъид, амир Мангли Буга, амир Ҳайдарлар, Илёсхожагон, Қобулишоҳ ўғлон, Искандар ўғлон, Фасих Хавофий, амир Жунайд Бобур мирзо, Шингум Нўён, амир Шамсиддинбек, Амир Тилончи, амир Зиндачашм, Тобон Баҳодур, амир Малик, амир Ҳамди, Мавлонозода Самарқандий, Муиниддин Натанзий, Мавлоно Хўрдакий Бухорий, Амир Абдураззоқ, Амир Масъуд, Абубақр Калавий Наддоф, Амир Жақубек, амир Сайфиқдин, амир Оқ Буга, амир Элчи Баҳодур, амир Давлатишоҳ Баҳши, Ўлжой Туркон ога, Амир Мусабек, амир Шер Баҳром, амир Али Дарвеш Қора Ҳиндука Барлос, амир Малик Баҳодур, амир Маҳмудишоҳ, Баҳром жалойир, Малик Хусайн, Суюргатмишхон, Урусхон, Қамариддин, Одилшоҳ жалойир, амир Сари Буга, Умаршайх мирзо, Анқотўра, Хусайн Сўфи, амир Нонгадой, Ўзбекхон, Келдибек, Алфа Тавочи, Мавлоно Жалолиқдин Каши, Хонзода

³⁴ Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и её падение. -М.-Л., 1950. С.334.

бегим, амир Муҳаммад, Амир Исҳоқ, Л.А.Зимин, Жаловатий, Юсуф Сўфий, Сулаймон Сўфи, В.В. Бартольд, А.Ю. Якубовский.

Ушбу тарихий саналарда бўлиб ўтган воқеаларни аниқлаш ва уларни ёдда тутинг: 1348 йили, 1360 йили, 1361 йили, 1361 йилнинг баҳори ва ёзи, 1364 йили, 1365 йилнинг 22 май куни, 1365 йилнинг ёздан 1366 йили эрта баҳоригача, 1365-1366 йилларнинг қиши, 1366 йил кўклами, 1366 йили, 1366 – 67 йилнинг қиши, 1367-1368 йил қиши, 1368 йилнинг баҳори, 1368 йили, 1368-1369 йил қиши, 1369-1370 йилларнинг қиши, 1370 йилнинг баҳори, 1370 йилнинг 9 апрел, 1371-72 йиллар, 1375 йили, 1376 йили, 1387 йили, 1355-56 йиллар, 1361 йили, 1365-1366, 1371 йили, 1372 йилнинг баҳори, 1374 йили, 1378-79 йил қиши, 1379 йили, 1383 йили, 1388 йили

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ МЎҒУЛИСТОН ВА ОЛТИН ЎРДА ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ

Амир Темур давлатининг Мўғулистон давлати билан муносабатлари.

Мўғулистон давлати Чигатой улусининг бир қисми бўлиб, улар Мовароуннахр ҳудудларини забт этиш орқали Чигатой улусини тўлиқ қайта тиклашни даъво қилардилар.

Бу ўринда Туглуқ Темурхон ва Илёсхўжанин Мовароуннахрга уюштирган ҳарбий юришлари ва уларнинг оқибатларини ёдга олиш етарлидир. Бу юришлардан кўзланган асосий мақсад эса ўтроқ деҳқончилик ҳудудларини талон-тарож қилиш ва катта бойлик ҳамда яйловларга эга бўлиш эди. Тошкент воҳаси ва Фарғона водийси мўғул қабилалари доимий талон-тарож қиладиган ҳудудга айланиб қолган эди.

Амир Темур ҳам Мовароуннахрда мустақил давлат барпо этгач, тахтга Чигатой авлодидан сохта хонларни ўтказиш орқали Чигатой улусини қайта тиклашни даъво қилиб чиқди. Унинг мақсади ҳам Чигатой улусини қайта тиклаш ниқоби остида Мўғулистон давлатини тугатиш эди. Чунки бу кўчманчи давлатнинг мавжудлиги Мовароуннахрни доимий ҳарбий босқинлар хавфи остида қолдирар, Тошкент воҳаси ва Фарғона водийси аҳолисининг тинч ҳаёт кечиришига йўл қўймас, бу ҳудудларнинг ижтимоий иқтисодий тараққиётига катта зарар келтирар эди. Мовароуннахрда марказлашган давлат тузулишидан манфаатдор бўлмаган мўғул хонлари турли баҳоналар билан Мовароуннахрнинг ички ишларига аралашар ва бу ердаги марказлаштириш ҳаракатининг рақибларини қўллаб қувватлар эди.

Шунингдек, Мўғулистонни забт этиш ёки ҳеч бўлмаганда қарам давлатга айлантириш орқали у ерда тинчликни таъминлаш Буюк Ипак йўлининг Хитойга борадиган тармоқларида тинчлик ва хавфсизлик ўрнатилишининг кафолати ҳам эди. Мўғулистонда барқарор тинчликни мавжуд эмаслиги ҳам савдо алоқаларининг тараққиётига катта зарар келтираётган эди.

Мулоҳаза юритинг: Амир Темурнинг Мўғулистонга қарши

олиб борган ҳарбий юришлари замирида яна қандай мақсадлар бор эди?

Бу масалалар бир неча олимлар томонидан ўрганилган ва уларда турлича фикрлар билдирилган. Амир Темурнинг чўл зоналарига қилган юришларидан мақсадлари ҳақидаги Бартольднинг қарашлари эътирозга лойиқдир. Унинг фикрича, Амир Темурнинг истилочилик интилишлари «Маданий Олд Осиё томон қаратилган бўлиб, мазкур ерларда ўз ҳокимиятини муштахкамлаш учун зарур чоралар кўрди, у ерлардан ўз оила аъзоларига мулклар ажратди; унинг чўл вилоятларга юришлари фақатгина босқин характерида бўлди».³⁵ В.В. Бартольднинг сўнгги хулосасига қўшилиб бўлмайди, чунки чўл минтақаси ҳисобланган Олтин Ўрда ҳукмдори Тўхтамишхон устига қилинган юришлар Амир Темур давлати учун иқтисодий ва сиёсий зарурият эди. Соҳибқироннинг Олтин Ўрдага қилган юришларининг асосий мақсади фақат босқин қилиб, ўлжа олиш эмас, балки Олтин Ўрдани сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан заифлаштириш бўлган.

Яна бир чўл минтақаси ҳисобланган Мўғулистонга қилинган юришларни ҳам олиб кўриш мумкин. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Амир Темур Олтин Ўрда ва Мўғулистонга уюштирган деярли барча юришларига уларнинг Мовароуннаҳр ишларига аралашуви ёки талончилик ҳужумлари сабаб бўлган эди. В.В. Бартольд Темур давлати ва Мўғулистон ўртасидаги муносабатларни чуқур ўрганганлиги ва ўзининг асарларида бу масалага катта ўрин берганлигини таъкидлаб ўтиш керак. У Амир Темурнинг Мўғулистонга қилинган юришларини кенг баён қилади. Бу юришларда Соҳибқироннинг асосий мақсади Фарғона водийси ва Тошкент атрофида хавфсизликни таъминлаш ва бу вилоятларга мўғулларнинг тез-тез бўлиб турган талончилик ҳужумларига чек қўйиш бўлганлигини кўрсатади. Бунинг учун Амир Темур Мўғулистонни заифлаштириши ва бу ерда ўзига хайрихоҳ бўлган кучларни ҳокимиятга олиб чиқиши керак эди. Чиндан

³⁵ Бартольд В.В. Сочинения. Т.2. Ч.1. -М., 1963. С.266.

ҳам Амир Темур бу мақсадларга эришди ва Мўғулистон хони Хизр Ҳожанинг қизи Тўқал оғага уйланди. Амир Темурнинг Мўғулистонга нисбатан қўлланган бу сиёсати кейинчалик Улуғбек ва Абусаид мирзолар томонидан ҳам давом эттирилган. Лекин шу ўринда фақатгина Фарғона ҳокими Искандар Мирзонинг 1399 йили Мўғулистон хони Хизр хўжанинг вафотидан хабар топиб, у ерга қилган ҳарбий юриши босқинчилик характерида бўлганлигини айтиб ўтиши зарур. Айнан шу қилмиши учун Искандар мирзо Амир Темур томонидан қаттиқ жазоланган эди.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, В.В. Бартольднинг Амир Темурнинг чўл вилоятларига қилган юришлари фақатгина босқин характерида бўлди, деган фикрлари мунозаралидир.

Мўғулистонга қилинган ҳарбий юришлар ва уларнинг натижалари.

Аввал ҳам таъкидланганидек, 1371 йили Амир Темур икки марта Мўғулистон томон лашкар тортади. Биринчи юриш аслида Тошкент воҳасидаёқ якунига етди. Амир Темур кўшинлари Сирдарёдан ўтиши билан Тошкент воҳасидаги Кумуз ва Ўрнак Темур бошчилигидаги қабилалар Соҳибқирон ҳукмронлигини тан олди. Амир Темур Кўппак Темурни забт этилган ҳудудлар ҳокими этиб тайинлаб ортга қайтиши билан исён бошланди. Исённи бостириш учун юборилган кўшин эса бир неча жанглардан сўнг сулҳ тузиб ортга қайтди.

Мулоҳаза юритинг: Амир Темурнинг 1371 йилги юриши Тошкент воҳасидаёқ якунига етган бўлса-да, нима учун бу йилдаги икки юриш ҳам Мўғулистон юриши деб аталган?

Албатта, бу ҳолат Амир Темурни қониқтирмас эди. Шунинг учун яна юриш бошланди. (Бу юришни Б. Аҳмедов 1374 йили бўлиб ўтганлигини таъкидлаган бўлса-да, Низомиддин Шомий ва Яздийда бу юриш ҳам 1371 йили бўлиб ўтганлиги ҳақида маълумот берилгани учун биз ҳам ушбу санани бердик.) Бу сафар Соҳибқирон кўшинлари Сайрам ва Янги шаҳарларини ҳам

забт этиб, Оқ Ўрда ва Мўғулистон чегараларигача бордилар. Лекин бу сафар ҳам амирлар хиёнати ҳалақит берди. Амир Мусабек, Амир Зинда Чашм ва Хизр Яссаурийнинг ўғли Амир Исҳоқлар ўзаро кенгашиб, Ўтрор яқинидаги Қора Самон мавзейида Амир Темурга суиқасд қилишга қарор қилдилар. Лекин сир фош этилгач, Амир Темур фақат қайта хиёнат қилганлиги учун Зинда Чашмни жазолаб, қолганларни кечирди.

1375 йили Амир Темур учинчи бор Мўғулистон юришини бошлади. Бу юриш асида Амир Темур қўшинларининг биринчи бор Мўғулистон ҳудудларига кириб бориши эди. Соҳибқирон қўшинлари Тошкент воҳаси ва Жанубий Қозоғистон орқали Еттисувга ва ундан Шарқий Туркистон ерларига кириб борди. Қатор жангларда Мўғулистонда ҳокимиятни қўлга олган дуглат қабиласидан бўлган саркарда Қамариддин қўшинлари тор-мор этилди. Амир Темур шу юришдан қайтишда биринчи бор Фарғона водийсига қадам босди.

Бу юришдан манфаатдор бўлмаган Хўжанд ҳокими Одилшоҳ бошлиқ бир гуруҳ амирлар Хўжанд шаҳрида Амир Темур шарафига уюштирилган зиёфатда унга қарши суиқасд қилишга қарор қилдилар. Суиқасд амалга ошмагач, кейинги йили Хўжанд ҳокими Одилшоҳ ҳамда Андижон доруғаси Ҳамди ва Сари Буғалар Амир Темурнинг Хоразмда бўлганлигидан фойдаланиб, исён кўтардилар ва Самарқандга ҳужум қилдилар. Соҳибқирон исённи бостириб, уларнинг мулкани тортиб олди. Амир Темурдан мағлуб бўлиб, аввал Оқ Ўрдага, сўнгра Мўғулистонга қочиб борган исёнчилар Қамариддинни Фарғонага ҳужум қилишга ундайдилар. Қамариддиннинг ҳужуми пайтида Умаршайх мирзо қўшинининг бир қисми душман томонга ўтиб кетади, унинг ўзи эса Андижон шаҳрида қолишга журъат этмай, Ўш тоғларига яширинади. Фақат Амир Темур етиб келгандан сўнг аҳвол ўнгланди. Андижонга етиб келган амир Темур ўз қўшинлари билан Қамариддинни таъқиб эта бошлади. Чекинаётган Қамариддин ортидан бутун қўшин жўнатилган бўлиб, Амир Темур ҳузурида фақат 200 киши қолган вақтда таъқибчиларни чалғита олган Қамариддин 4 минг аскар билан Соҳибқирон ўрдусига ҳужум қилади. Лекин Соҳибқироннинг шахсий жасоратидан

илҳомланган оз сонли аскарлар Қамариддиннинг катта лашкарини тор-мор келтирадилар.

Бу сафар Амир Темур қўшинлари Мўғулистон ерларига ичкари кириб бормайдилар. Катта ўғли Жаҳонгир мирзонинг бетоблигидан хавотир олган Соҳибқирон тез ортга қайтади. Лекин у Самарқандга етиб борганда Жаҳонгир мирзо вафот этган эди.

Шундан сўнг Амир Темур иккинчи ўғли Умаршайх мирзо ва йирик амирлардан Оқ буго Баҳодир, Хитой Баҳодирлар бошчилигида Мўғулистонга қўшин жўнатди. Бу лашкар Қамариддин қўшинларини яна тор-мор келтириб қайтиб келди.

Амир Темур шу йили яна Мўғулистон юришига отланди. (Бу юришни Б. Аҳмедов 1377 йилнинг баҳорида бўлганлигини таъкидлайди. Лекин Низомиддин Шомий ва Яздий ҳам уни шу йили, яъни 1376 йили юз берганлигини таъкидлашгани учун биз ҳам ушбу санани тўғри деб ўйлаймиз). Мазкур юриш ҳукунига етмайди. Гарчи Амир Темур қўшинлари Мўғулистон ҳудудларининг ичкарисига етиб бориб Кўчқор мавзейигача (Қирғизистон Республикасидаги ҳозирги Қочқорка шаҳри) етиб борган бўлсалар-да, Оқ Ўрда шахзодаларидан Тўхтамиш ўғлоннинг ёрдам сўраб келаётганлигидан хабар топган Соҳибқирон ортга қайтишга буйруқ беради. Охириги уч юриш (1-юриш Қамариддинни Фарғонадан қувиб чиқариш учун бошланиб, Жаҳонгир мирзо вафотига қадар, 2 – юриш Жаҳонгир мирзо вафотидан сўнг Умаршайх мирзо бошчилигидаги, 3- юриш Соҳибқирон бошчилигида Кўчқор мавзейига қадар етиб борилган. Шарафуддин Али Яздий айнан шу юришни бешинчи юриш деб ҳисоблаган бўлса-да, Б. Аҳмедов уни тўртинчи юришга қўшиб юборди.) бир йилда яъни 1376 йили содир бўлганлиги учун тўртинчи юриш деб ҳисобланади.

Умуман олганда, ушбу юришлар Мўғулистондаги Қамариддин қудратини синдирди ва Мўғул қабилаларининг Тошкент ҳамда Фарғона ҳудудларига қиладиган босқинчилик юришларига вақтинчалик бўлса-да чек қўйди.

Б. Аҳмедов 1383 йили амалга оширилган ҳарбий юришни бешинчи юриш деб ҳисоблайди. Бу юришда Соҳибқирон шахсан иштирок этмаган. Дастлаб Амирзода Али бошчилигида Қама-

ридин устига қўшин жўнатилади. Лекин бу қўшин Қамариддин томонидан тор-мор этилгач, Сайфулбек, Аталмиш ва Аргуншоҳ бошчилигида янги лашкар жўнатилади. Кўп ўтмай уларга ёрдам учун Амир Жаҳоншоҳ бошчилигида янги қўшин жўнатилади. Темурий амирлар бу сафар Иссиқкўл шарқидаги Кўктепагача етиб бордилар. Лекин бу сафар ҳам Қамариддин асир олинмайди.

Мўғулистон билан навбатдаги уруш 1387 йили бўлиб ўтди. Шу йили мўғуллар Тўхтамишхон билан иттифоқ тузиб Тошкент ва Сайрамга бостириб кирдилар. Кўп ўтмай уларнинг яна бир гуруҳи Шарқий Туркистон орқали Фарғона водийсига бостириб кирди. Фарғона ҳокими Умаршайх мирзо уларни мағлубиятга учратиб ҳайдаб юборишга эришди.

Қўшимча ўрганинг: *Мўғулистоннинг яна бир йирик амири Анка тўра ҳақида яна нималарни биласиз?*

Амир Темур Тўхтамишга қарши юриш бошлашдан аввал Мўғулистон масаласини ҳал қилишни зарур деб топди. 1389 йили Амир Темурнинг Мўғулистон худудига янги катта юриши бошланди. Бу юриш олтинчи юриш бўлиб, унда Соҳибқирон қўшинлари деярли бутун Мўғулистонни кезиб чикдилар. Айнан шу юриш натижасида Мўғул саркардаларидан Анка тўра ва Қамариддинларнинг қудрати тўлиқ синдирилди.

Амир Темур 1390 йили еттинчи марта Мўғулистон томон катта қўшин жўнатди. Бу гал ҳам мўғул қўшинлари тор-мор келтирилди. Лекин Қамариддин ва Анка Тўрани асир олишнинг иложи топилмади. Шунга қарамай, ушбу юришлардан сўнг улар бутунлай сиёсий ва ҳарбий фаолиятда кўзга кўринмадилар. Тарихий манбаларда улар ҳақида маълумотлар берилмаган.

Умаршайх мирзодан сўнг Фарғона вилоятининг ҳокими бўлган унинг ўғли Искандар мирзо 1399 йили Олий ҳокимият руҳсатисиз Мўғулистондаги ички низолардан фойдаланиб, бу давлат худудига хужум уюштиради. Искандар мирзо катта галабаларга эришган бўлса-да, бу ҳаракати учун қаттиқ жазоланади ва водийни бошқариш вақтинчалик амирлар зиммасига юклати-

либ, давлатнинг холиса мулки таркибига киритилади. Кўп ўтмай, 1404 йили Амир Темур Хитой юришини бошлаш арафасида Фарғона водийсини Шарқий Туркистон билан бирга Шохруҳ мирзонинг учинчи ўғли Иброҳим султонга, Мўғулистон қолган қисми эса Улуғбек мирзога суюрғол қилиб берилади. Лекин Амир Темур вафоти бу режаларнинг амалга ошишига тўсқинлик қилди.

Умуман олганда, Амир Темур томонидан Мўғулистонга қарши олиб борилган ҳарбий юришлар натижасида ушбу давлатнинг ҳарбий қудрати синдирилди ва унинг Мовароуннаҳрга, айниқса, унинг шарқий қисмидаги Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсига бостириб киришига бутунлай чек қўйилди. Бу эса ушбу худудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига жуда катта ижобий таъсир ўтказди.

Тўхтамишхоннинг Оқ Ўрда тахтини эгаллаши.

Амир Темур ҳокимиятни эгаллаган дастлабки йиллардан бошлаб Оқ Ўрдадаги сиёсий вазиятни доимий равишда диққат билан кузатиб борган. Чунки Оқ Ўрдада Урусхоннинг нисбатан кучли ҳокимияти ўрнатилган бўлиб, Мовароуннаҳр худудларининг хавфсизлиги кўп жиҳатдан Дашти Қипчоқдаги сиёсий вазиятга ҳам боғлиқ эди. 1376 йили Манғишлоқ ярим оролининг ҳокими Тўйхўжанинг Урусхон томонидан ўлдирилиши натижасида унинг ўғли Тўхтамишнинг Амир Темурдан мадад сўраб келиши Соҳибқирон учун айна муддао эди. Амир Темур Тўхтамиш орқали Оқ Ўрдадаги сиёсий вазиятни назорат қилиб боришни режалаштирган ҳолда уни тахтни эгаллаш учун Урусхонга қарши олиб борган ҳаракатларини доимий қўллаб қувватлади. 1376 йили Тўхтамиш Амир Темур томонидан берилган қўшин билан Саброн ва Сигноқ шаҳарларига етиб келади. Амир Темур бу икки шаҳарни Тўхтамишга инъом этган бўлиб, у шу қалъаларга таянган ҳолда ўз ҳокимиятини барпо этиши зарур эди.

Дастлабки тўқнашувдаёқ мағлуб бўлган Тўхтамишни Соҳибқирон қайта қуроллантириб яна Сабронга жўнатди. Афсуски, иккинчи жанг ҳам Тўхтамишнинг тўла мағлубиятга

учраши билан тугади. Амир Темур томонидан қўйилган махсус одамларгина уни ўлимдан сақлаб қолди. Шундан сўнг Урусхон Тўхтамишни талаб қилиб Амир Темур ҳузурига элчи жўнатди. 1376 йилнинг қишида Соҳибқирон Тўхтамишни душманга беришдан бош тортган ҳолда ўзи Оқ ўрдага юриш бошлади. Лекин бу юриш урушга етиб бормади. Урусхоннинг вафоти натижасида Амир Темур Ўтрор ва Сигноқ атрофларини душмандан тозалаш билан чекланиб, 1377 йилнинг мартада ортга қайтди. Амир Темур қайтиши билан Тўхтамиш яна мағлубиятга учраб Самарқандга етиб келди. Бу сафар Тўхтамишни ўлимдан Амир Темур томонидан совға қилинган Ханг Ўглақ номли от сақлаб қолди. Амир Темур Тўхтамишни яна қайтадан журуллантириб ўз амирларини қўшган ҳолда Дашти қипчоққа жўнатди. Натижада Тўхтамиш Сигноқ шаҳрини эгаллашга эришди. Кўп ўтмай, Амир Темур ҳузурига Оқ ўрданинг йирик саркардаларидан Ўрунг Темур келиб Урусхоннинг ўғли Темур Малик доимий маишатбозлик билан бандлиги Тўхтамишнинг ҳокимиятни эгаллаши учун қулай шароит келганлиги ҳақида хабар беради. Шундан сўнг Амир Темур фармонига кўра, 1379 йили Тўхтамишхон Дашти Қипчоқ томон юриш бошлайди ва ғалаба қозониб, Оқ ўрда тахтини эгаллади. 1380 йили Олтин Ўрда ҳукмдори Мамайнинг Куликово жангидаги мағлубиятидан фойдаланган Тўхтамиш Жўжи улусининг Ғарбий қисмини ҳам бўйсундиришга эришди.

Мулоҳаза юритинг: Амир Темур Тўхтамишхонни Оқ ўрда тахтига чиқариш орқали қандай мақсадларга эришни кўзда тутган деб ўйлайсиз?

Амир Темурнинг 1376 йилдан бошланган Тўхтамишхонни Оқ ўрда тахтига чиқариш ва у орқали шимолдан Мовароуннаҳрга қўшни бўлган кўчманчи давлатда ўзига содиқ шахснинг тахтда ўтиришига эришиш орқали ўз ватани хавфсизлигини таъминлашни, кўчманчиларнинг талон-тарождарига чек қўйишни мақсад қилган ҳаракати 1379 йилигина ўз натижасини берди. Лекин Тўхтамишхоннинг 1380 йили Олтин Ўрда тахтини

ҳам қўлга киритиб, Жўжи улусини тўлиқ қайта тиклаши Амир Темурнинг режаларида йўқ эди. Натижада яқин келажакда икки иттифокчининг ўзаро рақибга айланиш хавфи кучая бошлади. Бу ҳар икки буюк давлатнинг геостратегик мақсадлари билан боғлиқ эди.

Олтин Ўрда давлати билан низоларнинг пайдо бўлиши.

Аввало шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, Амир Темур ва Тўхтамишхон муносабатлари, Олтин Ўрда ва Мовароуннаҳр давлатларининг ўзаро тўқнашувларининг келиб чиқиш сабаблари масаласи кўплаб тарихчи олимлар томонидан ўрганилган. А.Ю. Якубовский ҳам Амир Темур ва Тўхтамишнинг ўзаро муносабатлари мавзусига ҳам кенг тўхталади. Аввало, муаллиф Соҳибқирон Оқ ўрда ва Мўғулистондаги сиёсий воқеаларни ўз ҳокимиятининг дастлабки йиллариданок диққат билан кузатиб борганлигини, ўз мамлакатини хавфсизлигини кўзлаб Оқ ўрда тахтининг даъвогари Тўхтамишхонни қўллаб-қувватлаганини таъкидлайди. Аввал Оқ ўрда, сўнгра бутун Жўжи улуси устидан ҳукм юритишга эришган Тўхтамишхон валинеъмат Амир Темурга ҳам қарши чиқа бошлади. Бу ҳақда А.Ю. Якубовский шундай деб ёзади: «Темур Тўхтамишни нимага тайёрлаган бўлса, у шунинг аксини килаётган эди. Тўхтамиш Олтин Ўрдани Ўзбекхон (1312-1340) даврининг энг яхши кунларига қайтаришга уриниб, Олтин Ўрда ҳудудини кенгайтириш учун қатор юришлар бошлади, шу жумладан, Кавказорти ва Озарбайжонга ҳам... Тўхтамишнинг буюк давлатчилик сиёсати Темурнинг Мовароуннаҳрда ўсиб бораётган давлати учун номақбул эди. Темур фаолиятига Тўхтамиш фақат ғов бўлиб қолмасдан, айтилиши вақтда Темурнинг Мовароуннаҳрдаги давлатига ўзининг моҳияти жиҳатидан тўла қарама-қарши бўлган давлатнинг манфаатларини ифода этарди»³⁶. А.Ю. Якубовскийнинг юқоридаги фикрларига шуни қўшимча қилиш мумкинки, Амир Темур давлати ва Олтин Ўрда ўртасидаги

³⁶ Якубовский А.Ю. Темур: Опыт краткой политической характеристики // Вопросы истории - М., 1946. № 8-9. С. 62

манфаатлар тўқнашуви, асосан, уч ҳудудда юз берган эди. Булар Озарбайжон (ҳозирги Озарбайжон Республикаси ва Шимолий Эрон), Хоразм ва Сирдарё бўйи ҳудудларидир. Маълумки, бу пайтда Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғи тўлиқ Олтин Ўрда ихтиёрида бўлиб, Тўхтамишхоннинг Озарбайжонни қўлга киритиши бу йўлнинг жанубий тармоғини ҳам Олтин Ўрданинг назоратига ўтишига олиб келарди. Бу эса Мовароуннахрнинг Европа ва Яқин Шарқ мамлакатлари билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларини фақат Олтин Ўрда ҳудудлари орқали олиб боришга мажбур қиларди. Олтин Ўрдага стратегик жиҳатдан жуда катта устунлик берадиган бу режани амалга оширилиши Амир Темур давлатининг бундан кейинги ривожланишига салбий таъсир қилиб, Европага чиқиш йўлидаги умидларини пучга чиқариши аниқ эди. Шунинг учун ҳам Амир Темур бунга асло йўл қўя олмас эди. Аслида Тўхтамишхоннинг Озарбайжонга нисбатан тутган сиёсати Олтин Ўрда давлатининг ташқи сиёсатида янгилик эмас. Дастлаб Олтин Ўрда хони Беркахон Озарбайжонни босиб олишга интиланган. У шу мақсадда шахзода Буқони катта қўшин билан Озарбайжон томонга равона қилади. Лекин Дашти Қипчоқ қўшини Элхонийлар лашкарларидан тўла мағлуб бўлади. Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» асарига ёзилишича, «Бу хабар Баракахонга етиб боргач, уч юз минг отлик қўшини билан ўзи Эронни забт этиш учун отланди ва Дарбанддан ўтиб Курд суви қирғоғида отини жоловини тортди. Абакахон ҳам ҳисобсиз лашкар билан сувнинг бу қирғоғига келиб тушди. Бир неча кундан сўнг Баракахон Тифлис томонга йўл олди. Кўприкдан ўтаётганда тасодифан ажал сайёди пистирмадан отилиб чиқиб, жонининг қушини қилич даҳшатининг тўри билан сайд этди. Лашкари тарқалиб кетиб, ўз уй-жойларига равона бўлдилар»³⁷.

Шундан сўнг, иккинчи бўлиб, бу ишга Олтин Ўрданинг энг қудратли ҳукмдори бўлган Ўзбекхон киришди. Лекин у ҳам Дарбандни эгаллаш ва унинг атрофини талон-тарож қилиш билан чекланиб орқага қайтишга мажбур бўлди.

Мулоҳаза юритинг: Амир Темур ва Тўхтамишхон томонидан олиб борилган ўзаро қурашнинг яна қандай сабаблари бор деб ўйлайсиз?

Учинчи марта Озарбайжонни босиб олиш учун Ўзбекхоннинг ўғли Жонибекхон ҳаракат қилди. Унинг ўзи катта лашкар билан Озарбайжон томон йўлга чиқиб, Элхонийларнинг Малик Ашраф бошчилигидаги қўшинларини тор-мор этди. Малик Ашрафни қатл этиб, Озарбайжонни қўлга киритган Жонибекхон, ўғли Бердибекни Табризга ҳоким этиб тайинлаб, ўз юртига қайтди. Лекин кўп ўтмай, Жонибек вафот этгач, Бердибек ҳам отасининг тахтини эгаллаш учун Дашти Қипчоққа қайтиб кетди. Шундай қилиб, Олтин Ўрданинг Озарбайжонни босиб олиш йўлидаги дастлабки уч уриниши натижасиз тугади. Демак, Тўхтамишхон бу ишни амалга оширишга уринган тўртинчи Олтин Ўрда ҳукмдори эди.

XIV асрнинг 80-йилларида Эроннинг шимолий-шарқий ҳудудларини бирин-кетин Амир Темур томонидан забт этилиши Тўхтамишхонни ташвишга солиб қўйди. У Амир Темурнинг Европа ва Яқин Шарққа чиқиш йўлларини кесиб ташлаш мақсадида Сохибқирондан илдамроқ ҳаракат қилиб, Озарбайжоннинг бош шаҳри Табризни эгаллашга интилди. Тўхтамишхоннинг бу ҳаракатини М. Абдураимов Хоразми 1379-80 йилларда Темур томонидан забт этилгани учун қасос олишга интилиш, деб баҳолайди. Бу пайтда Табриз шаҳри Бағдод ҳокими Султон Аҳмад Жалойирга бўйсунар эди. Айнан шу ўринда А.Ю. Якубовскийнинг қуйидаги жуда қизиқарли фикрларига эътиборни қаратиш жоиздир: «Ўзининг ҳукмдори Султон Аҳмаднинг талон-тарожлари ва зўравонликларидан азият чеккан Табриз аҳолиси Темур агентлари томонидан маҳорат билан олиб борилган тарғиботни қабул қилиш учун яхши замин эди. Табризда зодагонлар орасида Ўрта Осиёлик ҳукмдорнинг тарафдорлари анча кучли партия эканлиги аён бўлди. Темур ўзининг бундай шуҳратидан яхши хабардор эди ва олдиндан галабага тўла ишониб, Султон Аҳмад билан тўқнашишга тайёргарлик кўрарди. Рақиблар қўшини ўртасидаги

³⁷ Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи - Т.: Чўлпон, 1994. Б. 243.

жанг 1385 йилда Султония яқинида юз берди. Темур голиб чиқди, аммо муҳимроқ иш унинг диққатини бошқа томонга тортди ва у Табриз сари юрмади, ваҳоланки, Табриз зодагонлари ўртасидаги тарафдорлари уни шунга кўндирмоқчи эдилар»³⁸.

Мулоҳаза юритинг: Нима учун Табриз шаҳри аҳолиси ўртасини Амир Темурнинг нуфузи ҳали у бу ерни забт этмасдан олдиноқ баланд эди?

Амир Темур султон Аҳмад Жалойирни енгиб, Султонияни эгаллагач, Тўхтамишхон тезроқ Табризни босиб олишга қарор қилди. Дашти Қипчоқ лашкари Табризни эгаллаб, уни икки кун талон-тарож қилгач, ортга қайтди. Бу воқеа Амир Темурни жуда ташвишга солиб қўйганлиги ҳақида Шарафиддин Али Яздий шундай ёзади: «Бу хабар ҳазрат, соҳибқиронга етди, мусулмонлар учун кўнгли асру малул бўлди ва бу жиҳатдин Эрон вилоятининг забтига хотирин қўйиб вожиб кўрдиким, ул вилоятларни забт қилгайким, мундай нари анга йаағи кирмагай. Анинг учунким, Эрон вилоятида андоқ подшоҳким Эрон вилоятини забт қилгай, йўқ. Ва бир неча подшоҳиким бор эди, барчаси бир-бирига йаағи эрдилар, бир-биридан қўркиб, вилоятларидан чиқа олмас эдилар. Анинг учун мундоқ балолар раъият ва фақир мискинга тегар эрди».³⁹

Чиндан ҳам кўп ўтмай, Табриз Соҳибқирон кўшинлари томонидан эгалланди. Шундан сўнг у ерда ҳаёт кўп ўтмай ўз изига тушганлигини Низомиддин Шомий таъкидлаб ўтади. Унинг ёзишича: «Маълум бир муддатгача қуббат ул-ислом бўлмиш Табриз шаҳри хароб, нообод, равнақсиз ва кимсасиз қолди. Лекин Амир Соҳибқироннинг ёсоқ ва адолатли баракотидан яхшиланиб, Амирнинг адлу додхоҳлиги соясида мазлум халқ яна манзилларига қайтиб, ҳаёт кечира бошладилар»⁴⁰.

Маълумки, Амир Темур ва Олтин Ўрда давлати манфаатлари

³⁸ Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и её падение. -М.-Л., 1950. С.330 - 331.

³⁹ Шарафуддин Али Яздий. Уша асар. Б.106

⁴⁰ Низомиддин Шомий. Уша асар. Б. 133

тўқнашган ҳудудлардан бири - Хоразмнинг шимолий қисми, Жўжи улусига, унча катта ҳудудни ташкил этмаган жанубий қисми Чигатой усулига тегишли эди. XIV аср ўрталарига келиб Шимолий Хоразмда ҳукмронлик қилган Сўфилар сулоласи воҳанинг жанубини ҳам ўзига бўйсундириб, мустақил давлат тузганди. Кейинчалик Амир Темур Хоразмни Мовароуннаҳрнинг таркибий қисми, деб ҳисоблаб, ўлкани ўзига вассал сифатида бўйсундирди. Тўхтамишхон эса Хоразмни Олтин Ўрдага тегишли деб билиб, В.В. Бартольд ва А.Ю. Якубовскийлар таъкидлаганидек, 1383 йил бу ерда ўз номидан танга зарб қилдирган эди. Хоразм Тўхтамишхон учун Амир Темурнинг ҳам марказлаштирилган давлат тузиш, ҳам Эронни истило қилиш йўлидаги ҳаракатларига ҳалақит бериши мумкин бўлган қулай ҳудуд эди. Бу ҳақда сўз бораркан Якубовскийнинг аввал ҳам тўхталганимиз, қуйидаги фикрига яна бир бор эътибор қаратиш зарур: «Сулаймон Сўфи қатъий равишда Тўхтамишхон тарафига ўтди. Темур бўлиб ўтган воқеаларни ҳисобга олиб, шунини яхши англадики, Тўхтамиш фақатгина унинг Эронга нисбатан босқинчилик ниятларига жиддий хавф туғдирибгина қолмасдан, балки Мовароуннаҳрни бирлаштириш ишига ҳам таҳдид солмоқда эди. Шунинг учун ҳам у Тўхтамишга қарши ҳал қилувчи ҳаракатларни бошлаш вақти тўла етилди, деб ҳисоблади. Темурнинг бу йўналишдаги биринчи қадами Хоразмга қисқа муддатли бешинчи юриши бўлиб, хоразмликлар ва уларнинг шоҳи Сулаймон Сўфини хиёнатлари учун жазолаш ниятида амалга оширилган эди»⁴¹. Юқорида келтирилган иқтибосдан шундай хулоса чиқариш мумкинки, А.Ю. Якубовский Темур ва Тўхтамишнинг ўзаро муносабатларида Хоразмнинг тутган ўрнини жуда тўғри кўрсатиб ўтади.

Ўзаро манфаатлар тўқнашган ҳудудлардан яна бири Сирдарё бўйидаги шаҳарлар бўлиб, бу ҳудудлар Тўхтамишхон кўшинлари учун Мовароуннаҳрнинг ички ҳудудларига хужум қилиш, деҳқончилик воҳаларини талаш йўлида плацдарм

⁴¹ Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и её падение. -М.-Л., 1950. С.334.

вазифасини ўтаса, Амир Темур учун ўз давлатининг ички хуудларини ҳимоя қиладиган мудофаа девори сифатида муҳим эди. Шу мақсадда Амир Темур бу ердаги шаҳарларни ҳарбий жиҳатдан мустаҳкам қалъаларга айлантирган. А.Ю. Якубовский Тўхтамишнинг 1387-88 йилги Мовароуннаҳрга қилган юриши ҳақида ёзаркан, чегарадаги Саброн шаҳрини жуда мустаҳкам бўлгани учун Тўхтамишхоннинг жуда кўп сонли кўшинлари штурм билан эгаллай олмаганлигини таъкидлаб ўтади. Амир Темур Тўхтамишхонга қарши уюштирган 1389 ва 1391 йилги юришлари натижасида бу хуудларни ҳам ўз давлати таркибига узил-кесил қўшиб олди.

Кўшимча ўрганинг: *Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида 1387-1388 йилларда Саброн шаҳрини Тўхтамишхон кўшинлари томонидан қамал қилиниши билан боғлиқ яна қандай маълумотлар бор?*

А.Ю. Якубовскийнинг ёзишича, Тўхтамишхон Амир Темур билан иложи борича тезроқ тўқнашишга интилган бўлса, Соҳибқирон эса аксинча, тўқнашувни пайсалга солган. Буни у 80-йилларининг биринчи ярмида Тўхтамишхон Амир Темурдан ҳарбий ва моддий ресурслар жиҳатидан яққол устун бўлганлиги билан изоҳлайди. Чиндан ҳам 80-йилларнинг иккинчи ярмига келиб Эрон ва Озарбайжонда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олгачгина Амир Темур Тўхтамишхонга қарши кураш бошлаш учун етарли имкониятга эга бўлади.

Мулоҳаза юритинг: *Тўхтамиш нима учун Амир Темур билан тўқнашишга шошилган, Амир Темур эса, аксинча, ўзаро тўқнашувни имкон қадар кечиктиришга ҳаракат қилган?*

Н.М. Карамзин Амир Темурнинг истилочилик юришлари сабаблари ҳақида кенг мулоҳаза юритмаган бўлса-да, унинг куйидаги фикри аҳамиятга молик. Н.М. Карамзин бундай ёзади: «Тўхтамиш нонкўрларча Амир Темурнинг кудратли салтанати билан жангга киришди, уни Эрон чегараларига келишга мажбур

қилди». Бу ўринда муаллиф Тўхтамишхоннинг Табриз шаҳрига ҳужумини назарда тутган бўлиб, бу ҳужум Шарафиддин Али Яздийнинг таъкидлашича, Амир Темурнинг дастлабки йирик ҳарбий юриши ҳисобланган- «уч йиллик» юришининг бошланишига сабаб бўлган. Демак, тарихий манбаларга таянган ҳолда муаллифнинг бу фикрини ҳам тўғри, деб таъкидлаш жоиздир.

М.И. Иванин Амир Темурнинг ҳарбий юришларини жуда чуқур таҳлил қилади, ҳар бир ҳаракатининг моҳияти ва сабабини аниқлашга интилади. У Амир Темурнинг 1391 йилда Тўхтамишхонга қарши Олтин Ўрдага қилган юришини ҳам жиддий таҳлил қилган. 1390 йил кузида уруш бошлаган Соҳибқироннинг олдида душман ерига олиб борадиган уч йўл борлигини, уларнинг географик тузилишини, қулай ва ноқулай томонларини жуда кенг баён қилади. М.И.Иванин таҳлил қилган бу йўллар куйидагилар эди: «1) Орол ва Каспий денгизи ўртасидаги Уст-Юрт тепаликлари орқали; 2) Орол денгизининг шарқий томонидан Ўрол дарёси ўрта қисмлари томон; 3) Орол денгизининг шарқий томонидан Шимолий Тобол дарёсигача тахминан ҳозирги Троицк ва Звенoгoловск қалъаларигача Оренбург чегаралари бўйлаб». Тарихдан маълумки, Амир Темур учинчи йўлни танлайди. М.И. Иванин таҳлилида ҳам шу учинчи йўл энг хавфсиз ва қулай йўл эканлиги таъкидланади. Ҳарбий сафар чоғида Амир Темурнинг катта миқдордаги кўшинини озиқ-овқат билан доимий таъминлаб бориши, оғир вазиятлардан устамонлик билан чиқиб кетиши муаллифнинг диққат марказида туради. Шунингдек, Амир Темурнинг Тўхтамишни ўзи учун қулай жойларга чекинишга мажбур қилиши, жанг майдонини танлаши ҳақидаги мулоҳазалари ҳам кенг таҳлил қилинган. М.И. Иваниннинг фикрича, Амир Темур Тўхтамишни ўрмонзорлар орқали чекинишга йўл қўймасликка интилади. Чунки ўрмонзорлар пистирмалар қўйиш, тўсатдан ҳужум қилиш учун қулай эди. «Моҳир саркарда бўлган Амир Темур ўрмоннинг бу афзалликларини яхши билганлиги учун Тўхтамишни бу афзалликлардан унумли фойдаланишига йўл қўймаслик мақсадида чап тарафидан айланиб ўтишга қарор

вазифасини ўтаса, Амир Темур учун ўз давлатининг ички худудларини ҳимоя қиладиган мудофаа девори сифатида муҳим эди. Шу мақсадда Амир Темур бу ердаги шахарларни ҳарбий жиҳатдан мустаҳкам қалъаларга айлантирган. А.Ю. Якубовский Тўхтамишнинг 1387-88 йилги Мовароуннаҳрга қилган юриши ҳақида ёзаркан, чегарадаги Саброн шахрини жуда мустаҳкам бўлгани учун Тўхтамишхоннинг жуда кўп сонли қўшинлари штурм билан эгаллай олмаганлигини таъкидлаб ўтади. Амир Темур Тўхтамишхонга қарши уюштирган 1389 ва 1391 йилги юришлари натижасида бу худудларни ҳам ўз давлати таркибига узил-кесил қўшиб олди.

Кўшимча ўрғанинг: *Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарида 1387-1388 йилларда Саброн шахрини Тўхтамишхон қўшинлари томонидан қамал қилиниши билан боғлиқ яна қандай маълумотлар бёр?*

А.Ю. Якубовскийнинг ёзишича, Тўхтамишхон Амир Темур билан иложи борича тезроқ тўқнашишга интилган бўлса, Соҳибқирон эса аксинча, тўқнашувни пайсалга солган. Буни у 80-йилларининг биринчи ярмида Тўхтамишхон Амир Темурдан ҳарбий ва моддий ресурслар жиҳатидан яққол устун бўлганлиги билан изоҳлайди. Чиндан ҳам 80-йилларнинг иккинчи ярмига келиб Эрон ва Озарбайжонда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олгачгина Амир Темур Тўхтамишхонга қарши кураш бошлаш учун етарли имкониятга эга бўлади.

Мулоҳаза юритинг: *Тўхтамиш нима учун Амир Темур билан тўқнашишга шошилган, Амир Темур эса, аксинча, ўзаро тўқнашувни имкон қадар кечиктиришга ҳаракат қилган?*

Н.М. Карамзин Амир Темурнинг истилочилик юришлари сабаблари ҳақида кенг мулоҳаза юритмаган бўлса-да, унинг қуйидаги фикри аҳамиятга молик. Н.М. Карамзин бундай ёзади: «Тўхтамиш нонкўрларча Амир Темурнинг қудратли салтанати билан жангга киришди, уни Эрон чегараларига келишга мажбур

қилди». Бу ўринда муаллиф Тўхтамишхоннинг Табриз шахрига хужумини назарда тутган бўлиб, бу хужум Шарафиддин Али Яздийнинг таъкидлашича, Амир Темурнинг дастлабки йирик ҳарбий юриши ҳисобланган- «уч йиллик» юришининг бошланишига сабаб бўлган. Демак, тарихий манбаларга таянган ҳолда муаллифнинг бу фикрини ҳам тўғри, деб таъкидлаш жоиздир.

М.И. Иванин Амир Темурнинг ҳарбий юришларини жуда чуқур таҳлил қилади, ҳар бир ҳаракатининг моҳияти ва сабабини аниқлашга интилади. У Амир Темурнинг 1391 йилда Тўхтамишхонга қарши Олтин Ўрдага қилган юришини ҳам жиддий таҳлил қилган. 1390 йил кузида уруш бошлаган Соҳибқироннинг олдида душман ерига олиб борадиган уч йўл борлигини, уларнинг географик тузилишини, қулай ва ноқулай томонларини жуда кенг баён қилади. М.И.Иванин таҳлил қилган бу йўллар қуйидагилар эди: «1) Орол ва Каспий денгизи ўртасидаги Уст-Юрт тепаликлари орқали; 2) Орол денгизининг шарқий томонидан Ўрол дарёси ўрта қисмлари томон; 3) Орол денгизининг шарқий томонидан Шимолий Тобол дарёсигача тахминан ҳозирги Троицк ва Звенoгoлoвск қалъаларигача Оренбург чегаралари бўйлаб». Тарихдан маълумки, Амир Темур учинчи йўлни танлайди. М.И. Иванин таҳлилида ҳам шу учинчи йўл энг хавфсиз ва қулай йўл эканлиги таъкидланади. Ҳарбий сафар чоғида Амир Темурнинг катта миқдордаги қўшинини озиқ-овқат билан доимий таъминлаб бориши, оғир вазиятлардан устамонлик билан чиқиб кетиши муаллифнинг диққат марказида туради. Шунингдек, Амир Темурнинг Тўхтамишни ўзи учун қулай жойларга чекинишга мажбур қилиши, жанг майдонини танлаши ҳақидаги мулоҳазалари ҳам кенг таҳлил қилинган. М.И. Иваниннинг фикрича, Амир Темур Тўхтамишни ўрмонзорлар орқали чекинишга йўл қўймасликка интилади. Чунки ўрмонзорлар пистирмалар қўйиш, тўсатдан хужум қилиш учун қулай эди. «Моҳир саркарда бўлган Амир Темур ўрмоннинг бу афзалликларини яхши билганлиги учун Тўхтамишни бу афзалликлардан унумли фойдаланишига йўл қўймаслик мақсадида чап тарафидан айланиб ўтишга қарор

вазифасини ўтаса, Амир Темур учун ўз давлатининг ички худудларини ҳимоя қиладиган мудофаа девори сифатида муҳим эди. Шу мақсадда Амир Темур бу ердаги шаҳарларни ҳарбий жиҳатдан мустаҳкам қалъаларга айлантирган. А.Ю. Якубовский Тўхтамишнинг 1387-88 йилги Мовароуннаҳрга қилган юриши ҳақида ёзаркан, чегарадаги Саброн шаҳрини жуда мустаҳкам бўлгани учун Тўхтамишхоннинг жуда кўп сонли қўшинлари штурм билан эгаллай олмаганлигини таъкидлаб ўтади. Амир Темур Тўхтамишхонга қарши уюштирган 1389 ва 1391 йилги юришлари натижасида бу худудларни ҳам ўз давлати таркибига узил-кесил қўшиб олди.

Кўшимча ўрганинг: *Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида 1387-1388 йилларда Саброн шаҳрини Тўхтамишхон қўшинлари томонидан қамал қилиниши билан боғлиқ яна қандай маълумотлар бёр?*

А.Ю. Якубовскийнинг ёзишича, Тўхтамишхон Амир Темур билан иложи борича тезроқ тўқнашишга интилган бўлса, Соҳибқирон эса аксинча, тўқнашувни пайсалга солган. Буни у 80-йилларининг биринчи ярмида Тўхтамишхон Амир Темурдан ҳарбий ва моддий ресурслар жиҳатидан яққол устун бўлганлиги билан изоҳлайди. Чиндан ҳам 80-йилларнинг иккинчи ярмига келиб Эрон ва Озарбайжонда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олгачина Амир Темур Тўхтамишхонга қарши кураш бошлаш учун етарли имкониятга эга бўлади.

Мулоҳаза юритинг: *Тўхтамиш нима учун Амир Темур билан тўқнашишга шошилган, Амир Темур эса, аксинча, ўзаро тўқнашувни имкон қадар кечиктиришга ҳаракат қилган?*

Н.М. Карамзин Амир Темурнинг истилочилик юришлари сабаблари ҳақида кенг мулоҳаза юритмаган бўлса-да, унинг қуйидаги фикри аҳамиятга молик. Н.М. Карамзин бундай ёзади: «Тўхтамиш ноқўрларча Амир Темурнинг қудратли салтанати билан жангга киришди, уни Эрон чегараларига келишга мажбур

қилди». Бу ўринда муаллиф Тўхтамишхоннинг Табриз шаҳрига ҳужумини назарда тутган бўлиб, бу ҳужум Шарафиддин Али Яздийнинг таъкидлашича, Амир Темурнинг дастлабки йирик ҳарбий юриши ҳисобланган- «уч йиллик» юришининг бошланишига сабаб бўлган. Демак, тарихий манбаларга таянган ҳолда муаллифнинг бу фикрини ҳам тўғри, деб таъкидлаш жоиздир.

М.И. Иванин Амир Темурнинг ҳарбий юришларини жуда чуқур таҳлил қилади, ҳар бир ҳаракатининг моҳияти ва сабабини аниқлашга интилади. У Амир Темурнинг 1391 йилда Тўхтамишхонга қарши Олтин Ўрдага қилган юришини ҳам жиддий таҳлил қилган. 1390 йил кузида уруш бошлаган Соҳибқироннинг олдида душман ерига олиб борадиган уч йўл борлигини, уларнинг географик тузилишини, қулай ва ноқулай томонларини жуда кенг баён қилади. М.И.Иванин таҳлил қилган бу йўллар қуйидагилар эди: «1) Орол ва Каспий денгизи ўртасидаги Уст-Юрт тепаликлари орқали; 2) Орол денгизининг шарқий томонидан Ўрол дарёси ўрта қисмлари томон; 3) Орол денгизининг шарқий томонидан Шимолий Тобол дарёсигача тахминан ҳозирги Троицк ва Звеноголовск қалъаларигача Оренбург чегаралари бўйлаб». Тарихдан маълумки, Амир Темур учинчи йўлни танлайди. М.И. Иванин таҳлилида ҳам шу учинчи йўл энг хавфсиз ва қулай йўл эканлиги таъкидланади. Ҳарбий сафар чоғида Амир Темурнинг катта миқдордаги қўшинини озиқ-овқат билан доимий таъминлаб бориши, оғир вазиятлардан устамонлик билан чиқиб кетиши муаллифнинг диққат марказида туради. Шунингдек, Амир Темурнинг Тўхтамишни ўзи учун қулай жойларга чекинишга мажбур қилиши, жанг майдонини танлаши ҳақидаги мулоҳазалари ҳам кенг таҳлил қилинган. М.И. Иваниннинг фикрича, Амир Темур Тўхтамишни ўрмонзорлар орқали чекинишга йўл қўймасликка интилади. Чунки ўрмонзорлар пистирмалар қўйиш, тўсатдан ҳужум қилиш учун қулай эди. «Моҳир саркарда бўлган Амир Темур ўрмоннинг бу афзалликларини яхши билганлиги учун Тўхтамишни бу афзалликлардан унумли фойдаланишига йўл қўймаслик мақсадида чап тарафидан айланиб ўтишга қарор

вазифасини ўтаса, Амир Темур учун ўз давлатининг ички хуудларини ҳимоя қиладиган мудофаа девори сифатида муҳим эди. Шу мақсадда Амир Темур бу ердаги шаҳарларни ҳарбий жиҳатдан мустаҳкам қалъаларга айлантирган. А.Ю. Якубовский Тўхтамишнинг 1387-88 йилги Мовароуннаҳрга қилган юриши ҳақида ёзаркан, чегарадаги Саброн шаҳрини жуда мустаҳкам бўлгани учун Тўхтамишнинг жуда кўп сонли қўшинлари штурм билан эгаллай олмаганлигини таъкидлаб ўтади. Амир Темур Тўхтамишхонга қарши уюштирган 1389 ва 1391 йилги юришлари натижасида бу хуудларни ҳам ўз давлати таркибига узил-кесил кўшиб олди.

Кўшимча ўрганинг: *Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарида 1387-1388 йилларда Саброн шаҳрини Тўхтамишхон қўшинлари томонидан қамал қилиниши билан боғлиқ яна қандай маълумотлар бёр?*

А.Ю. Якубовскийнинг ёзишича, Тўхтамишхон Амир Темур билан иложи борича тезроқ тўқнашишга интиланган бўлса, Соҳибқирон эса аксинча, тўқнашувни пайсалга солган. Бунини у 80-йилларнинг биринчи ярмида Тўхтамишхон Амир Темурдан ҳарбий ва моддий ресурслар жиҳатидан яққол устун бўлганлиги билан изоҳлайди. Чиндан ҳам 80-йилларнинг иккинчи ярмига келиб Эрон ва Озарбайжонда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олгачгина Амир Темур Тўхтамишхонга қарши кураш бошлаш учун етарли имкониятга эга бўлади.

Мулоҳаза юритинг: *Тўхтамиш нима учун Амир Темур билан тўқнашишга шошилган, Амир Темур эса, аксинча, ўзаро тўқнашувни имкон қадар кечиктиришга ҳаракат қилган?*

Н.М. Карамзин Амир Темурнинг истилочилик юришлари сабаблари ҳақида кенг мулоҳаза юритмаган бўлса-да, унинг куйидаги фикри аҳамиятга молик. Н.М. Карамзин бундай ёзади: «Тўхтамиш нонкўрларча Амир Темурнинг қудратли салтанати билан жангга киришди, уни Эрон чегараларига келишга мажбур

қилди». Бу ўринда муаллиф Тўхтамишхоннинг Табриз шаҳрига хужумини назарда тутган бўлиб, бу хужум Шарафиддин Али Яздийнинг таъкидлашича, Амир Темурнинг дастлабки йирик ҳарбий юриши ҳисобланган- «уч йиллик» юришининг бошланишига сабаб бўлган. Демак, тарихий манбаларга таянган ҳолда муаллифнинг бу фикрини ҳам тўғри, деб таъкидлаш жоиздир.

М.И. Иванин Амир Темурнинг ҳарбий юришларини жуда чуқур таҳлил қилади, ҳар бир ҳаракатининг моҳияти ва сабабини аниқлашга интилади. У Амир Темурнинг 1391 йилда Тўхтамишхонга қарши Олтин Ўрдага қилган юришини ҳам жиддий таҳлил қилган. 1390 йил кузида уруш бошлаган Соҳибқироннинг олдида душман ерига олиб борадиган уч йўл борлигини, уларнинг географик тузилишини, қулай ва ноқулай томонларини жуда кенг баён қилади. М.И.Иванин таҳлил қилган бу йўллар куйидагилар эди: «1) Орол ва Каспий денгизи ўртасидаги Уст-Юрт тепаликлари орқали; 2) Орол денгизининг шарқий томонидан Ўрол дарёси ўрта қисмлари томон; 3) Орол денгизининг шарқий томонидан Шимолий Тобол дарёсигача тахминан ҳозирги Троицк ва Звеноголовск қалъаларигача Оренбург чегаралари бўйлаб». Тарихдан маълумки, Амир Темур учинчи йўлни танлайди. М.И. Иванин таҳлилида ҳам шу учинчи йўл энг хавфсиз ва қулай йўл эканлиги таъкидланади. Ҳарбий сафар чоғида Амир Темурнинг катта микдордаги қўшинини озик-овқат билан доимий таъминлаб бориши, оғир вазиятлардан устамонлик билан чиқиб кетиши муаллифнинг диққат марказида туради. Шунингдек, Амир Темурнинг Тўхтамишни ўзи учун қулай жойларга чекинишга мажбур қилиши, жанг майдонини танлаши ҳақидаги мулоҳазалари ҳам кенг таҳлил қилинган. М.И. Иваниннинг фикрича, Амир Темур Тўхтамишни ўрмонзорлар орқали чекинишга йўл қўймасликка интилади. Чунки ўрмонзорлар пистирмалар қўйиш, тўсатдан хужум қилиш учун қулай эди. «Мохир саркарда бўлган Амир Темур ўрмоннинг бу афзалликларини яхши билганлиги учун Тўхтамишни бу афзалликлардан унумли фойдаланишига йўл қўймаслик мақсадида чап тарафидан айланиб ўтишга қарор

Соҳибқирон ортга қайтиб шахсан ўзи Тўхтамишхон кўшинига қарши жангга киради. Тўхтамишхон эса Амир Темур етиб келиши билан қочиб кетишга мажбур бўлади. Бу эса жанг тақдирини узил-кесил ҳал қилди.

Мовароуннаҳр лашкарининг ушбу юриши 11 ой давом этиб, 1391 йилнинг охирида кўшиннинг Тошкент шаҳрига етиб келиши билан якунига етади.

Олтин Ўрданинг тўла тор-мор этилиши ва унинг аҳамияти.

Амир Темур Жўжи улуси тахтини Темур Кутлук Ўғлонга беради. Лекин Амир Темур қайтиб кетгач, ҳали ҳам кўпгина тарафдорларга эга бўлган

Тўхтамишхон яна улус тахтини қайтариб олади.

Ўз кучсизлигини англаган Тўхтамишхон Амир Темурга қарши янги ҳарбий иттифоқ тузишга жиддий уринади. Унинг вакиллари 1394 йили Дамашқда Миср султони Барқуқ ва турк султони Боязиднинг элчилари билан музокаралар олиб бориб, ҳарбий иттифоқ тузади. Гарчи ҳарбий иттифоқ тузилган бўлса-да, амалда у ҳаракатга келмайди. Миср ва Туркия султонлари Амир Темур ва Тўхтамишни ўзаро кураши ўзларига фойда бўлишини яхши тушунган ҳолда, гарчи катта ваъдалар бериб, Дашти Қипчоқ хонини Озарбайжонга бостириб киришга даъват қилган бўлсалар-да, воқеаларнинг кейинги ривожини шуни кўрсатдики, улар кўпроқ воқеаларни кузатишни маъқул деб билишди. Аслида, Европадаги воқеалар билан банд бўлган Султон Боязиднинг Тўхтамишга ёрдам бериши имконсиз эди. Миср Султони Барқуқ эса Боғдод султони Аҳмад Жалойир, туркманлар сардори Қора Юсуф каби Амир Темурдан ўч олиш ниятида бўлган собиқ ҳукмдорларни қўллаб-қувватлаб, уларни қайта тузилган лашкарлар билан ўз худудларини қайтариб олиш учун жўнатишининг ўзини етарли деб ҳисобларди. Аслида ҳар икки султон ҳам 1395 йили Амир Темур давлатининг ҳақиқий кучига баҳо бера олмаган эдилар.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Туркия ва Миср султонлари билан иттифоқ тузган Тўхтамишхон томонидан юборилган лашкар 1394 йилнинг охирларида яна Ширвон мамлакатига, яъни Шимолий Озарбайжонга бостириб киради. Шахсан Амир Те-

мурнинг ўзи бошчилигида лашкар келаётганини хабардор бўлган рақиблар ортга қайтиб кетишади. Амир Темур эса халқаро вазиятни таҳлил этгач, Миср ва Туркия султонларининг Тўхтамишхонга амалда ёрдам беролмасликларига ишонч ҳосил қилган бўлса керакки, 1395 йилнинг 28 феврал куни Озарбайжон орқали Дашти Қипчоқ сари янги юриш бошлайди.

Юриш бошланиши билан биргаликда, Соҳибқирон Шамсуддин Олмалиқийни Тўхтамишхонга элчиликка жўнатиб, урушнинг олдини олмоқчи бўлади. Манбаларда таъкидланишича, Тўхтамишхон ҳам ўз иттифоқчиларининг ёрдамидан умид қилиб вақтдан ютиш мақсадида музокараларга киришишга қарор қилиб, Амир Темур билан сулҳ тузишга мойиллик билдиради. Лекин, Олтин Ўрданинг йирик амирларининг кескин қаршиликлари натижасида Тўхтамишхон ҳам музокаралар охирида сулҳдан бош тортади. Шамсиддин Олмалиқий элчилики натижасиз қайтиб келгандан сўнг Амир Темур ҳарбий тайёргарликни кўздан кечириш учун яна бир бор кўрик (ҳарбий парад) ўтказади.

Гарчи сулҳдан бош тортган бўлса-да, музокараларни яна тиклаб вақтдан ютишни истаган Тўхтамишхон Шамсиддин Олмалиқий кетидан ўзининг ҳам элчисини юборади. Ўртоқ исми бу элчи етиб келган вақтда Амир Темур ҳарбий кўрик ўтказётган эди. Тўхтамишхоннинг элчиси Амир Темур қароргоҳига кирмасдан ортга қайтиб кетади ва Амир Темур лашкарининг урушга шайлиги ҳақида Тўхтамишга хабар беради.

Кўп ўтмай ҳар икки томоннинг қоровул кўшинлари ўртасида жанг бўлиб, Олтин Ўрдалиқ аскарлар тор-мор келтирилади. Ширвон чегарасида турган Олтин Ўрда лашкари шимолга томон чекинади ва Тўхтамишхон ўз вилоятларига яна хабар юбориб, кўпроқ лашкар йиғишга ҳаракат қилади. Дастлаб Тўхтамишхон кўшини Терек дарёси бўйига жойлашди, лекин Амир Темур лашкари яқинлашгач Қурай сойи (ҳозирги Россиянинг Қабарда-Барқар автоном республикасидаги кичик дарё) томонга чекинди. Мовароуннаҳр лашкари эса қийинчиликсиз Терек дарёсини кечиб ўтди.

Аслида бу чекиниш Тўхтамишхоннинг ҳийласи ҳам бўлиши мумкин. У бу чекиниш орқали вақтдан ютиб, вилоятлардан қўшимча чақирилган лашкар ҳисобига қўшинининг сонини кўпайтириб олди, энг асосийси Терек дарёсидан бежавотир кечиб ўтишга қизиққан Мовароуннаҳр лашкари дарёдан ўтгач ноқулай иқлим шароитига дуч келиб, озик-овқат ва ем-ҳашак танқислигига учради. Амир Темур озик овқат ва ем ҳашакка бой бўлган Чўлот вилоятига (Низомиддин Шомийда Жулот) кўчишга буйруқ беради. Лекин, кўчиш бошланиб бир кун йўл юришлари билан Тўхтамишхоннинг катта лашкар билан жанг қилиш учун етиб келганлиги маълум бўлади ва Амир Темур лашкари ўзи учун ноқулай шароитда Терек дарёси бўйида жангга киришга мажбур бўлади.

Шарафуддин Али Яздийнинг талқинида ушбу жанг 1395 йилнинг 15 апрелида бўлиб ўтганлиги таъкидланади⁴⁴.

Жанг Кунча ўғлон, Бек Яруқ ўғлон ва Довуд Сўфий номли Дашти Қипчоқ лашкаридаги энг обрўли саркардаларини Соҳибқирон қўшинининг чап қанотига берган кучли ҳужумлари билан бошланди. Бу ерга Амир Темурнинг шахсан ўзи захира кучлари билан етиб келиб, душманни чекинтирди. Мўғуллар эса ўз одатларига кўра чекинаётиб, қутилмаганда яна қайтадан ҳужумга ўтдилар ва рақибни таъқиб этишга киришиб, асосий кучлардан ажралиб қолган Мовароуннаҳр лашкарини мазкур қисмини қириб ташладилар. Натижада уларда Амир Темур турган жойга ҳужум қилиш учун жуда қулай шароит тугилади. Душманнинг олдинги қисмлари деярли Соҳибқироннинг олди-гача етиб келишга эришадилар. Айнан шу вақтда Амир Шайх Нуриддин отликларни пиёда жангга киритиб душман ҳужумини камон ўқлари ёмғири билан қайтаришга эришади. Шунингдек, аробалардан ташкил этилган кўчиб юривчи мудофаа чизиги ҳам химояланишда жуда қўл келади. Амир Ҳожи Сайфуддинбек ҳам марказда душман ҳужумини отликларни пиёда жангга киритиб, камон ўқлари ёрдамида қайтаришга эришади. Мудофаа жанглар орқали душманга катта талофат етказилган Мовароуннаҳр

⁴⁴ Шарафуддин Али Яздий. Уша асар. Б. 175

қўшини шундан кейин жанггоҳнинг барча қисмларида барава-рига ҳужумга ўтиб рақибни тўла тор-мор келтиришга эришади. Ушбу жангдаги қаҳрамонлиги ва топқирлиги учун амир Шайх Нуриддин алоҳида тақдирланади.

Душманни таъқиб этган Амир Темур қўшини Волга бўйи ҳудудлари, жанубий Россия, Шимолий Кавказ, Қрим ҳудудларини забт этиб, 1396 йилнинг баҳорида Озарбайжонга қайтиб келди.

Шу ўринда Амир Темурнинг Олтин Ўрдага қилган юришларининг аҳамияти, нима учун Москва шахрига юриш қилинмаганлиги (Шарафуддин Али Яздий ва Шомийлар таъкидлаганидек, Амир Темур қўшинининг олдинги қисмлари Москва князлиги ҳудудларини талон-тарож қилиш билан чекланган, холос) ҳақидаги рус тарихчиларининг фикрларини ҳам таҳлил қилиб ўтсак.

Н.М. Карамзин Амир Темур томонидан Олтин Ўрда хони Тўхтамишга ва Туркия султони Боязидга қарши олиб борилган юришларининг оқибатлари ҳақида ҳам диққатга сазовор фикрларни билдиради. Шу пайтгача қўлаб тарихчилар юқорида таъкидланган юришлар оқибатлари ҳақида фикр юритганда, асосан, совет тарихчилари Б.Л Греков ва А.Ю. Якубовскийларнинг мазкур юришлар Россия ва Европа давлатлари тараққиёти учун алоҳида аҳамиятли бўлганлиги, хусусан, Византиянинг кулашини 50 йил орқага суриб юборганлиги ҳақидаги фикрларни билдирадилар. Лекин Н.М. Карамзин мисолида рус тарихшунослигида бу фикр анча олдинроқ туғилганлигини кўришимиз мумкин. Муаллиф минглаб эмас, балки ўн минглаб аскарларга эга бўлган, бир вақтнинг ўзида ҳам Шарқни, ҳам Ғарбни тор-мор қила олган Боту улусининг аҳолиси ички келишмовчиликлар, ўзаро урушлар ҳамда Димитрий Донский ва Амир Темур зарбалари натижасида тарқалиб, камайиб кетганлигини таъкидлайди. У Терек жангидан сўнг Тўхтамишни Амир Темур томонидан таъқиб қилинишини баён қилар экан: «Мўғулларнинг (Н.М. Карамзин Темур қўшинларини ҳам шундай атайди - Б.У.) мўғулларга берган зарбалари волгалик (яъни, волгалик мўғуллар - Б.У.)лар кучини заифлаштирди ва русларни Ватан озодлиги бахти яқинлиги фикри шодлантириши керак эди», деб ёзади. Воқеалар баёнида у

Амир Темурнинг ҳалокатли зарбалари оқибатида Қипчоқ Ўрдаси аянчли аҳволга тушиб қолганлигига, яна ўзаро урушлар майдони-га айланганлигига эътибор қаратади.

Шунингдек, Н.М. Карамзин Россиянинг жанубий ҳудудлари-га Амир Темур томонидан қилинган юришлар билан боғлиқ воқеаларга ҳам кенг тўхталган. Унинг ҳикоя қилишича, Рязан князлигига қарашли ва княз Фёдорга тегишли бўлган Елец шаҳрининг ҳамда жанубий рус ерларининг Амир Темур томо-нидан эгалланиши бутун Русни даҳшатга солган. Россия аҳоли-си 160 йил аввалги вайронагарчиликларни кута бошлаган. Лекин Амир Темур Россиянинг маркази томон юрмай, жанубга бури-лади ва рус ерини тарк этади.

Кўплаб рус тарихчилари қатори Н.М. Карамзинни ҳам Амир Темурнинг нима сабабдан жанубга қайтганлиги қизиқтирган. Лекин у бошқа рус тарихчиларидан фарқли равишда Амир Те-мур Москва буюк князи билан тўқнашувдан кўрққани учун орт-га қайтган, деган фикрни асосиз деб билади. Унинг ёзишича, гарчи Москва князи ўз қўшини билан Ока дарёси томон йўлга чиққан бўлса-да, ҳалқнинг руҳи жуда паст бўлган, кечаю-кундуз фақат ибодат билан машғул бўлиб, христианлик ўлимига тайёр-ланарди. Шунинг учун ҳам буюк княз Василийнинг фармонига кўра, Владимир шаҳридан бир вақтлар Андрей Боголюбскийга болгарлар устидан ғалаба келтирган Биби Марям иконаси Москвага келтирилади. Худди шу куни эса Амир Темур жануб томон йўлга чиқади ва бутун рус аҳолиси бунинг сабабини Биби Марям иконаси шарафатидан деб билади.

Лекин Н.М. Карамзиннинг фикрича, ёмғирли куз мавсуми бошланиши арафасида, ундан сўнг қаҳратон рус қиши кутилаёт-ган вақтда, Ҳиндистон, Сурия, Миср каби Шарқнинг бой ўлка-лари каби ривожланмаган Россияга юриш қилиш ўзини иқтисо-дий жиҳатдан оқламас эди. Бунга Амир Темур мазкур ўлканинг жанубини, хусусан, Елец шаҳри ва Рязан князлигини эгалла-гандаёқ амин бўлган. Хулоса қилиб, Н.М. Карамзин куйидаги-ларни ёзади: «Россия, бахтимизга, унинг (яъни, Амир Темур- Б. У.) учун бу жозибаторликка эга эмас эди».

Амир Темур ҳақида фикр билдирган рус тарихчиларидан яна бири Москва университетининг профессори Т.Н. Грановскийдир. У ҳам Амир Темурнинг Тўхтамишхонни тор-мор келтириб, Рос-сиянинг жанубий ҳудудларига кириб келиши тўғрисида ўз қа-рашларини баён этади. Соҳибқироннинг Россия маркази томон ҳаракат қилиб, қутилмаганда жанубга қайтганлигини Москва князи Василий Дмитриевичнинг ҳарбий тайёргарлигидан кўрққанлиги учун эмас, деб таъкидлайди. Шунингдек, Куликово жангида руслардан мағлубиятга учраган Мамайни Темур билан таққослаб бўлмаслигини қайд этади.

Машҳур рус тарихчиси С.М. Соловьёв (1820-1879) ҳам Амир Темур ҳақида бир қатор эътиборга молик фикрлар билдирган. Гарчи у ҳам Амир Темур тарихи билан маҳёус шуғулланмаган бўлса-да, «Россия тарихи» асарида Соҳибқирон ҳақидаги қай-длари учрайди. Бу ҳам албатта, Амир Темурнинг Олтин Ўрда хони Тўхтамишхонга қарши уюштирилган ҳарбий юришлар ту-файлидир. У Амир Темур 1395 йили Терек дарёси бўйида Тўхтамишхон қўшинларини тор-мор этиб, мўғулларни таъқиб этиш жараёнида жанубий рус ерларини, хусусан, Елец шаҳрини эгаллаганини ва бу ерда 15 кун туриб ортга қайтганлигини баён қилади. С.М. Соловьёв «Олтин Ўрда Темур томонидан тор-мор этилгандан сўнг, у кўп вақтгача Москва князига хавfli бўлмай қолди.» - деган хулосага келади. Амир Темур юришидан кейин-ги 12 йил давомида мўғул-татар отрядлари билан руслар ўртаси-да атиги 3 марта чегара можаролари бўлиб, уларда, асосан, рус-лар ғолиб келганлигини ҳам С.М. Соловьёв алоҳида қайд қилиб ўтади. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Соҳибқироннинг Тўхтамишхонга қарши олиб борган юришлари оқибати ҳақида С.М. Соловьёв ҳам Н.М. Карамзиннинг хулосаларига яқин фикр-лар билдирган.

Муаллиф Амир Темурнинг ҳарбий юришлари ҳақида сўзлар экан, Тўхтамишни таъқиб этиш чоғида жанубий рус ерларида бўлишига ҳам катта аҳамият беради. Ўша пайтдаги Шарқий Ев-ропадаги сиёсий вазиятни ва Россиянинг ички имкониятларини чуқур таҳлил этган В. Череванский, Россия Амир Темурнинг кўп сонли ғолиб лашкари олдида ожиз ва ҳимоясиз эканлигини таъ-

олади. У ўздан аввал яшаган рус тарихчиси Н.М.Карамзин каби Амир Темурнинг Россия марказига бостириб қирмай, қутилмаганда жанубга қайтганлигига Рус давлатининг ҳарбий қуввати сабаб бўлмаганлигини таъкидлайди. Бунинг асосий сабаби сифатида рус табиати ва Россияга уюштириладиган юриш ўзини иқтисодий жиҳатдан оқламаслигини кўрсатади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар

Ушбу атама ва географик номларни изоҳланг: Тошкент воҳаси, Фарғона водийси, Буюк Инак йўли, Олд Осий, Сайрам, Янги, Ўтрор, Қора Самон, Жанубий Қозогистон, Хўжанд, Андижон, Ўш тоғлари, Кўчқор мавзейи, Кўктена, Мангишлоқ ярим ороли, Саброн, Сигноқ, Ханг Ўзлақ, Кавказорти, Озарбайжон, буюк давлатчилик сиёсати, Сирдарё бўйи ҳудудлари, Дарбанд, Тифлис, Табриз, Яқин Шарқ, Бағдод, Султония, ёсоқ, Шимолий Хоразм, «уч йиллик» юриши, Орол денгизи, Каспий денгизи, Уст-Юрт тепалиқлари Ўрол дарёси, Шимолий Тобол дарёси, Оренбург, Самара, Чистопол, Қундузча жанги, Волга дарёси, Шимолий Кавказ, Марказий Эрон, Чукалак майдони, Шероз, Сарик Ўзан мавзейи, Қичик тоғ, Улуғ тоғ, ҳарбий парад, Ёйиқ (ҳозирги Урал) дарёси, Магнитногорск шахри, етти корпус, шахсий гвардия, сулдуз қабиласи, Тошкент шахри, Дамашқ, Ширвон мамлақати, Терек дарёси, Қурай сойи, Чўлот вилояти, Волга бўйи ҳудудлари, жанубий Россия, Шимолий Кавказ, Қрим, Москва шахри, Москва князлиги, Рязан князлиги, Елец шахри, Рус, Россия, Ока дарёси, Владимир шахри, Биби Марям иконаси

Ушбу тарихий шахслар ҳақида нималарни биласиз: Хизр Ҳожазон, Тўкал ога, мирзо Улуғбек, Абусаид Мирзо, Искандар Мирзо, Қумуз, Ўрнак Темур, Кўппак Темур, Хизр яссаурийнинг ўғли Амир Исҳоқ, Қамариддин, Жаҳонгир мирзо, Умаршайх мирзо, Оқ буго Баҳодир, Хитой Баҳодир,

Амирзода Али, Сайфулбек, Аталмиш, Аргуншоҳ, Анка тўра, Шохруҳ мирзо, Иброҳим султон, Урусхон, Тўйхўжа, Ўрун Темур, Темур Малик, Ўзбекхон, Беркахон, шаҳзода Буқо, Баракахон, Абакахон, Жонибекхон, Малик Ашраф, Бердибек, М. Абдураимов, Султон Аҳмад Жалойир, Н.М. Карамзин, М.И. Иванин, Мироншоҳ мирзо, Шайх Темур, Миср султони Барқуқ, Боязид, Қора Юсуф, Шамсиддин Олмалиқий, Ўртоқ, Кунча ўғлон, Бек Яруқ ўғлон, Довуд Сўфий, Амир Шайх Нуриддин, Амир Ҳожи Сайфулдинбек, Димитрий Донский, буюк княз Василий, Андрей Боголюбский, Биби Марям, Т.Н.Грановский, С.М. Соловьев, В. Череванский

Ушбу тарихий саналарда бўлиб ўтган воқеаларни аниқланг ва уларни ёдда тутинг:

1399 йили, 1371 йили, 1375 йили, 1376 йили, 1383 йили, 1387 йили, 1389 йили, 1390 йили, 1404 йили, 1376 йили, 1376 йилнинг қиши, 1377 йилнинг марти, 1379 йили, 1380 йили, 1376-1379 йили, 1380 йили, 1312-1340, XIV асрнинг 80-йиллари, 1383 йили, 1389, 1391 1387-1388 йиллари, 1391 йили, 1390 йил кузи, 1387 йилнинг бошлари, 1387 йилнинг декабри ва 1388 йилнинг январ ойлари, 1388 йилнинг 9 феврал куни, 1388 йили, 1389 ва 1390 йиллари, 1391 йилнинг 19 январ куни, 21 феврал, 14 март, 28 март куни, 18 июн куни, 1394 йилнинг охирлари, 1395 йилнинг 28 феврал куни, 1395 йилнинг 15 апрели, 1396 йилнинг баҳори

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИ ХУДУДЛАРИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛИШИ

Хуросоннинг Кўпчилик тарихчиларнинг эътироф забт этилиши. этишича 1381 йилдан бошлаб Амир Темур фаолиятининг иккинчи даври бошланади. Бу даврда Соҳибқирон асосан, ўз давлати ҳудудларини кенгайтиришга, Буюк Ипак йўли тармоқлари устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилди. Бу вақтга келиб Мовароуннаҳрнинг ғарбий, шимолий ва шарқий ҳудудларида хавфсизликни таъминлашга эришган Соҳибқирон учун Хуросон ерларини ўз давлати таркибига қўшиб олиш учун қулай вазият пайдо бўлган эди. Эрон бир неча мулкларга бўлиниб кетган ва ўзаро урушлар гирдобиди қолган эди. Хуросонда ҳукмронлик қилаётган Курдлар сулоласининг вакили Малик Ғиёсиддин Амир Темур томонидан юборилган Ҳожи Сайфуддинбек бошчилигидаги элчиларни турли баҳоналар билан Ҳиротда ушлаб турди. Шу баҳонада шаҳар атрофини мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўраб олишга эришди. Натижада элчилар Ҳирот волийсининг рухсатисиз Самарқандга қайтдилар ва урушнинг бошланиши муқаррар бўлиб қолди.

1380 йили Амир Темур ўғли Мироншоҳ мирзони Хуросон ҳукмдори деб эълон қилди ва уни 25 минг кишилик кўшин билан Балхга жўнатди. 1381 йилнинг феврал ойида Амир Темур фармонига биноан йиғилган катта лашқар Хуросон томон йўлга чиқди. Амир Темур кўшинлари дарёдан кечиб ўтиб Андхуд шаҳрига етиб келишгач, Соҳибқирон шу ерлик авлиё Бобо Сангунни зиёрат қилади. Шарафуддин Али Яздий бу воқеани қуйидагича ҳикоя қилади: «Ва Бобо Сангу, жазаба ва ҳолатиким, анда бор эди, бир қўйнинг тўшини ҳазрат қошига ташлади. Ул ҳазрат шу кун тутиб, тўшни олиб дедиким, «Хуросонким, ер юзининг тўши тутур, бизга тангри бергуси тутур»⁴⁵.

Амир Темур кўшинлари дастлаб Малик Ғиёсиддиннинг укаси бошқараётган Сарахс қалъасини жангсиз буйсундирдилар.

⁴⁵ Шарафуддин Али Яздий. Ўша асар. Б. 89

Шунингдек, Соҳибқирон кўшинлари Малик Ғиёсиддин кўшинларини бирлашишига йўл қўймаслик мақсадида тезлик билан Кусуй ва Жом вилоятлари томон ҳаракат қилди. Натижада Кусуй ҳукмдори Паҳловон Маҳдий ҳам иложсиз қолиб, жангсиз таслим бўлишни маъқул кўрди.

Соҳибқирон бошчилигидаги ҳарбий кучлар юришни давом эттириб, Хуросоннинг йирик қалъаларидан бири ҳисобланадиган Фушанж қалъасини қамал қилдилар. Қалъани эгаллаш учун 3 кун тайёргарлик кўрилди ва тўртинчи кун хужум билан қалъа забт этилди. Соҳибқироннинг ўзи ҳам бу жангда жиба(совут)сиз қатнашиб, ўз аскарларини мардонавор жанг қилишга чорлаб турди, икки бора қалқони уни камон ўқларидан сақлаб қолди.

Шундан сўнг барча кўшинлар Ҳирот томон юриб, янги бунёд этилган ҳисорни қамал қилди. Дастлабки жанглардан сўнг Амир Темур тинч аҳоли ағарда жангда қатнашмаса уларга зарар етказилмаслиги ҳақидаги хабарни Ҳиротда тарқатишга эришгач, қаршилик кескин пасайиб кетди ва Малик Ғиёсиддин таслим бўлишга мажбур бўлди. Шундай қилиб, Яздийнинг таъкидлашича 1381 йилнинг апрел ойида Хуросон пойтахти Ҳирот шаҳри эгалланди. Ҳиротнинг яна бир мустаҳкам қалъаси Ашқалчада турган Малик Ғиёсиддиннинг ўғли Амир Ғурий ҳам ўз қалъасини голибларга топшириб, таслим бўлишни маъқул кўрди.

Соҳибқирон фармонига кўра, Ҳиротнинг ташқи қалъаси бузиб ташланди. Наққошлик санъатининг олий намуналари бўлмиш темир дарвозалар Кеш шаҳрига юборилди. Шунингдек, Ҳиротлик машҳур уламо Мавлоно Қутбиддин ва яна 200 нафар ўз ишининг усталари ҳунармандлар Самарқанд шаҳрига кўчирилди.

Ҳирот забт этилгач, Соҳибқирон амир Жаҳоншоҳ Жақуни Нишопур томон жўнатиб, ўзи асосий кучлар билан Хуросон юришида қатнашишни истамаган Алибек Жоникурбонийнинг мулклари бўлмиш Тус ва Калот томон юрди. Юриш хабари келиши билан Алибек ва Сабзавор ҳокими Хожа Али Муаййид Сарбадор келиб таслим бўлдилар. Мазондорон ҳокими Амир Валибекка қарашли Исфароин шаҳри эса жанг билан эгалланди.

Амир Темур Самарқандга қайтиш олдидан Сарахсни ўғли Мироншоҳ мирзога инъом этди. Хуросоннинг қолган худудларини эса ўз ҳокимлари ихтиёрида қолдириб, уларни қарам мулк сифатида сақлашни маъқул кўрди.

Кейинги йили Амир Темур яна Хуросонга юриш қилишга мажбур бўлди. Соҳибқирон ҳукмронлигини тан олган Сабзавор шахрига Мазондорон ҳокими амир Валининг ҳужум қилганлиги ушбу юришнинг бошланишига сабаб бўлди. Амир Темур дастлаб имкон қадар итоатсизлик қилаётган амир Алибекнинг устига бостириб борди ва Калот қалъасини қамал қилди. Қамал вақтида Соҳибқирон фармонига биноан Калот яқинидаги Қаҳқа қалъаси қайта тикланади. Академик В.В. Бартольд бу қалъа Амир Темур томонидан янги қурилганлигини таъкидлаган бўлсада, профессор А. Аҳмедов Яздийнинг маълумотларига асосланиб, Соҳибқирон томонидан қайта тикланганлигини тўғри таъкидлайди⁴⁶. Калотни қамалда қолдирган ҳолда Соҳибқирон қолган кўшинлари билан юришни давом эттирди ва Туршиз вилоятига кириб бориб, унинг қалъасини забт этди. Бу мустақамлиги билан машҳур қалъанинг бошлиғи Амир Али Садидий бўлиб, садидийлар жамоасининг етакчиси эди. Садидийларнинг келиб чиқиши Ғур вилояти билан боғланади. Ушбу жамоа баҳодирлиги ва қалъаларни ҳимоя қилишдаги маҳорати бўйича шуҳрат топган эди. Уруш тугагач, Амир Темур Дашти Қипчоқ чегарасидаги Туркистон вилоятининг қалъаларни ҳимоя қилиш учун садидийларни шимолий чегараларга кўчирди.

Амир Темурнинг Хуросондаги фаол ҳаракатлари Форс шоҳи Шужоъни хавотирга солди ва соҳибқирон ҳузурига Умаршоҳ бошчилигида ўз элчиларини жўнатди. Элчилар ўзаро дўстликни мустақамлаш борасида келишиб, аслида эса Амир Темур кўшинларнинг салоҳияти ва мақсадлари ҳақида дастлабки маълумотларни олиб ортга қайтдилар.

Бу орада Мазондарон ҳокими Алибек ҳам итоат этганлигини билдириб, элчи жўнатди. Амир Темур Самарқандга

⁴⁶ Шарафуддин Али Йаздий. Ўша асар. Б. 328

қайтаётганида Калот қалъаси ҳам эгалланди ва унинг ҳокими Алибек Жоникурбоний бор уруғ аймағи билан Самарқандга кўчирилди.

Бу сафар аввалгидек фақат Сарахс эмас, бутун Ғирот вилояти Мироншоҳ мирзога тақдим этилди. Шунингдек, Ғирот ҳокими Малик Ғиёсиддин, унинг ўғли Амир Ғурий ва иниси Малик Муҳаммад Андижон ҳамда Самарқандга кўчирилди. Лекин кўп ўтмай улар қатл этилди. Бунинг сабаби ўша вақтда Ғиротда юз берган нохуш воқеалар эди.

Мироншоҳнинг ҳали Ғиротга келиб улгурмаганлиги ва бу ерда темурийларнинг ҳокимияти у қадар мустақам эмаслигидан фойдаланган Ғурийларнинг Малик Ғиёсиддинга душман бўлган қабилалари (Амир Темур уларни Ғур вилоятини ҳукмдорлари сифатида тан олган эди) Ғиротга кириб келдилар ҳамда шахарни эгаллаб олдилар. Мироншоҳ тезда етиб келиб исённи бостирди. Шу исён сабабли Ғурийлар сулоласи ҳукмронлиги тўлиқ тугатилди.

1383 йили Амир Темур яна Мазондарон томон юриш бошлади. Бу вақтда Сабзавор ҳокими этиб тайинланган Шайх Довуд Сабзаворий ҳам исён бошлади. Лекин тез орада бу исён ҳам бостирилди. Исён бостирилгач, Амир Темур Ғирот ва Сабзавор аҳолисини исёнда иштирок этганлиги учун жазолашга қарор қилди. Жазо тариқасида ҳар икки шахар аҳолисидан моли омон пули йиғиб олинди. Шунингдек, Сабзавор қалъаси ҳам бузиб ташланди ва шахар аҳолисидан икки минг киши ўлдирилди.

Соҳибқирон эса Мазондороннинг ичкарасига кириб бормай, Сейистон томон юришни давом эттирди. Сейистондаги жанглarda Амир Темурнинг ўзи ҳам бир неча бор жангга кириб, мардлик намунасини кўрсатди. Ниҳоят, 1383 йилнинг 22-25 декабр кунлари Сейистон ҳам фатҳ этилди ва Шох Қутбиддин яқинлари билан Самарқандга кўчирилди.

Мулоҳаза юритинг: Нима учун Амир Темур Мазондаронга уюштирилаётган юришни бу сафар ҳам кейинга қолдирди?

Амир Темур Самарқандга қайтиш олдиан Сарахсни ўгли Мироншоҳ мирзога инъом этди. Хуросоннинг қолган худудларини эса ўз ҳокимлари ихтиёрида қолдириб, уларни қарам мулк сифатида сақлашни маъқул кўрди.

Кейинги йили Амир Темур яна Хуросонга юриш қилишга мажбур бўлди. Соҳибқирон ҳукмронлигини тан олган Сабзавор шахрига Мазондорон ҳокими амир Валининг хужум қилганлиги ушбу юришнинг бошланишига сабаб бўлди. Амир Темур дастлаб имкон қадар итоатсизлик қилаётган амир Алибекнинг устига бостириб борди ва Калот қалъасини қамал қилди. Қамал вақтида Соҳибқирон фармонида биноан Калот яқинидаги Қаҳқа қалъаси қайта тикланади. Академик В.В. Бартольд бу қалъа Амир Темур томонидан янги қурилганлигини таъкидлаган бўлсада, профессор А. Аҳмедов Яздийнинг маълумотларига асосланиб, Соҳибқирон томонидан қайта тикланганлигини тўғри таъкидлайди⁴⁶. Калотни қамалда қолдирган ҳолда Соҳибқирон қолган кўчинлари билан юришни давом эттирди ва Туршиз вилоятига кириб бориб, унинг қалъасини забт этди. Бу мустақамлиги билан машҳур қалъанинг бошлиғи Амир Али Садидий бўлиб, садидийлар жамоасининг етакчиси эди. Садидийларнинг келиб чиқиши Ғур вилояти билан боғланади. Ушбу жамоа баҳодирлиги ва қалъаларни ҳимоя қилишдаги маҳорати бўйича шуҳрат топган эди. Уруш тугагач, Амир Темур Дашти Қипчоқ чегарасидаги Туркистон вилоятининг қалъаларни ҳимоя қилиш учун садидийларни шимолий чегараларга кўчирди.

Амир Темурнинг Хуросондаги фаол ҳаракатлари Форс шоҳи Шужоъни хавотирга солди ва соҳибқирон хузурига Умаршоҳ бошчилигида ўз элчиларини жўнатди. Элчилар ўзаро дўстликни мустақамлаш борасида келишиб, аслида эса Амир Темур кўшинларнинг салоҳияти ва мақсадлари ҳақида дастлабки маълумотларни олиб ортга қайтдилар.

Бу орада Мазондорон ҳокими Валибек ҳам итоат этганлигини билдириб, элчи жўнатди. Амир Темур Самарқандга

⁴⁶ Шарафуддин Али Йаздий. Ўша асар. Б. 328

қайтаётганида Калот қалъаси ҳам эгалланди ва унинг ҳокими Алибек Жоникурбоний бор уруғ аймағи билан Самарқандга кўчирилди.

Бу сафар аввалгидек фақат Сарахс эмас, бутун Ғирот вилояти Мироншоҳ мирзога тақдим этилди. Шунингдек, Ғирот ҳокими Малик Ғиёсиддин, унинг ўғли Амир Ғурий ва иниси Малик Муҳаммад Андижон ҳамда Самарқандга кўчирилди. Лекин кўп ўтмай улар қатл этилди. Бунинг сабаби ўша вақтда Ғиротда юз берган нохуш воқеалар эди.

Мироншоҳнинг ҳали Ғиротга келиб улгурмаганлиги ва бу ерда темурийларнинг ҳокимияти у қадар мустақам эмаслигидан фойдаланган Ғурийларнинг Малик Ғиёсиддинга душман бўлган қабилалари (Амир Темур уларни Ғур вилоятини ҳукмдорлари сифатида тан олган эди) Ғиротга кириб келдилар ҳамда шаҳарни эгаллаб олдилар. Мироншоҳ тезда етиб келиб исённи бостирди. Шу исён сабабли Ғурийлар сулоласи ҳукмронлиги тўлиқ тугатилди.

1383 йили Амир Темур яна Мазондорон томон юриш бошлади. Бу вақтда Сабзавор ҳокими этиб тайинланган Шайх Довуд Сабзаворий ҳам исён бошлади. Лекин тез орада бу исён ҳам бостирилди. Исён бостирилгач, Амир Темур Ғирот ва Сабзавор аҳолисини исёнда иштирок этганлиги учун жазолашга қарор қилди. Жазо тариқасида ҳар икки шаҳар аҳолисидан моли омон пули йиғиб олинди. Шунингдек, Сабзавор қалъаси ҳам бузиб ташланди ва шаҳар аҳолисидан икки минг киши ўлдирилди.

Соҳибқирон эса Мазондороннинг ичкарасига кириб бормай, Сейстон томон юришни давом эттирди. Сейстондаги жангларда Амир Темурнинг ўзи ҳам бир неча бор жангга кириб, мардлик намунасини кўрсатди. Ниҳоят, 1383 йилнинг 22-25 декабр кунлари Сейстон ҳам фатҳ этилди ва Шох Қутбиддин яқинлари билан Самарқандга кўчирилди.

Мулоҳаза юритинг: Нима учун Амир Темур Мазондоронга уюштириладиган юришни бу сафар ҳам кейинга қолдирди?

Анинг учунким, Эрон вилоятида андоқ подшоҳким Эрон вилоятини забт қилгай, йўқ. Ва бир неча подшоҳким бор эди, барчаси бир-бирига йаағи эрдилар, бир-биридан қўрқиб, вилоятларидан ҳика олмас эдилар. Анинг учун мундоқ балолар рабият ва фақиру мискинга тегар эрди»⁴⁸. Чиндан ҳам кўп ўтмай, Табриз Соҳибқирон қўшинлари томонидан эгалланди. Бу Амир Темурнинг, 1386 йили бошланган юришида амалга ошди. Бу юриш давомида Соҳибқирон қўшинлари карвонларни талон тарож қилганлиги учун Луристон вилоятининг бир қатор кентларини, айниқса, Хуррамободда қароқчи гуруҳларни тор мор этиб Озарбайжон сари юрди. Султон Аҳмад Жалойир Табризни ҳимоя қила олмай, Боғдогга чекинди ва Озарбайжон пойтахти Амир Темур давлати таркибига жангсиз киритилди. Шундан сўнг у ерда ҳаёт кўп ўтмай ўз изига тушганлигини Низомиддин Шомий таъкидлаб ўтади. Шомийнинг ёзишича: «Маълум бир муддатгача қуббат ул-ислом бўлмиш Табриз шаҳри хароб, нообод, равнақсиз ва кимсасиз қолди. Лекин Амир Соҳибқироннинг ёсоқ ва адолатли баракотидан яхшиланиб, Амирнинг адлу додхоҳлиги соясида мазлум халқ яна манзилларига қайтиб, ҳаёт кечири бошладилар»⁴⁹.

Табриз эгалланганидан сўнг Амир Темур қўшинлари Арманистон ва Гуржистон ҳудудларига кириб борди. Шиддатли жанглар билан Гуржистон пойтахти Тифлис (Тбилиси) шаҳри эгалланиб, ушбу мамлакат подшоҳи Буқрот асир олинди. Соҳибқирон қўшинлари тоғларда жойлашган грузин қалъаларини бирин кетин эгаллаб, бутун мамлакатни забт этдилар. Шундан сўнг Қорабоғни ўз қароргоҳига айлантирган Амир Темур Буқрот Ислом динини қабул қилгач, уни яна ўз мамлакатинининг ҳукмдори этиб тайинлади. Шу кунларда Шимолий Озарбайжон, яъни Ширвон ҳукмдори амир Шайх Иброҳим ҳам ўз аёнлари билан келиб итоатга кирди.

Мулоҳаза юритинг: Амир Шайх Иброҳим нима учун теурийлар давлати ҳимоясига ўтишни маъқул қўрган?

⁴⁸ Шарафуддин Али Йаздий. Уша асар. Б. 106

⁴⁹ Низомиддин Шомий. Уша асар. Б. 133

Амир Темурнинг Кавказортидаги ғалабалари Тўхтамишни ташвишга солди ва у ўз қўшинларининг бир қисмини Дарбанд домини орқали Кавказортига жўнатди. Лекин бу қўшин Мироншоҳ мирзо бошчилигидаги ҳарбий кучлар томонидан йўқ қилинди. Амир Темур бошчилигидаги асосий кучлар эса бу вақтда туркман қабилаларини бўйсундириш билан банд бўлди. Шунингдек, арманларнинг Ван ва Востон вилоятлари ҳам забт этилди.

Тўхтамишхоннинг Кавказорти ва Эронга бостириб кириш йўлларини тўлиқ кесиб қўйишга эришган Соҳибқирон ўзининг асосий кучларини Форс вилоятини бўйсундириш учун ташлаш имкониятига эга бўлди. 1387 йили Амир Темур Шох Шужонинг ўғли Зайналобиддин ҳукмронлик қилаётган Исфаҳонга қўшин тортиб борди. Шаҳар жангсиз таслим бўлгач шаҳарга «Така баҳоси» деб аталган моли омон солигини олишга фармон берилди. Солиқни йиғиб олиш учун Нур Мулк Барлос, Муҳаммад Султоншоҳ ва Баён Темур каби саркардалар масъул этиб тайинланди. Шаҳар аёнлари эса Соҳибқирон қароргоҳида ушлаб турилди. Муҳассиллар шаҳарга кирган куни кечаси шаҳар аҳолисининг бир қисми Али Кўчапо бошчилигида исён кўтариб солиқчиларни ва улар билан кирган 3 мингдан ортиқ аскарни кириб ташладилар. Амир Темур саркардаларидан Баён Темур ҳам шу исёнда ҳалок бўлди. Бу хабар тонгда Амир Темурга етказилгач, шаҳарни жанг билан эгаллашга фармон берилди. Шаҳар қўлга киритилиши билан Хожа Имомиддин Воиз яшаган маҳаллани қўриқлаган ҳолда бошқаларни қатли ом қилишга рухсат берилди. Натижада 70 мингдан ортиқ аҳоли ҳалок бўлди. Ушбу даҳшатли воқеа 1387 йили 15 ноябр куни бўлиб ўтади.

Айнан мана шу воқеадан Амир Темур шахсини қоралаш учун кенг фойдаланилди. Кўпгина тарихчилар Амир Темур ўз даврининг одами сифатида исёнини шафқатсизлик билан бостиришга мажбур бўлганлигини таъкидлайдилар. Шу ўринда Х.Вамберининг куйидаги сўзларини эслаш ўринли «у (яъни Темур – Б.У.) аскарига Исфаҳонни талон-тарож қилишга рухсат берганда, уламолар маҳалласига шафқат қилишни амр этган...

Энди шу кишини вахший, марҳаматсиз деб аташ мумкинми? Бинобарин, Темурни Чингиз ила бир сафга кўшиб, уни вахший, золим, қароқчи деб атаганларнинг фикрлари икки маротаба хатодир»⁵⁰.

Амир Темур Амир Ҳожибек ва Туманшоҳларни (Шомийда Нубиншоҳ) Исфаҳонни муҳофаза қилиш ҳамда бошқариш учун қолдириб, Шероз томон юрди. Бу вақтда Шерозда бўлган шоҳ Зайналобиддин шаҳарни ташлаб чиқишга мажбур бўлди. Бундан фойдаланган Музаффарийлар сулоласининг яна бир вакили Шоҳ Мансур Зайналобиддин кўшинларини ўз томонига оғдириб олади. Натижада Шоҳ Мансур Шерозни қўлга киритган бўлса-да, уни ўз қўлида сақлаб қола олмади ва уни Амир Темурга қолдириб, чекинди. Соҳибқирон кўшинлар 1387 йилнинг 13 декабр куни Шерозга кириб келдилар. Шаҳар аҳолиси жангсиз таслим бўлиб, шаҳарга минг туман (10 млн) кўппаки миқдорда моли омон солиғи солинди.

Амир Темур Форс вилоятини Музаффарийлар сулоласи қўлида сақлаб қолишни лозим топди. Натижада Шоҳ Яхё Шероз, Султон Муҳаммадни Исфаҳон, Султон Аҳмадни Кермон вилоятини ҳокими этиб тайинлади. 1388 йилнинг 9 феврал куни Форс вилоятини тарк этиб, Самарқанд томон йўлга чиқди. Шу билан Амир Темурнинг 1585-1387 йилларни ўз ичига олган 3 йиллик юриши якунига етди. Бу юриш натижасида Шимолий ва Марказий Эрон, Озарбайжонда Амир Темур ҳокимияти ўрнатилди. Шунингдек, Ширвон, Арманистон, Грузия мамлакатлари ҳам Амир Темур ҳукмронлигини тан олишга мажбур бўлдилар. Лекин бу мамлакатларнинг аксарияти Соҳибқирон кўшинлари Хоразм, Олтин Ўрда ва Мўғулистон ҳукмдорларининг иттифоқига қарши кураш олиб борган йилларда (1388-1391) ўз мустақилликларини тиклаб олдилар.

Беш йиллик Амир Темур 1392 йилнинг 7 июнида 5
ҳарбий юриш ва йиллик юришга тайёргарлик кўришга
унинг натижалари. фармон берди. Шу йилнинг 22 июлида эса

⁵⁰ Вамбери Х. Мовароуннахр ёхуд Бухоро тарихи.-Т.: Ф. Гулом нашр, 1990. Б.48.

Эрон томон янги юриш бошланди. Амир Темур дастлаб Каспий денгизининг жанубидаги ҳудудларни қайтадан бўйсундиришга мажбур бўлди. Бу ҳудудлар ҳам Соҳибқирон Тўхтамиш ва унинг иттифоқчиларига қарши кураш билан банд бўлганда, ўз мустақилликларини тиклаб олган эди. 1392 йилнинг октябр ойига келиб Омул ва Сори ҳукмдорлари Саййид Камолуддин ва Саййид Ризоуддинлар қўли остидаги бир қатор қалъалар жанг билан эгалланди. Саййид Камолуддин оиласи билан Хоразмга, шу сулола вакиллари билан Саййид Муртазо ва Саййид Абдуллоҳлар Тошкент шаҳрига сургун қилинди.

1392 йилнинг ноябр ва декабр ойларида Амир Темур Журжон вилоятида Шасмон мавзейида янги сарой қурдиради. 1393 йилнинг 9 январиде Амир Темур юришни давом эттиришга фармон берди. Соҳибқирон кўшинларининг бир қисми Эрон Озарбайжони ва Шимолий Ироқ ҳудудларини қайта забт этиб, Амир Темур ҳокимиятини мустаҳкамладилар. Амир Темурнинг ўзи эса 1393 йилнинг март ойида Шероз томон юриш бошлади. Бу вақтда Марказий Эронда ҳокимиятни Шоҳ Мансур қўлга киритиб олган бўлиб, у музаффарийлар сулоласининг энг мард ва енгилмас вакили эди. Шоҳ Мансур Шероз, Исфаҳон ва Абарқўҳни, Шоҳ Яхё Яздни, Султон Аҳмад Кермонни ва Султон Абу Исҳоқ Сиржонни бошқараётган эди. Шероз яқинида бўлиб ўтган жангда Шоҳ Мансур кўшининг тор-мор этилиши ва унинг ўзини ҳалок бўлиши, аслида музаффарийлар сулоласи тақдирини ҳам ҳал қилди. Музаффарийлар ўртасида тахт учун курашлар Форс вилоятини харобазорга айлантираётганлиги учун ҳам аҳолининг илтимосига кўра бу сулоланинг ҳукмронлигига барҳам берилди. Барча музаффарийлар ўз мулкларидан маҳрум бўлдилар. Уларнинг бир қисми қатл этилди, бир қисми эса Самарқанд шаҳрига сургун қилинди. Бу ҳақида Шарифуддин Али Яздий шундай ҳикоя қилади: « Бу маҳалдаким, вилоят соҳибқирон тасарруфида бўлди, барча вилоятларнинг содот ва қазот ва арбоблари келиб, бу воқеаларни арз қилди ва дедиларким, «Умидимиз сиздин ултурурким, бу вилоятларда йана Оли музаффарни қўймағайсиз. Ва агар йана буларга бу вилоятларда дахл берсангиз, вилоят бузулур ва фақир мискин хароб

бўлур»⁵¹. Музаффарийлар сулоласи тугатилгач, уларга тегишли мулклар, яъни Марказий Эрон тўлиқ Умаршайх мирзога суюрғол этиб берилди.

Шундан сўнг Амир Темур Исфахон орқали Шимолий Ироқ худудлари томон йўлга чиқди. 1393 йилнинг ёзида Рай, Озарбайжон, Ширвон, Боку ва Дарбанд худудлар турк султонлиги ерларигача Мироншоҳ мирзонинг суюрғоли деб эълон қилинди. Уша давр тили билан айтганда Элхонийлар тахтига Мироншоҳ мирзо ўтказилди.

Соҳибқирон Озарбайжонда турган вақтида Боғдоддан шайхулислом Шайх Нуриддин Исфароний элчи бўлиб келди. У Боғдод султони Аҳмаднинг итоатда эканлигини билдириб, совға-саломларини етказса-да, Амир Темур Боғдодга юришни тўхтатишни истамади. Элчи Шайх Нуриддин Исфаронийнинг илмини эъзозлаб, ҳурматини жойига қўйган Соҳибқирон унинг кетишига рухсат берди.

1393 йилнинг 21 август куни Амир Темур қўшинлари Боғдод султонлигини забт этиш учун ҳарбий юришни бошладилар. Соҳибқирон қўшинларининг яқинлашиб келаётганлигини эшитган Султон Аҳмад ўз мамлакатини ташлаб Дамашқ томонга қочиб кетишга қарор қилди. Шаҳардан биринчи бўлиб кейинчалик «Зафарнома» асарининг муаллифига айланган Низомиддин Шомий Амир Темур ҳузурига етиб келди ва Соҳибқирон хизматига кирди.

Боғдод деярли жангсиз эгалланган бўлса-да, шаҳар аҳолиси, савдогарлар ва ҳаж сафарига борувчи йўловчиларнинг илтимосига кўра Мовароуннаҳр лашкари Такрит қалъасини забт этишга киришди. Бу қалъага жойлашиб олган бир гуруҳ қароқчилар Миср ва Дамашқ йўлидан ўтувчи йўловчи ҳамда савдогарларни тинимсиз талон-тарож қилар, ҳеч бир ҳукмдор уларга бас кела олмаган эди. Бу қалъа ҳақида турли хил ривоят ва афсоналар тўқилган бўлиб, уларда бу енгилмас қалъа «Қалъаи Салосил» номи билан машҳур бўлган. Бир неча кунлик шиддатли жанглардан сўнг қалъа штурм билан забт этилди. Соҳибқирон қалъани ер би-

⁵¹ Шарафуддин Али Йаздий. Уша асар. Б. 155

лан яқсон қилишга фармон бераркан, шаҳар деворларнинг бир қисмини тарих учун сақлаб қолишни буюрди. Низомиддин Шомий «токи бундан кейин олам аҳлига бу қалъанинг қай даражада маҳкам ва мустаҳкам бўлганлиги ҳамда мардлик, билан кўчи билан ва подшоҳона раъю тадбир туфайли унинг қай тарзда эгалланганлиги маълум бўлсин», - деб ёзган эди⁵².

Кўп ўтмай Мовароуннаҳр лашкари Ироқнинг Басра ва Восит шаҳарларини ҳам эгаллади. Басрани бошқариш Амир Темур лашкаридаги сарбадорларнинг етакчиларидан бирига топширилган бўлса, Боғдодни бошқариш ҳам сарбадорларнинг етакчиларидан бири Хожа Масъуд Сабзаворийга топширилди. Низомиддин Шомий Хожа Масъудни Боғдод аҳлини жуда меҳрибонлик билан бошқарганлигини алоҳида қайд этади⁵³.

Боғдод шаҳридан сўнг Амир Темур қўшинлари Диёрбакр вилояти томон йўлга чиқди ва Мордин шаҳри бўйсундирилди. Айнан шу вақтда Шероздан йўлга чиқиб асосий қўшинга қўшилиш учун келаётган Умаршайх Мирзо Хориату мавзейи яқинида тасодифан келиб теккан камон ўқи туфайли ҳалок бўлди. 1394 йилнинг январида содир бўлган бу фожеадан сўнг Форс вилоятини бошқаришни марҳумнинг ўғли Пир Муҳаммад мирзога топширилди.

1394 йил давомида Соҳибқирон қўшинлари Гуржистон, Диёрбакр, Фарбий Озарбайжондан то турк султонлиги ерларигача бўлган ерлардаги баъзи бўйсундирилмаган қалъаларни забт этдилар. Авник, Аланжик, Ойдин каби қалъалари шулар жумласидандир. Бу даврда Амир Темурнинг ашаддий рақибига айланган Қора куюнли туркманлар сардори Қора Юсуф тор-мор келтирилди ва у ҳам Дамашқ томонга қочиб кетди. Туркия чегарасидаги Арзинжон вилояти ҳукмдори Тахуртан эса Амир Темур ҳукмронлигини тан олиб, унинг вассалига айланишни маъқул кўради.

Шундай қилиб, беш йилик юриш давомида Шимолий Эрон тўлиқ забт этилади ва у ердаги маҳаллий Саййидлар сулоласи ҳукмронлиги барҳам топади. Яна бир йирик ҳукмдорлар сулоласи бўлмиш Музаффарийлар сулоласи ҳам тугатилиб, Форс ўлка-

⁵² Низомиддин Шомий. Уша асар. Б. 191

⁵³ Низомиддин Шомий. Уша асар. Б. 192

си Умаршайх мирзо, сўнгра унинг ўгли Пир Муҳаммад мирзо бошқарувига ўтказилди. Ширвон, Озарбайжон, Курдистон, Арманистон, Гуржистон ҳудудларида Соҳибқирон ҳукмдорлиги мустаҳкамланиб, Ироқ мамлакати бўйсундирилди. Юқорида таъкидланган ҳудудлар эса Мироншоҳ мирзо бошқарувига топширилди.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқлар

Ушбу атама ва географик номларни изохланг: Мовароуннахрнинг зарбий, шимолий ва шарқий ҳудудлари, Хуросон, Хирот, волий, Андхуд шаҳри, Сарахс қалъаси, Кусуй ва Жом вилоятлари, Фушанж қалъаси, жиба, ҳисор, Ашқалча, Нишонур, Тус, Калот, Сабзавор, Мазондорон, Исфарион, Қаҳқа қалъаси, Туршиз вилояти, садидийлар, Ғур вилояти, Ғурийлар сулоласи, Қандаҳор, афгон қабилалари, Рай шаҳри, Султония шаҳри, Табриз шаҳри, Рустамдор вилояти, Омул, Сорри, Астробод, Луристон вилояти, Хуррамобод, Арманистон, Гуржистон Тифлис (Тбилиси) шаҳри, Қорабоғ, Шимолий Озарбайжон, Ширвон, Кавказорти, Дарбанд доғони, Ван ва Вастон вилоятлари, Форс вилояти, Исфаҳон, «Тақа баҳоси», Муҳассил, Шероз, минг туман, Каспий денгизининг жанубидаги ҳудудлар, Журжон вилояти, Шасмон мавзеи, Абарқўҳ, Язд, Сиржон, содот, қазот, Оли музаффар, суюрзол, Хулағухон тахти, «Қалъаи Салосил», Басра ва Восит шаҳарлари, Диёрбақр вилояти, Мордин шаҳри, Хориату мавзеи, Авник, Аланжик, Ойдин, Арзинжон вилояти, Саййидлар сулоласи

Ушбу тарихий шахслар ҳақида нималарни биласиз: Малик Ғиёсиддин, Ҳожи Сайфуддинбек, Бобо Сангу, Паҳловон Маҳдий, Амир Ғурий, Мавлоно Қутбиддин, амир Жаҳоншоҳ Жаку, Алибек Жониқурбоний, Ҳожа Али Муаййид Сарбадор, Амир Валибек, Амир Али Саидий, Малик Муҳаммад Жаҳонгир, Жалолиддин Шужоғ, Умар Аббос, Сариқ Одил, Саййид Камолиддин, Саййид Разиуддин, М. Абдураимов, Букрот,

амир Шайх Иброҳим, Зайналобиддин, Нур Мулк Барлос, Муҳаммад Султоншоҳ, Баён Темур Али Кўчано, Ҳожа Имомиддин Воиз, Х.Вамбери, Амир Ҳожибек, Туманшоҳ, Шох Мансур, Шох Яҳё, Султон Муҳаммад, Султон Аҳмад, Саййид Муртазо, Саййид Абдуллоҳ, Султон Абу Исҳоқ, Шайх Нуриддин Исфарионий, Низомиддин Шомий, Ҳожа Масъуд Сабзаворий, Пир Муҳаммад мирзо, Қора Юсуф, Тахуртан.

Ушбу тарихий саналарда бўлиб ўтган воқеаларни аниқланг ва уларни ёдда тутинг:

1381 йил, 1380 йил, 1381 йилнинг феврал оyi, 1381 йилнинг апрел оyi, 1383 йили, 1383 йилнинг 22-25 декабр кунлари, 1381-1383 йиллар, 1384 йилнинг баҳори, 1385 йили, 1379-80 йиллар, 1385 йилнинг қиши, 1387 йили, 1387 йили 15 ноябр, 1387 йилнинг 13 декабр куни, 1388 йилнинг 9 феврал куни, 1585-1387 йиллар, 1388-1391, 1392 йилнинг 7 юни, 1392 йилнинг октябр оyi, 1392 йилнинг ноябр ва декабр ойлари, 1393 йилнинг 9 январь, 1393 йилнинг март оyi, 1393 йилнинг ёзи, 1393 йилнинг 21 август, 1394 йилнинг январь, 1394 йил давоми.

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИ ХУДУДЛАРИНИНГ ҒАРБ ТОМОН КЕНГАЙИБ БОРИШИ

Миср ва Усмонли турклар давлатлари билан муносабатларнинг кескинлашуви. Кириш қисмида ҳам кўриб чиққанemizдек, XIV аср охирида вужудга келган муайян халқаро вазиятда Осиё, қисман Африка ва

Европа худудида Усмонли Турклар султонлиги, Амир Темур салтанати, Миср мамлуклар салтанати ва Олтин Ўрда каби йирик давлатлар манфаатлари ўзаро тўқнашди. 1395-96 йилларда Олтин Ўрданинг узил-қесил тор-мор келтирилиши натижасида Амир Темур Ғарбий йўналишда ташки сиёсий фаолиятни бемалол ошира олиш имконига эга бўлди. Худди шу вақтда, яъни 1399 йили Миср, Мўғулистон ва Хитой хукмдорларининг вафот этиши натижасида мазкур худудларда бошланган сиёсий бекарорлик Амир Темурга янада қулайлик туғдирди.

1382 йили Мисрда ҳокимият тепасига келган Султон аз-Зоҳир Барқуқ бошлиқ черкас мамлуклари давлати ўз даврининг қудратли салтанатларидан бири эди. Ўрта ер денгизининг шарқий соҳиллари, жумладан, Сурия ҳам унинг таркибига кирарди. Ироқ ва Ҳижоз эса Мисрга маълум даражада қарам худудлар ҳисобланган. Амир Темур давлати худудларинг Ғарбга қараб кенгайиб бориши, ушбу давлатлардан ташқари яна кўплаб Олд Осиёдаги ҳокимликлар ва амирликлар томонидан мамлуклар давлатини эътироф этилишига олиб келди. Ушбу эътироф мамлуклар давлати билан тузилган иттифоқ (аслида қарамлик) шартномаларида акс этарди. Мисол учун, ҳали Амир Темур Шимолий Эронни бўйсундириш учун курашаётган вақтдаёқ, яъни 1383 йили Синжар, Қайсария ва Такрит ҳокимлари Миср султонига мактуб йўллаб, хутбани унинг номига бағишлаганликларини билдиришган. Бунга жавобан эса Султон Барқуқ уларни ўз ноиблари этиб тайинлаган эди.

Дастлаб Амир Темур билан Султон Барқуқ ўртасидаги расмий алоқалар тарихига тўхталиб ўтсак. Бу алоқалар 1385 йилдан бошланган бўлиб, 1385 йилдан то 1405 йилгача Амир Темур ҳамда Миср султони Барқуқ ва Фараж, шунингдек, уларнинг

Суриядаги ноиблари ўртасида тахминан 25 марта мактуб ва элчилар алмашуви бўлган.

1385 йил ноябр ойида Амир Темур махсус элчи орқали Султон Барқуққа мактуб йўллаган ва Элчи Қоҳирада яхши кутиб олиниб, дўстлик руҳида кузатиб қўйилган. Лекин бу муносабатлар тезда кескинлашиб кетди.

1388 йилда Миср лашкари билан Амир Темур қўшинларининг дастлабки кичик тўқнашуви бўлиб ўтган. Сивос туркманлари мамлукларнинг хужуми туфайли ҳимоя сўраб Амир Темурнинг Ғарбий Эрондаги ноибларига мурожат қилганлар. Жангда кам сонли темурий қўшин мағлуб этилган.

1388 йил охирида Амир Темур қўшинларининг Мовароуннаҳрда Хоразм, Олтин Ўрда ва Мўғулистон лашкарлари билан кураш олиб бораётган вақтида Табризни эгаллаб олган Қора Юсуфнинг Миср султони Барқуққа мактуб йўллаб, Табризда унинг номи билан пул зарб этиб, масжидларда унинг номи билан хутба ўқиштиши, Қора Юсуфнинг Миср султони Барқуқнинг Табриздаги ноиби этиб тайинланиши икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг келажақда кескинлашувидан дарак берарди.

Мулоҳаза юритинг: Нима учун Миср султони Барқуқ Амир Темурнинг рақиби Қора Юсуф томонидан Табризни эгаллаб олинишини қўллаб қувватлади? У бу ҳаракати орқали қандай сиёсий мақсадларни кўзлаган?

Ироқ ҳокими Султон Аҳмад ибн Увайснинг золимлиги ва шахсиятидаги кўплаб камчиликлар, Қора Юсуф билан биргаликда карвонларни, муқаддас ҳаж сафарига бораётганларни талаб, карвон йўлларида қароқчилик ҳам қилиши уларнинг сиёсий обрўйига ҳам жиддий путур етказган эди. Натижада улар Миср султони томонидан ҳар қанча қўллаб-қувватланмасин, бирор бир натижага эриша олмадилар ва беш йиллик юриш вақтида ўз мулкларидан батамом айрилдилар. Бунинг ҳақиқат эканлиги араб тарихчиси Ибн Арабшоҳнинг қуйидаги ҳикоясида ҳам ўз исботини топган: «Султон Аҳмад Ироқ ерларига эгалик

қилгач, жинойткор қўлини чўзиб, шафқату эзгулик қанотларини йиғиб олди. У ўзига ва раияларига зулм қилиб, кечаю кундузини жабру жафою, фасод ишлари (қилиш) билан ўтказди. Кейин у фисқу фужурда меъёридан ошиб, зохирана жинойтлару очик-ойдин ёвузликлар қила бошлади. У қон тўкишни эзгуликларни талаш ва номусларни таҳқирлашда восита қилди.

Айтишларича, Боғдод аҳли ундан нафратланиб, унинг дастидан Темурдан мадад сўраб арз қилганлар. Натижада, улар (ундан) «шундай сув куйингларки, у эритилган мис каби юзларни кабоб қилади», қабилида мадад олганлар. (Султон) Аҳмад ақл-хушини йиғиб олишга ҳам улгурмасданоқ, унинг устига бало келиб, тоторлар бостириб келиб, чиғатой аскарларидан суворийлар ва пиёдалар уни янчиб ташладилар. Бу машҳур шаввол (октябрь) ойининг мазкур шанба кунда (бўлган) эди. Душман (Темур) отличлари Султон Аҳмад пиёдалари устига ташланиб, шаҳар деворлари томон шитоб билан ёпирилдиларки, бу мавж урган денгиз уларни тўхтатиб қола олмади. Шаҳар аҳли Султон Аҳмад жангчиларига қаратиб камонлардан ўқ отдилар. Султон Аҳмад ўзи учун ягона нажот йўли-қочиб эканлигини фаҳмлади ва ўзи ишонадиганларга бош бўлиб (шаҳардан) чиқди ва Шомга қараб равона бўлди. Бир тоифа ярамас чиғатойликлар унинг орқасидан қувлаб кетдилар. Султон Аҳмад коча-қоча уларга ҳамла қилиб уларни чекинтирар, кейин эса ўзи орқароққа кочиб (қайтиб), уларни жангга чорлар эди. Улар ўрталарида шиддатли жанг бўлиб, икки томондан ҳам кўп одамлар ўлдирилди. Ниҳоят, Султон Аҳмад Ҳилла (шаҳри)га етиб бориб шаҳар кўпригидан Дажла (Тигр) дарёсидан ўтгач, кўприкни бузиб, асирлик кулфатидан халос бўлди. Тоторлар Султон Аҳмадни қувлашда давом этдиларки, оз бўлмаса, уларнинг бурунлари (Султон Аҳмаднинг) думига тегаёзган эди. Чиғатойликлар дарёга етиб келгач, кўприк бузилганлигини кўрдилар. Шунда улар ўзларини сувга ташлаб, (дарёнинг) нариги қирғидан чиқдилар ва Султон Аҳмад қочилишини, улар қувлашини давом эттирдилар»⁵⁴.

⁵⁴ Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур: Темур тарихида тақдир ажойиботлари. /Суз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни У. Уватов тайёрлаган. 1- китоб. -Т.: Мехнат, 1992, Б. 137

Шунингдек, Миср султони Барқук Мордин хокимларини ҳам Амир Темурга қарши қуллаб қувватлашга ҳаракат қилган.

Амир Темур 1393 йили Бағдоддан Қоҳирага, Султон Барқукқа оғзаки мактуб билан ўз элчиларини жўнатди. Улар давлатлар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилиши, савдо ва тижорат аҳллари бемалол борди-келди қилишлари, ўртада ҳеч қандай адоват ва ихтилоф бўлмаслиги ҳақидаги фикрларни билдиришди. Аслида элчиликнинг яна бир мақсади Мисрда расман қарам ва иттифоқдош ҳисобланган Ироқнинг Амир Темур томонидан забт этилишига Султон Барқукнинг муносабатини билиш бўлган бўлса керак.

Султон Барқук ушбу элчиларни қатл этади. 1394 йили Дамашқда Миср, Туркия ва Олтин Ўрда давлатлари ўртасидаги ҳарбий иттифоқ шартномаси тузилади.

Амир Темур Тўхтамишга қарши юриш билан банд бўлган вақтда, яъни 1395-1396 йилларда турк қўшинлари Мосулгача етиб келган бўлса, Миср султониининг қўшинлари Дажла дарёсидан ўтиб Бағдодга кириб келди. Улар ўзлари билан Қоҳирадаги қочоқ Султон Аҳмад ибн Увайс Жалойирни Бағдодга олиб келиб, Миср султониининг ноиб сифатида ўз тахтига ўтказдилар. Шу вақтда Авник қалъаси ҳокими Аталмиш Қавчин Қора Юсуф томонидан асир олинди ва Миср султонига инъом этилди.

Амир Темур Дашти Қипчоқ юришидан қайтиб келгач Хитой юришига тайёргарлик кўриш учун 1397 йили набираси Мухаммад Султонни 30 минг кишилиқ қўшин билан Мўғулистон чегараларига юборди. Ўзи эса 1398-1399 йиллари Ҳиндистон юриши билан банд бўлди.

Амир Темур Ҳиндистон юришини 1398 йилнинг март ойида бошлайди. Баъзи муаллифларнинг асарларида Амир Темурнинг Ҳиндистонга юришига унинг бош стратегик мақсади Буюк Ипак йўли устидан ҳукмронлик ўрнатиш ва унинг тўла хавфсизлигини таъминлаш, Шарқу Фарбни ўзаро иқтисодий алоқаларини ривожлантириш учун шароит яратишга алоқаси бўлмаган, фақат босқинчилик ва ўлжани қўлга киритишга қаратилган ҳарбий юриш сифатида баҳо берилади. Ушбу фикрларга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Ҳиндистон юришдан кўзланган асосий мақсадлардан

бири аслида ушбу мамлакатга олиб борувчи карвон йўллари хавфсизлигини таъминлаш бўлиб, бу йўлдаги афгон қабилаларининг доимий бебошлиги савдо ривожига катта тўсиқ эди. Ушбу юриш давомида Соҳибқироннинг асосан афгон қабилаларига қарши курашлар билан банд бўлганлиги, бу ердаги бузиб ташланган қалъалар ва бошқа мудофаа иншоотларини тиклашга катта эътибор қаратганлиги ҳам фикримизни қувватлайди. Асрлар мобайнида вайронага айланган Афғонистондаги Эрёб қалъаси⁵⁵ ҳам, Қорабоғдаги Байлокон шаҳри⁵⁶ ҳам қайтадан бунёд этилади. Албатта, бу шаҳарлар фақат маъмурчилик, ободончилик мақсадида бунёд этилган эмас. Бу каби шаҳар, қалъаларни бунёд этиш ва қайта тиклашда аввало, иқтисодий ва ҳарбий мақсадлар кўзланганлиги шубҳасиздир. Бунинг юқорида таъкидланган шаҳарларнинг иқтисодий ва ҳарбий-стратегик жиҳатдан муҳим жойларда жойлашганлиги ҳам тасдиқлайди. Мисол учун, Эрёб қалъаси Ҳиндистонга борадиган савдо йўли хавфсизлигини таъминлашда ва шу атрафдаги вилоятларни, аҳолини тобеъликда сақлашда муҳим ўрин тутган. Афғон қабилалари бўйсундирилгачина, Амир Темур кўшинлари Ҳиндистон ҳудудига кириб борди ва Деҳли яқинида 1398 йил 17 декабр куни бўлиб ўтган жангда Деҳли Султони Маҳмудхон Деҳлавийнинг 10 минг отлик, 40 минг пиёда ва 120 жанговар филлардан иборат кўшини тор-мор келтирилди. Соҳибқирон 1399 йилнинг баҳорида Ҳиндистон юришидан қайтди. Ушбу юриш натижасида Ҳиндистонга борадиган савдо йўлларининг хавфсизлиги тўла таъминланди, ушбу йўл хавфсизлигини таъминловчи шаҳар ва қалъалар қайта тикланди ва Деҳли султонлиги ҳудудлари Амир Темур давлати таркибига қўшиб олинди.

Бу вақтда эса Олд Осиёда Миср ва Туркия султонларининг мавқеи бир мунча мустақамланди. Бунинг устига Амир Темур давлатининг ғарбий чегаралари ноиб Мироншоҳ мирзонинг нотўғри хатти ҳаракатлари натижасида темурийлар давлатининг Ғарбий Эрондаги мавқеи ҳам кучсизланиб қолди. Ҳатто Гур-

жистон ҳокимлари Озарбайжонга бостириб кириб, Аланчук қалъасида қамалда бўлган Султон Аҳмад Жалойирнинг ўғли Тоҳирни озод қилишга ҳам эришадилар.

Натижада Амир Темур Олд Осиёда ўз мавқеини мустақамлаш, Европа давлатлари билан бевосита алоқаларга киришиш имконига эга бўлиш, Буюк Ипак йўли устидан ҳукмронликни Ғарбий йўналишда тўла қўлга киритиш мақсадида 1399 йили ўзининг машҳур «етти йиллик юриш»ини бошлайди.

Олд Осиё ва Суриянинг забот этилиши.

Дастлабки зарба Гуржистонга қаратилади ва 1399 йилнинг охири ва 1400 йили Гуржистоннинг Зарит, Сванет каби йирик қалъалари ҳам бўйсундирилади. Гуржистон ҳукмдори Гурген Амир Темурнинг ноибига айланади.

Шундан сўнг Мовароуннаҳр лашкари Сивос ҳудудларига кириб бориб, гўёки Туркия ҳудудлари томон ҳаракатланаётгандек таассурот қолдирса-да, тўсатдан жанубга бурилиб, Миср Султонлиги таркибида бўлган Сурияга юриш бошлади.

Шу ўринда Амир Темур нима учун Туркияга юришни давом эттирмай, жанубга, Мисрга томон юриш қилишга қарор қилди деган савол туғилиши табиий. Шарафуддин Али Яздий ҳам ўз асарига Амир Темур кўшинлари Туркия султонлиги таркибида бўлган Малатия ва Сивосни эгаллаган бўлса-да, Султон Боязид бунга қарши амалда ҳеч қандай чора кўрмаганлиги ва шунинг учун Туркияга юришни давом эттирмай, Миср Султонлигига ҳужум бошлаганлигини таъкидлайди. Малатия ва Сивоснинг қўлдан кетганлигига Султон Боязиднинг эътиборсиз бўлиши, унинг Европадаги масалалар билан нақадар банд эканлигини ҳам кўрсатади. Бундай шароитда Амир Темурни Шом ва Сурияга қилинажак юришига ҳам Боязиднинг ҳалақит бермаслиги ҳақиқатга жуда яқин эди. Агар Амир Темур Кичик Осиё сари юришни давом эттирса, Боязид мажбур ўз кучларини унга қарши қаратган бўларди. Бундай шароитда Амир Темурнинг Усмонли туркларга қарши курашдаги энг кичик муваққиятсизлиги ҳам Миср Султони Фаражнинг Амир Темурга қарши катта юриш бошлашига олиб келиши ёки жуда бўлмаганда унинг то-

⁵⁵ Гийасиддин Али. Дневник похода Тимура в Индию -М.-ИВЛ, 1958. С. 72-73.

⁵⁶ Шарафуддин Али Яздий. Уша асар. Б. 278.

бири аслида ушбу мамлакатга олиб борувчи карвон йўллари хавфсизлигини таъминлаш бўлиб, бу йўлдаги афгон қабилаларининг доимий бебошлиги савдо ривожига катта тўсиқ эди. Ушбу юриш давомида Соҳибқироннинг асосан афгон қабилаларига қарши курашлар билан банд бўлганлиги, бу ердаги бузиб ташланган қалъалар ва бошқа мудофаа иншоотларини тиклашга катта эътибор қаратганлиги ҳам фикримизни қувватлайди. Асрлар мобайнида вайронага айланган Афғонистондаги Эрёб қалъаси⁵⁵ ҳам, Қорабоғдаги Байлокон шаҳри⁵⁶ ҳам қайтадан бунёд этилади. Албатта, бу шаҳарлар фақат маъмурчилик, ободончилик мақсадида бунёд этилган эмас. Бу каби шаҳар, қалъаларни бунёд этиш ва қайта тиклашда аввало, иқтисодий ва ҳарбий мақсадлар кўзланганлиги шубҳасиздир. Буни юқорида таъкидланган шаҳарларнинг иқтисодий ва ҳарбий-стратегик жиҳатдан муҳим жойларда жойлашганлиги ҳам тасдиқлайди. Мисол учун, Эрёб қалъаси Ҳиндистонга борадиган савдо йўли хавфсизлигини таъминлашда ва шу атрофдаги вилоятларни, аҳолини тобеъликда сақлашда муҳим ўрин тутган. Афғон қабилалари бўйсундирилгачгина, Амир Темур қўшинлари Ҳиндистон ҳудудига кириб борди ва Дехли яқинида 1398 йил 17 декабр куни бўлиб ўтган жангда Дехли Султони Маҳмудхон Дехлавийнинг 10 минг отлиқ, 40 минг пиеда ва 120 жанговар филлардан иборат қўшини тор-мор келтирилди. Соҳибқирон 1399 йилнинг баҳорида Ҳиндистон юришидан қайтди. Ушбу юриш натижасида Ҳиндистонга борадиган савдо йўлларининг хавфсизлиги тўла таъминланди, ушбу йўл хавфсизлигини таъминловчи шаҳар ва қалъалар қайта тикланди ва Дехли султонлиги ҳудудлари Амир Темур давлати таркибига қўшиб олинди.

Бу вақтда эса Олд Осиёда Миср ва Туркия султонларининг мавқеи бир мунча мустаҳкамланди. Бунинг устига Амир Темур давлатининг ғарбий чегаралари ноиби Мироншоҳ мирзонинг нотўғри хатти ҳаракатлари натижасида теурийлар давлатининг Ғарбий Эрондаги мавқеи ҳам кучсизланиб қолди. Ҳатто Гур-

жистон ҳокимлари Озарбайжонга бостириб кириб, Аланчук қалъасида қамалда бўлган Султон Аҳмад Жалойирнинг ўғли Тохирни озод қилишга ҳам эришадилар.

Натижада Амир Темур Олд Осиёда ўз мавқеини мустаҳкамлаш, Европа давлатлари билан бевосита алоқаларга киришиш имконига эга бўлиш, Буюк Ипак йўли устидан ҳукмронликни Ғарбий йўналишда тўла қўлга киритиш мақсадида 1399 йили ўзининг машҳур «етти йиллик юриш»ини бошлади.

Олд Осиё ва Суриянинг забт этилиши.

Дастлабки зарба Гуржистонга қаратилади ва 1399 йилнинг охири ва 1400 йили Гуржистоннинг Зарит, Сванет каби йирик қалъалари ҳам бўйсундирилади. Гуржистон ҳукмдори

Гурген Амир Темурнинг ноибига айланади.

Шундан сўнг Мовароуннаҳр лашкари Сивос ҳудудларига кириб бориб, гўёки Туркия ҳудудлари томон ҳаракатланаётгандек таассурот қолдирса-да, тўсатдан жанубга бурилиб, Миср Султонлиги таркибида бўлган Сурияга юриш бошлади.

Шу ўринда Амир Темур нима учун Туркияга юришни давом эттирмай, жанубга, Мисрга томон юриш қилишга қарор қилди деган савол туғилиши табиий. Шарафуддин Али Яздий ҳам ўз асарига Амир Темур қўшинлари Туркия султонлиги таркибида бўлган Малатия ва Сивосни эгаллаган бўлса-да, Султон Боязид бунга қарши амалда ҳеч қандай чора кўрмаганлиги ва шунинг учун Туркияга юришни давом эттирмай, Миср Султонлигига ҳужум бошлаганлигини таъкидлайди. Малатия ва Сивоснинг қўлдан кетганлигига Султон Боязиднинг эътиборсиз бўлиши, унинг Европадаги масалалар билан нақадар банд эканлигини ҳам кўрсатади. Бундай шароитда Амир Темурни Шом ва Сурияга қилинажак юришига ҳам Боязиднинг ҳалақит бермаслиги ҳақиқатга жуда яқин эди. Агар Амир Темур Кичик Осиё сари юришни давом эттирса, Боязид мажбур ўз кучларини унга қарши қаратган бўларди. Бундай шароитда Амир Темурнинг Усмонли туркларга қарши курашдаги энг кичик муваққиятсизлиги ҳам Миср Султони Фаражнинг Амир Темурга қарши катта юриш бошлашига олиб келиши ёки жуда бўлмаганда унинг то-

⁵⁵ Гийасиддин Али, Дневник похода Тимура в Индию -М.ИВЛ, 1958. С. 72-73.

⁵⁶ Шарафуддин Али Яздий. Уша асар. Б. 278.

монидан Амир Темур давлати таркибига яқинда қўшиб олинган Олд Осиёдаги мулкларнинг собиқ эгаларини фаол қўллаб қувватлашига йўл очиши мумкин эди. Соҳибқирон учун ушбу вазиятда Европадаги муаммолари билан банд бўлган Султон Боязидни ўзи билан урушга жалб этишдан кўра, мазкур вазиятда ташқи сиёсатда Амир Темурдан бошқа муаммоси бўлмаган Миср султони Фаражни зарарсизлантириш энг мақбул йўл эди. Шунингдек, Амир Темур ўз рақибларининг кучларига баҳо бераркан Султон Боязиднинг Фараждан кўра устун эканлигини, сўнги йилларда забт этилган Туркия ва Миср султонликларига қўшни бўлган ҳудудларда темурийлар ҳокимиятининг ҳали мустаҳкам эмаслигини ҳам ҳисобга олган кўринади. Шунинг учун ҳам у аввал нисбатан кучсизроғини сафдан чиқаришни ҳамда Ироқ ва Олд Осиёдаги яқинда забт этилган ҳудудларни яна бир бор ҳарбий нуқтаи назардан тозалашни маъқул кўрди. Амир Темур Миср юришидан қайтаркан, Ироқ ва Олд Осиё ҳудудларини яна бир бор ўз қўшини билан «қайта забт этганлиги» шундан далолат беради. Аслида Султон Боязиднинг Европада бандлиги, Фаражнинг калтабинлик билан урушни тезлаштириб юбориши Амир Темурга Усмонли турклар билан тўқнашувгача Миср ва Ироқдан ўз «қўлини бўшатиб олиши» учун имконият яратди. Олдинроққа ўтиб айтиш мумкинки, Амир Темур бу имкониятдан жуда унумли фойдаланди.

Мулоҳаза юритинг? 'Амир Темурнинг усмонли турклар давлатига қарши юришни давом эттирмай, жануб томонга бурилиб Миср томон юриш бошлашининг яна қандай сабаблари бор деб ўйлайсиз?

Амир Темур ўз одатига кўра дастлаб Миср султониغا яна бир бор элчи билан ўз мактубини юборди. Ушбу хатда 1393 йили жўнатилган амир Темур элчиларини қатл қилинганлиги ҳамда Авник қалъасининг ҳокими бўлган Аталмиш Қавчиннинг ҳали ҳам Мисрда асирликда сақланаётганлигига эътироз билдирилган. Шунингдек, Аталмиш Қавчин асирликдан озод қилинса Мисрнинг Шом устидан ҳукм юритишига Амир

Темурнинг эътирози бўлмаслиги, акс ҳолда уруш муқаррарлиги ҳам таъкидланган.

Афсуски, отаси Султон Барқук каби Фараж ҳам Амир Темур элчиларини қамоққа олишга буйруқ беради. Бу ҳолат Миср Султони Фараж ва унинг сарой аёнларини калтабинлигини ҳамда рақиб кучига етарли баҳо бера олмаганлигини кўрсатади. Аслида у ҳам музокаралар орқали урушни ортга суришга интилиши, Туркия султони Боязиднинг эътиборини Европадан Шарққа, Амир Темур хавфига қарши тортишга яна ҳам жиддийроқ уришиб кўриши мумкин эди.

Фараж эса аксинса, урушни тезлаштирди. Иттифоқчиларни алоҳида, алоҳида тор-мор келтириш Амир Темур учун аини муддао эди, аслида.

Амир Темур қўшинлари Сурияда дастлаб Биҳишти қалъасини қамал қилдилар. Қалъа шиддатли жанглардан сўнг 1400 йилнинг 27 сентябр куни забт этилди. Бир неча кун ўтгач иккинчи бир қалъа Айнтоб жангсиз таслим бўлди (Шомийда бу қалъалар Беҳасти ва Антоб деб номланган)⁵⁷. Бу вақтда Мисрга тегишли бўлган Дамашқ, Хўмс, Хама, Антакия, Тарабулус, Набулус, Баъалбак, Канъон, Ғазза, Рамла, Қуддус каби шаҳар ва вилоятларидан йиғилган қўшин Халаб шаҳрига тўпланади. Уларга Халаб ҳоким Темуртош ва Дамашқ ҳокими Шадун (Шомийда Судун)лар раҳбарлик қилишарди. Тарихий манбаларда Халаб ҳокими Темуртош сулҳ тузиш тарафдори бўлганлиги, лекин Дамашқ ҳокими Шадун бошчилигидаги кўплаб амирлар Соҳибқирон қўшини билан очик майдонда жанг қилиб ғолиб чиқишларига ишонганликлари таъкидланади. Амир Темур қўшинларининг Айнтобдан Халабга деярли бир ойда жуда секин ҳаракатланиб етиб келганлиги ҳам Миср-Сурия қўшинларининг дадиллигини ошириб юборади. Улар Амир Темур қўшинлар билан Халаб қалъасининг ташқарисидан жанг қилишга қарор қилдилар.

Аслида Амир Темур гўёки ўзини чўчаётгандек кўрсатиб ўз рақибларини Халабнинг мустаҳкам тошлардан қурилган қалъа

⁵⁷ Низомиддин Шомий. Ўша асар. Б.290

деворларининг ортидан очиқ майдонга олиб чиқишга эришади. 1400 йилнинг 28 октябри куни Ҳалаб яқинига етиб келган Амир Темур кўшинлари дастлабки икки кун кичик разведка жанглари олиб бориш билан чекландилар. Дастлабки куни Соҳибқирон набираларидан Султон Ҳусайн мирзо, эртасига эса Або Бакр мирзолар қахрамонлик кўрсатадилар. 30 октябр куни эса асосий жанг бошланиб душман кўшини тўла тор-мор келтирилди. Рақибнинг асосий кучлари Ҳалабга ҳам кирмай Дамашқ томон қочишга қарор қилишди. Улар шу даражада тартибсиз чекинишга мажбур бўлишдики, Ҳалаб қалъаси дарвозаларини ҳам беркитиб улгуришмади. Натижада шу куни ниҳоятда мустақкам қалъага эга бўлган Ҳалаб шаҳри ҳам осонлик билан забт этилди. Шадун ва Темургош яшириниб олган Ҳалабнинг тарихий манбаларда тоғдек баланд деб тасвирланган ички қалъаси ҳам бир неча кундан сўнг жангсиз таслим бўлди⁵⁸.

Ҳалабдан сўнг Соҳибқирон лашкари бирин кетин Ҳама, Хўмс ва Баъалбак вилоятларини ва ушбу вилоятлардаги ўнлаб қалъаларни забт этдилар. Ҳалаб забт этилганидан деярли икки ой ўтгачгина (22.12. 1400) Амир Темур кўшини Дамашқ томон юриш бошлайди. Бу вақтда ўз кўшини билан Дамашққа етиб келган Султон Фараж икки нафар фидоийларини Амир Темурга суиқасд уюштириш учун дарвеш кийимида Соҳибқирон саройига жўнатади. Улар дарвеш сифатида бир неча бор Амир Темур қабулида бўладилар, лекин ўз мақсадларига эриша олмайдилар. Кейинчалик фидоийларнинг ҳаракати Амир Темурнинг девонбегиси Хожа Масъуд Семнонийда шубҳа уйғотгач, уларни захарли ханжар билан яширинча қуролланганлиги фош этилиб, суиқасднинг олди олинади.

Амир Темур кўшини Дамашқ шаҳрига яқинлашгач, ундан узоқ бўлмаган Қарақба даштига жойлашади. Амир Темур урушнинг олдини олиш мақсадида бу сафар Бўрон подшоҳ деган кишини (Шомийда элчининг номи келтирилмаган) Миср Султони Фараж хузурига элчи қилиб жўнатади ва Фараждан Аталмишни озод қилиб, урушнинг олдини олишни таклиф қилади.

⁵⁸ Низомиддин Шомий. Уша асар. Б.292-295

Фараж бу сафар ҳам сулҳ тузмай, айёрлик қилишга қарор қилади. Миср Султони Амир Темур элчисини бу гал жуда катта хурмат билан кутиб олади ва беш кун ичида Аталмишни Амир Темур саройига етказишга ваъда бериб, сулҳ тузишга розилик билдираркан, ўз элчисини ҳам ҳамроҳ қилиб, Соҳибқирон саройига жўнатади. Гарчи сулҳ тузилганига 10 кун ўтса ҳам Фараж ўз ваъдасини бажармайди. Аксинча, вақтдан ютиб ўз аскарлари сафини тинмай кенгайтиришга уринади.

Бундай шароитда катта лашкар беркинган Дамашқ қалъасини штурм билан эгаллаш жуда катта вақт ва қурбон талаб қиларди. 1401 йилнинг 5 январ куни Амир Темур 10 кун давомида шу ерда турилгани учун Қабарқа даштида отларга етарли озуқа қолмаганлигини баҳона қилиб, бу ердан узоқ бўлмаган Ғута даштига кўчишга қарор қилди. Бу кўчиш ташқаридан қараганда бетартиб чекиниш каби амалга оширилди. Бу эса ўз навбатида Дамашқда турган кўп сонли Миср лашкарини чалғитди. Улар шаҳар ташқарисига чиқиб Мовароуннахр лашкари томон ҳужум бошладилар ва сулҳ шартларини буздилар.

Аслида Амир Темур ҳийла билан душман лашкарини қалъа деворлари ортидан очиқ майдонга олиб чиқишга шу тариқа эришган эди. Қисқа давом этган жангда душман кўшини тор-мор келтирилди. Миср султони Фараж эса Дамашқни ўз холига ташлаб қочиб кетди. Дамашқ фатҳ этилгач, бу ерда Мовароуннахр лашкари 1401 йилнинг 20 март кунига қадар тўхтаб турди.

Амир Темур Миср томон юришни давом эттирмасдан ортга қайтишга қарор қолди. Чунки, Миср султонлигининг асосий ҳарбий кучлари Ҳалаб ва Дамашқ остоналаридаги жангларда тор-мор келтирилиб унинг ҳарбий қудрати батамом синдирилди. У ортқ Амир Темур давлати ҳаффа сола олмас ва Амир Темур давлати таркибига кўшиб олинган ҳудудларнинг собиқ ҳокимларини қўллаб қувватлашга ҳам жазм этолмас эди. Шунингдек, Амир Темур Миср юриши билан банд бўлган вақтда Амир Темур ҳокимиятини тан олган Арзинжон вилояти Султон Боязид юборган кўшин томонидан забт этилган ва унинг ҳокими Тахуртан ўз ўрнида қолдирилган бўлса-да, Арзинжон хонимнинг фар-

зандлари гаров сифатида Усмонли турклар султонлигининг ўша вақтдаги пойтахти Бурса шахрига олиб кетилган эди. Гарчи Султон Боязид Европа масалалари билан банд бўлса-да, имкони борича ўз иттифоқчиси Миср Султонини қўллаб-қувватлашга интиланлиги шундан ҳам номаён бўлади.

Мулоҳаза юритинг: *Амир Темур нима учун Миср томон юришни давом эттирмади? Сиз яна қандай сабаблар бор деб ўйлайсиз?*

Европа давлатлари билан алоқаларнинг йўлга қўйилиши. Манфаатлар умумийлиги.

Амир Темур давлати худудларининг ғарбга томон кенгайиб бориши унинг Ғарбий Европа давлатлари билан ҳам алоқалар ўрнатишига олиб келди. Эгей ва Қора денгиз портларининг Усмонли турклар давлатининг қўлига ўтиб бориши Ғарб ва Шарқ ўртасидаги иқтисодий алоқаларга жиддий салбий таъсир ўткази бошлади. Бунинг устига Европа давлатларидан йиғилган бирлашган қўшиннинг Никопол остоналарида Султон Боязид Йилдирим (Чақмоқ) томонидан тўла тор-мор келтирилиши Европани янги истило хавфи остида қолдирди. Худди шу вақтда Амир Темур давлати мавқейининг жаҳон сиёсий сахнасида ортиб бориши Европа учун ягона нажот йўли бўлиб кўринди. Тез орада Византия ва Трапезунд императорлари, Генуя ва Венеция республикаларининг раҳбарлари Амир Темур билан алоқага чиқиб, ўзаро иттифоқ тузиш ҳаракатини бошлаб юбордилар. Юқоридаги давлатлар билан 1394 йилдан то 1402 йилгача олиб борилган музокаралар натижаси ўлароқ, Усмонли туркларга нисбатан ҳарбий иттифоқ вужудга келди. Иттифоқ шартларига кўра улар Амир Темур қўшинининг қуруқликдаги ҳарбий ҳаракатларини денгиз орқали қўллаб қувватлаши, турк қўшинларининг Европага қочиб ўтишига йўл қўймасликлари ва Соҳибқирон лашкарининг бир қисмини Босфор орқали Европага ўтказиб қўйиши лозим эди. Лекин олдинроққа бориб айтиш мумкинки, Анқара жангида Соҳибқирон кучлари тўла ғалабага эришгач, иттифоқчилар ўз

мажбуриятлари бажармайдилар, аксинча чекинаётган турк қўшинларини Европага ўтказиб уларни омон қолишида ёрдам берадилар. Чунки, улар ҳам Усмонли турк давлатини буткул йўқ бўлиб кетишини хоҳлашмас ва қудратли Амир Темур давлати билан чегарадош бўлиб қолишдан чўчишар эди. Лекин Византия ва Трапезунд Амир Темур ҳукмронлигини тан олиб, унга божу хирож тўлаб турадилар. Испания, Франция ва Англия давлатлари билан алоқалар эса Анқара жангидаги Соҳибқирон қўшинларининг ғалабасидан кейин жуда тез ривож топиб кетди.

Усмонли турклар давлатининг тор-мор келтирилиши ва унинг тарихий аҳамияти. Амир Темур Миср юришидан ортга қайтиб Усмонли туркларга қарши курашга тайёргарлик кўришни бошлайди. Бунинг учун аввало кўйидаги муаммоларни ҳал этиш лозим эди:

10 йилдан бери қамал қилинаётган, лекин ҳалигача забт этилмаган Аланчўқ қалъасини фатҳ этиш;

расман Амир Темур ҳокимиятини тан олган, амалда эса унга қарши курашиш учун доимо имкон қутадиغان Мордин ҳокимлигини тўла забт этиш;

Гуржистонни усмонли турклар билан бўлиш қутилаётган уруш вақтида Амир Темур давлатига ортдан зарба беришини олдини олиш;

Тўхтамишга қарши юриш вақтида темурийлар давлати таркибидан чиқиб кетган Ироқни қайта забт этиш.

Балки, Амир Темур ушбу муаммолар борлиги учун ҳам Мисрга юришни давом эттирмагандир. Аланчўқ қалъасига, Мордин ҳокимлигига ва Ироқда яна қайта тикланган Жалойирийлар давлатига Миср султонлиги моддий, ҳарбий ва руҳий жиҳатдан катта ёрдам бериб турар эди. Мазкур шароитда уларнинг бундай ёрдамдан маҳрум бўлиши, ушбу масалаларни Амир Темур томонидан тезда ҳал этилишига катта ёрдам берди.

Дастлаб, 10 йиллик қамалдан сўнг Аланчўқ қалъаси таслим бўлди. Мордин шахри қамал қилиниб, уни забт этиш Соҳибқиронга буйсунган туркманлар сардори Қора Усмонга

топширилди. Гуржистон билан воқеалар ривожи урушгача етиб бормади. Дастлаб элчилар алмашилди, кейин эса Гуржистон ҳукмдори Герген ўз укасини элчи қилиб юбориб, Амир Темур ҳукмронлигини тан олганлигини билдириб сулҳ тузди. Соҳибқирон эса асосий эътиборни Ироққа қаратиб, Боғдод шаҳрига ўзи бошчилигида навбатдаги ҳарбий юришни бошлади. Бу вақтда Ироқда ҳокимият Султон Аҳмад Жалойирнинг ишончли кишиси Фаражнинг қўлида эди. Амир Темурнинг Боғдод шаҳрини штурм билан эгаллаш нияти амалга ошмади. Шундан сўнг шаҳарни қамал қилишга тўғри келди. Қирк кунлик қамалдан сўнг, 1401 йил 9 июл куни уюштирилган ҳужум натижасида шаҳар забт этилди. Боғдод шаҳри забт этилганидан сўнг Амир Темур Озарбайжонга қайтиб кишни ўша ерда ўтказди ва Султон Боязидга қарши юриш қилишга тайёргарлик кўра бошлади.

Бу вақтда Султон Боязид ўз хузурида қочоқ сифатида яшаётган Жалойирийлар давлати султони Аҳмадни катта қўшин билан Боғдодга жўнатди. Унинг мақсади Амир Темурни Кичик Осиёга юришини олдини олиш, ўз давлати таркибидаги муаммолар билан банд этиш эди. Тезда унинг атрофига Ироқнинг турли чекка ҳудудларида яшириниб ётган тарафдорлари қайта тўпланиб, Жалойирийлар давлатини қайта тиклаш учун навбатдаги курашни бошладилар. Улар Боғдод ва Ироқнинг яна бошқа шаҳарларини ҳам эгаллаб, мудофаа иншоотларини қайта тиклай бошладилар. Қиш фасли бўлишига қарамай Амир Темур Ироқни забт этиш учун учинчи юришни (биринчиси 1393 йили, иккинчиси 1401 йили) бошлашга қарор қилади. Бу юришда Амир Темурнинг ўзи иштирок этмайди. Амир Темур хузурида ўтказилган кенгаш қарорига кўра қўшин тўрт гуруҳга бўлиниб, тўрт йўлдан Боғдод сари юриш бошлайди. Уларга шошилмасдан, ҳар бир ҳудуддаги душманни буткул тор-мор келтириб, кейингина олға силжиш ҳақида топшириқ берилади. Қўшиннинг тўрт гуруҳга бўлинишининг сабаби султон Аҳмад Жалойирнинг ўз аскарларини Ироқнинг қалъа ва шаҳарларига бўлиб юборганлиги, улардаги қалъа деворлари ва маҳаллий аҳоли ёрдамига таяниб курашмоқчи эканлигида эди. Лекин, Султон Аҳмад Жалойир

ҳокимияти аҳоли томонидан етарли қўллаб қувватланмаганлиги сабабли бўлса керак, Ироқ шаҳар ва қалъалари жуда тезлик билан забт этилади. Темурийлар қўшини шунчалик тез ҳаракат қилади-ки, улар Боғдодга етиб келганида бундан кеч хабар топган Султон Аҳмад Жалойир тунги кийимида қочиб кетишга мажбур бўлади. Ушбу юриш натижасида Ироқ ҳудуди тўла забт этилади ва Амир Темур вафотига қадар темурийлар давлати таркибида қолади. Бу Султон Боязиднинг Амир Темур эътиборини ўз давлатидан четга тортишга қаратилган сўнгги уриниши бўлиб, у ҳам тўла муваффақиятсизликка учради.

Амир Темур ҳали Миср ва Сурия юриши бошланмасдан олдинок, аниқроғи 1400 йилнинг ёзида Туркия Султони Боязидга элчи юбориб, унинг Европадаги ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлашини, лекин бунинг учун Туркия султонлиги Шарқдаги чегараларини кенгайтиришга ҳаракат қилмаслиги зарурлигини билдирган эди. Бу мактуб мазмуни Шарафуддин Али Яздий томонидан қуйидагича ҳикоя қилинади: «... сен фаранг кофирлари била ғазога машғулсен. Ва агар биз ул сори борсак. Муслмонлар ташвишда бўлурлар ва кофирлар шодмон бўлғайлар. Зинҳор-зинҳорким атоларингнинг тариқаларини сақлагил ва аёғингни ҳаддингдан узотмағил, ўзингга мағрур бўлмағил. Вас-салом»⁵⁹. Лекин бунга жавобан Султон Боязид бу вақтда Амир Темур давлати таркибида бўлган Озарбайжон шаҳарлари бўлмиш Султония ва Табризгача бостириб боришга ваъда беради. Ўшанда Амир Темур Сивос ва Малатия ҳудудларини бўйсундириш билан чекланиб, ўз юришини Миср томонга бурган эди.

1402 йилнинг қишида, Амир Темур Туркия юришига жиддий тайёргарлик кўраётган вақтда, бу сафар Туркия султонининг ўзи элчи жўнатди. Унинг мақсади урушнинг олдини олиш эканлиги дўстлик тўғрисидаги таклифидан ҳам сезилиб туради. Амир Темур эса элчига қуйидагича жавоб беради: «Сизнинг подшоҳингиз доим фаранг кофирлари била ғазо қилур. Биз ҳам сизлар билан дўст турурбиз ва кўнғлумизда ул андиша йўқ турурким, ул сори черик элитгайбиз ва Ислом вилояти хароб бўлғай, кофирлар мундин шод бўлғайлар. Аммо Қора Юсуф туркмонким, му-

⁵⁹ Шарафуддин Али Яздий. Ўша асар. Б. 232

сулмонлар ичида кириб турур, ё улдуким ани ўлдуруб, мусулмонларнинг хотирини андин жамъ этсун ё улким ани банд қилиб бизга йибарсун. Бу ишдан бирини қилса аромизда дўстлик бўлғуси турур»⁶⁰.

Лекин элчилар Амир Темурнинг бу таклифига жавобан амалда бирор бир фикр билдириш ваколатига эга эмасликлари маълум бўлади. Шундан сўнг Амир Темур яна бир бор расмий хат ёзиб ўз шартларини баён қилади ва шартнома тузиш учун катта ваколатларга эга улуг бекларидан бирини жўнатишни сўрайди. Низомиддин Шомий ҳам ўз асарида Амир Темур худди шу шартларни билдирганлигини баён қилади. Биргина фарқи Шомий талқини бўйича юқоридаги икки таклифдан ташқари учинчи таклифни ҳам билдиради, яъни Амир Темур Султон Боязиддан Қора Юсуфни ҳеч бўлмаганда мамлакатдан чиқариб юборишни талаб қилади⁶¹.

Лекин қиш якунига етса ҳам Султон Боязиднинг жавоби маълум бўлмайди 1402 йилнинг апрел ойида Амир Темур яна бир бор Султон Боязидга Чимбой Элчикдай бошчилигидан элчиларни жўнатди. Бу сафар ҳам юқоридаги таклифлар такрорланиб, қўшимча Кемох қалъасини ҳам топшириш талаб қилинади. Амир Темур бу янги талабни Кемох қалъаси аввалдан ҳозирда ўзига бўйсунувчи Арзинжон вилояти ҳокимлари томонидан идора қилинганлиги билан асослайди.

Амир Темур кўшини 1402 йилнинг апрел ойидан бошлаб Туркия томон Жанубий Гуржистон орқали, Тбилисининг жанубидаги Шамкур саҳроси бўйлаб секин-аста силжий бошлайди. Дастлаб Туркия чегарасидаги Тартум қалъаси забт этилади. Сўнгра Соҳибқирон шу ерда икки ой давомида Туркия элчилари келишини кутиб туради. Лекин ҳеч қандай жавоб элчилиги бўлмагач, юриш давом эттирилади ва Камох қалъаси забт этилади. Ушбу қалъани бошқариш Арзинжон вилояти ҳокими Тахуртан зиммасига юклатилади. Камох қалъаси забт этилгачгина Султон Боязиднинг элчилари етиб келишди. Султон Боязид бу сафар ҳам бирор бир таклифни қабул қилмаган, шунингдек, Камох қалъасини забт этилишига ҳам норозилик билдирган эди.

⁶⁰ Шарафуддин Али Йаздий. Ўша асар. Б. 253

⁶¹ Низомиддин Шомий. Ўша асар. Б. 324

Яздийдан фарқли равишда Шомий Қора Юсуфнинг Туркиядан чиқиб кетганлиги тўғрисида овоза тарқалганлиги, лекин унинг қанчалик ҳақиқат эканлигини аниқлаб бўлмаганлигини ҳам қайд этади. Шомий талқини бўйича Амир Темур агар Қора Юсуф Туркия чиндан ҳам тарк этган бўлса, унинг оиласини ўз хузурига жўнатишни сўраган. Лекин бу шарт бажарилмаган⁶².

Шундан сўнг Амир Темур харбий кўрик ўтказиб, кўрикка турк султони элчиларини ҳам таклиф этади. Кўриқдан кейин элчиларга рухсат бераркан, Султон Боязидга янада оғир сулҳ шартлари таклиф қилинади. Бу шартларга кўра Султон Боязид Амир Темурнинг вассалига айланиши керак эди. Бу шартларни Шарафуддин Али Яздий куйидагича баён қилади: «Йилдирим Боязидқа айтингким, чун сенинг вилоятинга ғазо ва жиҳод расм турур, бизга қаттиқ келурким, ул вилоятда биздин ташвиш бўлғай. Бовужуд улким, сен маълум йўлдин чиқибсен. Ҳануз таҳаммул қилурмен, то Тахуртаннинг кишиларини йибарғайсен ва ўғлонларингдин бирини бизга йибарғайсенким, биздин анча марҳамат ва шафқат кўрғайким, сенким агосисен, кўрмагон бўлғай. То мамлақати Рум сенга мусалам бўлғай ва сен фароғат била тахт устида қарор тобқайсен ва андағи эл-улус фароғатда бўлғай, вассалом»⁶³.

Мудоҳаза юритинг? Ушбу мактуб орқали Амир Темур қандай дипломатик мақсадларни кўзлаганлигини яна бир бор таҳлил этинг ва фикрингизни асосланг.

Сўнги музокараларда Қора Юсуф ҳақида сўз бормаганлиги, унинг ҳақиқатдан ҳам Туркия худудларини тарк этганлигидан бўлса керак.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш жоизки, юқорида ҳам бир неча бор таъкидлаганимиздек, Тахуртан Арзинжон вилояти ҳокими эди. У Усмонли туркларга қарши курашда Амир Темур мададига умид қилиб Олд Осиёда биринчилардан бўлиб унинг ҳокимиятини тан олганди. Амир Темур Дамашқда турган вақтда Усмонли турклар кўшини Арзинжонни забт этиб, Тахуртаннинг

⁶² Низомиддин Шомий. Ўша асар. Б. 324

⁶³ Шарафуддин Али Йаздий. Ўша асар. Б. 257

фарзандларини асирликка олиб кетишган, Тахуртан эса Султон Боязид номидан Арзинжонни бошқаришга қолдирилган эди.

Мулоҳаза юритинг: Шу ўринда ҳақли савол тугилади. Султон Боязид нима учун Тахуртани ўз ўрнида қолдирди?

Султон Боязид Арзинжонни забт этган бўлса-да, уни ўз давлати таркибига тўлиқ қўшиб олиб, у ерга ўз одамини ҳоким қилиб қўйишга журъат этмади. Чунки бу икки давлат ўртасидаги муносабатларни жуда ҳам кескинлаштириб юбориши мумкин эди. Султон Боязид Тахуртанинг фарзандларини гаровда сақлаш орқали уни ўзига бўйсунган ҳолда ушлаб турмоқчи, ундан Амир Темур билан муносабатларда воситачи сифатидан фойдаланмоқчи эди. Шундай вазият пайдо бўлдики, Тахуртан бир вақтда Султон Боязиднинг ҳам Амир Темурнинг ҳам вассали сифатида фаолият олиб борди. Тарихий манбаларда Султон Боязид ундан ўзи билан Амир Темурни яраштириб қўйишни талаб қилганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Қисқаси, Арзинжон вилояти ўша вақтда икки буюқ давлат ўртасидаги оралик худудга (буфер зонага) айланиб қолган эди. Амир Темур Туркияга ўз ҳарбий юришини бошлаганда Тахуртан ўз лашкари билан Амир Темур қўшини сафига қўшилди ва бу юришда тўлиқ иштирок этди.

Амир Темур ва Султон Боязид ўртасидаги элчилар алмашинуви кўплаб тарихчилар томонидан ўрганилган. Лекин баъзи тарихчи олимлар ушбу элчилик алоқалари борасида фикр билдиришаркан, баъзи баҳс талаб мулоҳазалар ҳам баён этишган. Мисол учун қатор ижобий хусусиятларга қарамай, Н.М. Карамзин воқеа ва ҳодисаларни бироз бадийлаштириб баён қилганлиги учун ҳам ушбу масалада ишонарсиз фикрлар билдирган. Масалан, у Амир Темурнинг 1400 йили Туркия султони Боязидга жўнатган мактубида «Сен кимсан? Туркомон чумолиси: филга қарши турмоқчимисан?» жумлаларини келтиради⁶⁴. Темур даври тарихчиларидан Низомиддин Шомий ва Ша-

⁶⁴ Карамзин Н.М. Ўша асар. Б. 256

рафиддин Али Яздий асарларида берилган худди шу мактубда бундай жумлалар йўқ⁶⁵. Фақат Али Яздий баён қилган мактубда: «... ва сенинг наслу насабинг кемачи туркманларга етар ва бу бизга равшан турур, мухтожи баён эрмас» жумлалари бор, холос⁶⁶. Чиндан ҳам рақибни Н.М. Карамзин баён қилганидек, ҳақорат қилиш Амир Темур дипломатиясида учрамайдиган ҳолдир, аксинча, бундай ҳақоратли мактубни султон Боязид томонидан Амир Темурга юборилганлиги маълум. Ҳатто унда: «Агар биз томонга келмасанг, сенинг хотинларинг уч талок бўлсин», деган сўзлар ҳам бор эди⁶⁷.

Туркия элчилари қайтиб кетгач, Соҳибқирон қўшинлари Ҳорук қалъасини забт этдилар. Шундан сўнг Туркияни маркази томон юриш бошланади.

Рус ҳарбий тарихчиси М.И. Иванин томонидан чуқур ўрганилган ҳарбий юришлардан бири 1402 йили Султон Боязидга қарши қилинган юришдир. Бу юришни бошлашдан аввал Амир Темур ён томонларни, яъни Кавказорти ва Сурияни бўйсундириб, Миср султонини сулҳ тузишга мажбур қила олди. Ҳатто орқа томонни тўлиқ ҳафвсизлантириш учун Бағдодни қайтадан забт этди. Султон Боязид Амир Темур билан жангни Туркиянинг жанубий қисмида бўлишини хоҳларди, чунки бу ердаги жангда Темур энгиладиган бўлса, Сурия ва Миср қайтадан кўзголиб, Боязидга ёрдамга келиши мумкин эди. Бу эса Темурга қайта куч тўплашга имкон бермас ва бутунлай ҳалокатга олиб келарди. Боязидда эса энгилган тақдирда ҳам мамлакат ичкари-сига чекиниб, қайта куч тўплаш имкониятига эга бўларди. Лекин М.И. Иванин таъкидлаганидек, «Амир Темур Гуржистондан Боязид қўшинларининг орқасига қилган маҳоратли ҳаракатлари билан урушни Кичик Осиёнинг шимолий қисмига кўчиришга эришди»⁶⁸ Амир Темур Турк давлатининг марказига жуда катта тезлик билан ҳаракат қилди. Амир Темур лашкари 3 кун ичида 150 км масофани босиб ўтди. М.И. Иванин унинг бу ҳаракатини

⁶⁵ Шарафуддин Али Яздий. Ўша асар. Б. 232; Низомиддин Шомий. Ўша асар. Б. 284

⁶⁶ Шарафуддин Али Яздий. Ўша асар. Б. 232

⁶⁷ Ибн Арабиноҳ. Ўша асар. Б. 258-259

⁶⁸ Иванин М. Ўша асар. Б. 192.

куйидагича баҳолаган эди: «Шунчалик катта кўшин билан қилган бу ҳаракатни ўз ўлжасини кўриб, унга ташланган йўлбарс ҳаракати билан тенглаштира бўлади»⁶⁹.

Анкарага етиб келган Амир Темури шаҳарни қамал қилишни буюрди. Амир Темури шу ерда душман билан жанг қилишга қарор қилди. Бу ер Темури учун жуда қулай бўлиб, енгилган тақдирда келган йўли билан чекина олар эди. Боязид учун эса Анкара мамлакат маркази бўлиб, агар у шундай ҳолатга тушса, чекиниб, қайта куч тўплашининг иложи йўқ эди.

Иваниннинг таъкидлашича, Султон Боязид бу ерга етиб келган пайтда Амир Темури кўшинлари анча дам олиб жангга ҳозирликни тугатган бўлиб, Боязид кўшини эса йўл юриб ҳориган эди. Унинг устига Боязид жангдан бир неча кун аввал куннинг иссиқ пайтида катта ов уюштиради. Шу ов пайтида иссиқдан ва сувсизликдан 5000 киши ҳалок бўлади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, жанг натижаси аслида, жангдан аввал ҳал бўлган эди. Боязид кўшинлари жанг давомида қуршаб олинди ва қириб ташланди. Боязиднинг ўзи асир олинди. Шундай қилиб, М.И. Иванин Анкара жанги тақдири Амир Темурининг жанг олди тайёргарликлари билан ҳал бўлганлигини таъкидлайди.

Чиндан ҳам Шарафуддин Али Яздий ва Низомиддин Шомийлар ҳам ўз асарларида Амир Темурининг жанг майдонига рақибдан аввал етиб келганлиги ва жуда қулай ўринларни эгаллаб олганлигини, Усмонли турклар келиб ўрнашиши кутилган ҳудудлардаги қудуқлар кўмиб ташланганлигини баён қилганлар⁷⁰.

1402 йилнинг 20 июл куни Амир Темури кўшинлари жанг майдонига сафланадилар. Бу сафар кўшин янада мукамал тартибда жанг майдонида саф тартади. Ўнг ва чап қанот, шунингдек марказнинг ўзи ҳам бир неча йирик ҳарбий қисмларга бўлинади. Мисол учун Шарафуддин Али Яздий марказнинг ҳам алоҳида ўнг ва чап қаноти ҳамда маркази бўлганлигини баён

⁶⁹ Иванин М. Ўша асар. Б. 190.

⁷⁰ Шарафуддин Али Яздий. Ўша асар. Б. 258; Низомиддин Шомий. Ўша асар. Б. 329-331.

қилади⁷¹. Худди шу тартиб ўнг ва чап қанотда ҳам бўлган бўлиши керак. Марказнинг ортига қирқ ҳарбий қисмдан иборат захира жойлаштирилади. Тепасига ўз даврининг тўплари, тош отувчи манжанақлари ва камон ўқчилари ўтқазилган жанговар филлар эса марказнинг олд қисмидан ўрин олади.

Жангни дастлаб ўнг қанотнинг Абубакр мирзо бошчилигидаги олдинги қисми (канбул) бошлаб беради. Улар душман томон яқинлашиб рақиб сафларини камондан ёппасига ўққа тута бошладилар. Шундан сўнг ҳар бир ҳарбий қисм жангдаги майдонидаги вазиятга қараб берилган кўмондонлик буйруғи билан бирин кетин жангга киради. Энг охири марказнинг марказидан жой олган Мирзо Муҳаммад Султон бошчилигидаги кучлар жангга киради. Бундан кўриниб турибдики, Амир Темури кўшини дастлаб қанотлардан зарба бериб, рақибни қуршаб олишга ҳаракат қилган. Марказда турган Мирзо Муҳаммад Султон бошчилигидаги кўшин эса жангга киргандан сўнг ортга чекинди. Натижада душманнинг шахсан Султон Боязид бошчилигидаги марказий қисми илгари юриб бир неча тепаликларни эгаллади. Бу вақтда ўнг қанотда турган Шохруҳ мирзо, чап қанотда турган Мироншоҳ мирзо бошчилигидаги ҳарбий кучлар ҳал қилувчи зарбаларни бериб рақиб қанотларини ёриб ўтдилар. Жанг охирига келиб, жанг учун тузилган режа тўла амалга ошди, яъни Султон Боязид ўзининг асосий кучлари билан қуршаб олинди. Душман қуршовни ёриб чиқишга уринаётган вақтда Амир Темури кўшини рақибни қуршовдан чиқиб кетиши учун йўл очиб беради. Бу эса душман қаршилигини кескин пасайтириб юборди ва улар ўзларини қуршовдан чиқиш йўлига урадилар. Бу ерда эса уларни Мовароуннаҳр кўшинининг камончилари кутиб олишади. Султон Боязид ҳам қуршовдан чиқиб қочишга улгурган бўлса-да, кўп ўтмай Султон Маҳмудхон томонидан асир олинади. Жанг Амир Темури кўшинларининг яққол ғалабаси билан якун топади.

Асир олинган турк султонининг Темури саройидаги ҳаёти кўплаб тарихчиларнинг эътиборини жалб қилган. Жумладан, рус

⁷¹ Шарафуддин Али Яздий. Ўша асар. Б. 259-260.

тарихчиси В.Н. Татищев Амир Темурнинг Туркия султони Боязидга қарши юришлари ҳақида сўзлар экан, Соҳибқироннинг ғалабаси билан тугаган Анқара жангида асир олинган турк султони қафасга солиниб, ғолиб Темур билан бирга олиб юрилганлиги тўғрисидаги афсонавий маълумотларни келтиради.⁷² Шу ўринда, айнан шу афсона ҳатто ҳозирги кунга қадар Европанинг ҳам илмий, ҳам бадиий адабиётида кенг тарқалганлигини эслатиб ўтиш лозим. Амир Темур билан боғлиқ шунга ўхшаш бошқа ривоятлар ҳақида тарихчи олим Т. Файзиев ҳам маълумот беради.⁷³ Лекин, кўпгина ишончли тарихий манбалар, жумладан, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида бу воқеа қуйидагича баён қилинади: «...Йилдирим Боязидни даргоҳи олампаҳога келтурдилар. Соҳибқирон фармонладиким, «илкини ечиб, ҳурмат била келтурсунлар!» Бас, ани ҳазрат қошида иззат била келтуриб, ҳазрат ани кўриб, кўп иззат тутиб, ўз қошида ўлтүргүзди... Йилдирим Боязид учун подшоҳона оқ уй тикиб эдилар. Соҳибқирон Йилдирим Боязидга иноят ва шавкатлар қилиб, ҳар кун анга ўз қошида келтуруб, суҳбат тутиб, кўнгул берур эди.»⁷⁴

Ушбу ғалабадан сўнг Амир Темур кўшинлари Кичик Осиёнинг барча шаҳар қалъаларини бирин кетин забт этдилар. Булар ичида, айниқса, салибчиларнинг Кичик Осиёдаги сўнгги қароргоҳлари Измир қалъасининг эгалланиши энг муҳим воқеалардан бири бўлди. Чунки бу қалъа ўзининг бўйсунмаслиги билан шуҳрат қазонган эди.

Амир Темур Кичик Осиёда турган вақтда Миср султони Фараж элчи юбориб, ўзининг Соҳибқиронга тўла бўйсунганлигини, Сурия ва Мисрда унинг номига хутба ўқиладиганлигини билдирди. Амир Темур ҳам ўз навбатида Султон Фаражни Мисрдаги ноиб этиб тайинлади.

Шундай қилиб, «етти йиллик юриш» давомида Амир Темур кўшинлари Ироқни, Кичик Осиёни, Кавказ ортини, Ўрта ер денгизининг шарқий соҳилларидаги давлатларни ва Мисрни бўйсундирди. Амир Темур давлатининг ғарбий чегаралари янада

⁷² Татищев В.Н. История Российская. Т.-V. -М.Л., 1968. С. 197

⁷³ Файзиев Т. Темурийлар шажараси-Т.: Ёзувчи, 1995. Б. 35.

⁷⁴ Шарафуддин Али Йаздий. Ўша асар. Б. 261

кенгайди ва хавфсизлиги таъминланди. Амир Темур давлати Европа давлатлари билан бевосита алоқалар қилиш имконига эга бўлиб, икки ўртада сиёсий ва иқтисодий алоқалар ривожланди. Буюк Ипак йўлининг ғарбий ва жанубий қисмларида тўла хавфсизлик таъминланиб, иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши учун кенг шароит яратилди.

Амир Темурнинг «етти йиллик юриш»да эришган ютуқлари, жумладан, Усмонли турклар давлатининг тор-мор келтирилишининг халқаро аҳамияти ҳақида кўпгина олимлар ўз мулоҳазаларини билдирганлар.

Карамзин Византия давлати ҳақида ёзар экан, Кичик Осиё, Фракия ва Бошқа мулкларни қўлдан бериб, фақат пойтахт Константинопол шаҳринигина сақлаб қолган ҳамда Усмонли турклар томонидан қамал қилинган, на хазинага, на ўзини ҳимоя қилиш учун қўшинга эга бўлган бу давлатни «биргина Боязиднинг омадли рақиби Тамерлан қутқарганлигини»⁷⁵ алоҳида таъкидлайди.

А.Ю. Якубовский ҳам Амир Темур ҳарбий юришлари аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтади. Амир Темур томонидан Олтин Ўрдани тор-мор келтирилиши Жануби-Шарқий Европа ва Россиянинг кейинги тараққиёти учун катта аҳамиятга эга бўлганлигини,⁷⁶ Усмонийлар салтанатини тор-мор этилиши эса турклар томонидан Константинополнинг эгалланишини 50 йил орқага сурганлигини, Европа халқлари учун иккинчи бор ёрдам берганлигини таъкидлайди.⁷⁷ Адолат юзасидан айтганда, собиқ Совет империяси даврида бу фикрларни айтишнинг ўзи катта жасорат талаб этарди ва шунинг учун ҳам бу фикрларнинг қиймати, аҳамияти юқоридир.

Амир Темур «етти йиллик юриш» қайтиб келиши билан Хитой юришини бошлаб юборишга ҳаракат қилади. Бу юриш шошилинч ташкил этилгандек кўринса-да, аслида Амир Темур Хитой юришига 1398 йилдан бошлаб жиддий тайёргарлик кўради. У шу йили феврал ойида валиаҳд Муҳаммад Султонни 40000 кишилик қўшини билан мамлакатнинг шимоли-шарқий ҳудудларига жўнатиб, унинг зиммасига ҳарбий иншоотлар қуриш,

⁷⁵ Карамзин Н.М. Ўша асар. С.259.

⁷⁶ Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Ўша асар. С.373

⁷⁷ Якубовский А.Ю. Ўша асар. С.66.

деҳқончилик ишларини йўлга қўйиш вазифасини юклайди. Бу ҳақда Шарафуддин Али Яздий шундай ёзади: «Офтоб Хут буржиге етканда (19 феврал) Соҳибқирон ҳукм қилдиким, «Амирзода Муҳаммад Султон Мўғулистон сарҳадига бориб забтга машғул бўлсунлар!» ва Ашпарада қалъа солиб, зироат қилдургай ва Бердибек, Сари Буга ва амир Ҳожи Сайфуддин ва Худойдоди Хусайний ва амир Шамсиддин Аббос ва ўзга бекларни қирқ минг киши билан шаҳзоданинг мулозаматига қўйди. Бас, алар юруб, Қулон уқбасидан ўтиб, Ашпарага етиб, анда тушдилар ва иморат ва зироатқа машғул бўлдилар». Бу истехкомлар бўлажак Хитой юришида асосий таянч нуқталар бўлиши, барпо этилаётган деҳқончилик воҳалари эса юриш вақтида қўшинни озик-овқат билан таъминлаши керак эди.

Амир Темур 1401 йили Миср юришидан қайтгач, Ироқнинг шимолидаги Мордин қалъасини қамал қилаётган вақтда ўзининг ишончли амирларидан бири Оллоҳходони Мўғулистон чегарасидаги Ашпара қалъасининг ҳокими қилиб тайинлаб, унга Мирзо Муҳаммад Султон бошлаган ишларини давом эттириш вазифасини қўяди. Соҳибқироннинг Туркиядаги ҳарбий юришлари давом этаётган 1403 йилдаёқ Ашпара ҳокими Оллоҳходо Амир Темур буйруғига қўра Хитойга олиб борадиган йўллар географияси, иқтисодий ресурслари тўғрисидаги маълумотларни тўплайди ва йўллар харитасини тузиб, буларнинг ҳаммасини Соҳибқирон хузурига жўнатади. Бу маълумотлар ҳақида Ибн Арабшоҳ шундай ёзади: «Худди Темур буюргандек, шарқу ғарбини, узоқ-яқинлигини, ўнгу чаплигини, текису тоғлигини, бўйио эни, паству баландини, дарахтсиз ва дарахтли жойларини, ерини, булокма-булок манзилма-манзил қилиб очик-ойдин кўрсатди»⁷⁸

Бу даврда Соҳибқирон ўзининг асосий кучларини Хитой юришига ташланишига халақит бериши мумкин бўлган ғарбий ҳудудлардаги сиёсий рақиблари - Боғдод, Миср ва Туркия ҳукмдорлари билан кураш олиб бориб, уларни тўла тор-мор этади. Шундан сўнггина 1404 йил охирида Хитой юришига отланади.

Демак, кўриниб турибдики Амир Темур биргина Хитой юришининг ўзига узоқ йиллар, 1398 йилдан бошлаб 7 йил давомида пухта тузилган бош режа асосида тайёргарлик кўриб борган.

⁷⁸ Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 1-қитоб -Т.: Меҳнат, 1992. Б.285.

Амир Темурнинг Хитойга юриши унинг бош стратегик мақсади Буюк Ипак йўли устидан ҳукмронлик ўрнатиб, унинг хавфсизлигини тўлиқ таъминлаш, савдо қарвонларининг Хитойдан то Ўрта ер денгизининг шарқий соҳилларидаги денгиз портларига қадар хавф хатарсиз бориб келишларини учун шароит яратиш эди. Амир Темур «Етти йиллик юриш» натижасида ғарбий чегараларда бу мақсадига тўлиқ эришган бўлса-да, шарқий йўналишда масала охиригача ечилмаган эди. Хитой ва Мовароуннаҳр ўртасида жойлашган Мўғулистон давлатидаги доимий сиёсий беқарорлик, марказий ҳокимиятнинг заифлиги қарвонлар хавфсизлигига жиддий салбий таъсир этарди. Амир Темур Хитойгача бўлган ҳудудларда ўз ҳукмронлигини ўрнатиб, ушбу масалани шу йўл билан ечмоқчи эди. Мазкур юриш бошланиши арафасида Мовароуннаҳрнинг шарқий чегараларидан то Хитойгача бўлган ҳудудларни набиралари Мирзо Улуғбек ва Мирзо Иброҳимга бўлиб берилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. «Ва Соҳибқирон, - деб ёзади Шарафуддин Али Яздий, - Тошкент ва Сайрам ва Жета вилоятини Хитой сарҳадигача амирзода Улуғбек мирзога берди. Ва Андигон ва Ахсикат ва Тароз ва Кошғар ва Хўтанни амирзода Иброҳимга берди ва нишонлар бериб, ол тамға бостурди»⁷⁹. Мазкур инъом этилган ҳудудларнинг каттагина қисми Амир Темур давлати таркибига киритилмаган, лекин қарам бўлган Мўғулистон, яъни Жета давлати ҳудудлари бўлиб, ушбу ҳудудлар Хитой юриши давомида забт этилиши ва Соҳибқирон набиралари ихтиёрига берилиши лозим эди. Мирзолар Тошкент, Сайрам, Фарғона водийси ҳудудларига таянган ҳолда келажакда янги ташкил этилган икки улусни бошқаришлари мўлжалланганди.

Демак, юқоридагилардан ҳам кўриниб турибдики, Хитой юришидаги асосий вазифалардан бири Хитой чегараларигача бўлган ҳудудларни Амир Темур давлати таркибига киритиш бўлиб, бу Соҳибқироннинг бош стратегик мақсадининг тўла амалга ошишини билдиради эди.

Шунингдек, Хитой императори ҳам ўзининг ғарбий ҳудудлар учун даъвогарлигини яширмас ва ўзининг Амир Темурга жўнат-

⁷⁹ Шарафуддин Али Яздий. Ўша асар. Б. 293.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар

- Каримов И.А. Эхтиром: Соҳибқирон Амир Темур хайкалининг очилишга бағишланган тантанада сўзлаган нутқ. 1993 йил. 31 август // Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Ж.1.-Т., 1996. - Б. 360-362.
- Каримов И.А. Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин. ЮНЕСКО қароргоҳидаги «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» кўргазмасининг очилиш маросимида сўзланган нутқ. 1996 йил 24 апрел. Париж. // Бунёдкорлик йўлидан. Ж.4.-Т., 1996. - Б. 331-340.
- Каримов И.А. Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир: Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиши маросимида сўзлаган нутқ. 1996 йил 18 октябрь // Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Ж.5. -Т., 1996. - Б. 166-171.
- Каримов И.А. Азалий буюклик маскани: Самарқанд шаҳрида Амир Темур хайкалининг очилиш маросимида сўзлаган нутқ. 1996 йил 18 октябрь // Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Ж.5. -Т., 1996. - Б.171-175.
- Каримов И.А. Соҳибқирон камолга етган юрт: Шахрисабз шаҳрида Амир Темур хайкалининг очилиш маросимида сўзлаган нутқ. 1996 йил 18 октябрь // Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Ж., 1996. - Б.175-179.
- Каримов И.А. Адолат ва қудрат тимсоли. 1996 йил 18 октябрь // Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Ж. 5. -Т., 1996. - Б. 179-181.
- Каримов И.А. Амир Темур - фахримиз, гуруримиз: Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференциясидаги маъруза, 1996 йил 24 октябрь // Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Ж.5. -Т., 1996. - Б. 179-181.
- Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: Шарқ, 1998.
- Амир Темур - фахримиз, гуруримиз. -Т.: Ўзбекистон, 1998.- 208 б.
- Авторы XV в. о самаркандских событиях 1365 г. // Гуревич А.М. О классово-вой борьбе в Самарканде в 1365-66 гг. - Т., 1936. С. 10-24.
- Амир Темур аждодлари (Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асаридан терма таржима) / Форс тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳлар муаллифи О. Бўриев -Т.: Қомус, 1992. - 32 б.
- Амир Темур Кўрагон. Зафар йўли/ Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ашраф Аҳмад. -Т.:Нур, 1992.- 112 б.
- Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи /Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни У.Уватов тайёрлаган. Масъул муҳаррир А.Ўринбоев. -Т.: Мехнат, 1992. 1-к. - 328, 2-к. -192 б.
- Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи /Форс тилидан Б.Аҳмедов, Н.Норкулов ва М. Ҳасанийлар таржимаси. -Т.:Чўлпон, 1993. - 352 б.

- Низомиддин Шомий. Зафарнома/Форс тилидан ўғирувчи - Ю. Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масхул муҳаррир - А. Ўринбоев. Изоҳлар ва лугатларни тузувчи - Ҳ. Кароматов (жугрофий номлар изоҳи - О. Бўриевники). Ҳофизи Абрунинг «Зафарнома»га ёзган «Зайл»и - («Илова»)ни форсийдан ўғирувчи ва изоҳларни тузувчи - О. Бўриев. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - 528 б.
- Темур тузуклари /Форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси; Б. Аҳмедов таҳрири остида. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. - 144 б.
- Туркестанский сборник. Т.86. Т.273. Т.491. Т.508. Т.545. Т.541. Т.516. Т.462.
- Фасих Хавафи. Муджмал-и Фасихи. / Пер. предис. примеч. и указатели Д. Ю. Юсуповой. - Т.: Фан, 1980.- 346 с.
- Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Мовароуннаҳр воқеалари. 1360-1370. /Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Омонullo Бўриев, Масъул муҳаррир, сўз боши муаллифи ва нашрга тайёрловчи Асомиддин Ўринбоев. -Т.: Камалак, 1994.- 288 б.
- Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. /Сўз боши, тадбир, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи ва нашрга тайёрловчилар: А.Аҳмад, Ҳ.Бобобеков-Т.: Шарқ, 1997. - 384 б.
- Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний/ Форс тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Фулом Каримий - Т.: Ўзбекистон. 2011. 264 б.
- Абдураимов М. Темур ва Тўхтамиш - Т.:Адабиёт ва санъат. 2000. - 80 б.
- Амир Темур жаҳон тарихида.-Т.: Шарқ, 1996. - 295 б.
- Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. -Т.: Ўқитувчи, 1994.- 432 б.
- Аҳмедов Б. Амир Темур. -Т.:Мерос, 1995. - 640 б.
- Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. -Т.: Ўзбекистон, 1996.- 368 б.
- Бартольд В.В. Сочинения. Т.II. Ч. 1. Общее работк по истории Средней Азии. Работы по истории Кавказа и Восточной Европы. М.-: Изд. вост. лит., 1963. - 1020 с.
- Бартольд В.В. Сочинения. Т.II. Ч. 2. Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии. М.: Изд. вост. лит. 1964. - 657 с.
- Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Китобдан парчалар. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1990. - 96 б.
- Грановский Т.Н. Сочинения. Ч.1. -М., 1892. - 429 с.
- Грановский Т.Н. Тимур //Полное собрание сочинений, Том 1, СПб, 1905. - С. 341-352.
- Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда (Очерки истории Улуса Джучи в период сложения и расцвета с XIII-XIV в в). -М.: Госполитиздат , 1941. - 204 с.

- Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падение -М.-Л.: Акад. наук СССР, 1950. - 479 с.
- Зимин Л.А. Четвертый поход Тимура на Хорезм // Туркестанские ведомости- 1910. - №.266.
- Иванин М. Икки буюк саркарда. Чингизхон ва Амир Темур. -Т.: Фан, 1994. - 240 б.
- Карамзин Н.М. История государства Российского. Т.V. -Тула.: Приок. Кн. Изд-во, 1990. - 560 с.
- Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. - Т.: Фан, 1993. - 56 б.
- Набиев Р.Н. XIV асрда Ўрта Осиёда сарбадорлар кўзғолони. - Т.Ўзфиннашр, 1942. - 43 б.
- Соловьев С.М. История России с древнейших времен. Книга II. (Т. 3-4). Соцэкгиз, 1960. 782 с.
- Строева Л.В. Возвышение Тимура (1360-1370 гг) // Научный бюллетень Ленинградского гос. Университета. - Л., 1945. - № 4. С. 26-28.
- Строева Л. В. Возникновение государства Тимура // Уч. Зап. ЛГУ. Серия востоковедческих наук. - Л., 1952. - Вкл 3. - № 128.- С.64-87.
- Тамерлан: Эпоха. Личность. Деяния. / Составление, обработка и подготовка текста. Р. Рахмоналиева. -М.: Гураш, 1992. - 544 с.
- Татищев В.Н. История Российская. Т-V. -М.Л.: Наука,1965.- 343 с.
- Татищев В.Н. История Российская. Т. VII.- Л.: Наука, 1968. - 493 с.
- Темур ва Улугбек даври тарихи. -Т.: Қомус, 1996. - 264 б.
- Уватов У. Соҳибкирон араб муаррихлари нигоҳида - Т.: Шарқ, 1997. - 160 б.
- Уватов У. Соҳибкирон араб муаррихлари нигоҳида // Темурийлар даври маданият ёдгорликлари («Темурийлар тарихига оид манбалар: муаммолар, мулоҳазалар» мавзуида ўтказилган Республика миқёсидаги илмий анжуман материаллари. Тошкент, Темурийлар тарихи Давлат музейи, 18 окт. 2002 й.) К. 1. - Т., 2003. - Б. 34-38.
- Усмонов Б.А. Россия тарихшунослигида Амир Темур сиймоси - Т.: Фан. 2011. 128 - б.
- Файзиёв Т. Темурийлар шажараси. -Т.:Ёзувчи, 1995.- 352 б.
- Холбеков М. Амир Темурнинг Европа кироллари билан ёзишмалари - Самарқанд: Мерос, 1996.- 40 б.
- Череванский В. Амир Темур. Болалиги. Жанговар йўли. Вафоти. -Т.: Ёзувчи, 1993. - 224 б.
- Якубовский А.Ю. Тимур (Опыт краткой характеристики) // Вопросы истории. 1946. - № 8-9. - С 42-74.

31 МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
Амир Темур давлатининг ташкил топиши арафасида халқаро сиёсий вазият	6
Мовароуннаҳрда марказлашган давлатнинг ташкил топиши....	17
Амир Темур давлатининг Мўғулистон ва Олтин Ўрда давлатлари билан муносабатлари	51
Амир Темур давлати ҳудудларининг кенгайтирилиши	80
Амир Темур давлати ҳудудларининг ғарб томон кенгайиб бориши.....	94
Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар.....	121

